

Бисмиллаҳир роҳманир роҳим

Оилавий муносабатларга оид аҳком ва одоблар

Муқаддима

Барча ҳамду санолар Аллоҳга хосдир. Биз Унга ҳамд ва истиғфор айтамиз, Ундан ёрдам сўраймиз, нафсимиз шумлиги ва амалларимиз ёмонлигидан Унинг ўзидан паноҳ сўраймиз. Аллоҳ ҳидоят қилган кишини ҳеч ким адаштира олмайди, адаштирган кимсани ҳеч ким ҳидоят қила олмайди. Ягона, шериксиз Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқ ва Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва саллам Унинг бандаси ва элчисидир, деб гувоҳлик берамиз.

Шубҳасиз, барча яхшилик, ҳақиқий бахт-саодат, нажот, саломатлик ва рушд-ҳидоят Аллоҳнинг китоби Қуръон ва Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларига эргашишдадир. Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган ақлли киши бунга асло шубҳа қилмайди, иккиланмайди. Аллоҳ таоло айтади: **“Биз Лавҳул Маҳфузда бирорта ҳам нарсани қолдирмасдан, барчасини битиб қўйганмиз”** (Анъом, 38).

Аллоҳ таоло Қуръон ҳақида: **“Бу Қуръон ҳидоятдир”** (Жосия, 11), деди. Яна: **“Ушбу Қуръон барча одамлар учун очиқ-равшан кўрсатмалардир, Аллоҳдан нозил қилинган Китоб эканига иймон келтирадиган қавм учун ҳидоят ва раҳматдир”** (Жосия, 20), деди.

Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатлари Аллоҳнинг китобига асосланган бўлиб, у зотнинг сўзлари ваҳийдир. Бу ҳақда Аллоҳ таоло бундай деган: **“У нафси ҳавосидан келиб чиқиб гапирмайди. У айтаётган оят ва ҳадислар унга тушириляётган бир ваҳийдир, холос. Унга бу ваҳийни куч-қудрат соҳиби бўлган ва ўта хушсурат фаришта Жаброил таълим берди”** (Нажм, 3-5).

Шундай бўлгач, яхшиликка ҳарис бўлган ҳар бир инсон Аллоҳнинг китобидан ва Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳадисларидан имкон қадар кўпроқ насибадор бўлишга ҳаракат қилиши лозим. Бунинг учун Қуръон ва ҳадисни тушунишга, ҳар бир оят ва ҳадисни ўзига муносиб ўринга қўйишга ёрдам берадиган илмларни ҳам таълим олиши керак бўлади. Ана шунда Аллоҳ азза ва жалланинг: **“Аллоҳ ҳикматни – сўз ва амалда тўғрилиқка муваффақ бўлишни – Ўзи истаган бандаларига беради. Аллоҳ кимга ҳикмат ато этган бўлса, у инсонга кўп яхшилик берилибди”** (Бақара, 269) оятининг ва Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: **“Аллоҳ кимга яхшиликни ирода қилса, уни динда билимдон қилиб қўяди”**¹ ҳадиси шарифларининг аҳамияти юзага чиқади.

¹ Бухорий (71) ва Муслим (1037) Муовия разияллоҳу анҳудан ривоят қилган.

Аллоҳ таоло қайси бандасига Қуръон ва ҳадис илмини насиб этган бўлса ва у саҳиҳ ҳадисларни заиф ё тўқима ҳадислардан ажрата олса, Қуръон ва ҳадис билимдони бўлиш билан бирга ихлосли ҳам бўлса, барча яхшиликларни қўлга киритган, икки дунё бахт-саодатига эришган бўлади. Қолаверса, одамлар билан ҳам яхши муносабатда бўла олади. Аллоҳнинг китоби ва Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларини яхши билиш, унга амал қилиш ҳаётнинг барча жабҳаларида бандани Аллоҳга яқин қиладиган муваффақият гаровидир.

Ҳурматли ўқувчи, қўлингиздаги ушбу китобда ҳар бир шахс билиши лозим бўлган, истаса-истамаса ҳаёти мобайнида унга эҳтиёжи тушадиган мавзу ҳақида сўз кетади. Бу мавзу ота ва ўғилга, она ва қизга, эр ва хотинга, хуллас барчага бирдек муҳим мавзудир. Ҳар бирининг бу мавзуга алоқадорлиги бор, ҳар бири навбати билан унга тўқнаш келади. Бу мавзу “Оилавий муносабатларга оид аҳком ва одоблар” мавзусидир.

Бир-бирларида ҳаққи бўлган ҳар бир оила аъзоси буни яхши билиб олиши, бошқалар билан Қуръон ва суннат ёғдуси ҳамда салафи солиҳлар сийрати асосида муомала қилишни ўрганиши, рушду ҳидоятли ва ибратли ҳаёт кечириши ва жаннатга олиб борувчи тўғри йўлда юришини орзу этиб, шу мавзу эшигини қоқдим.

Аввало, ўзимни ва қолаверса ҳар бир ўқувчини Аллоҳга кўп истиффор айтишга тарғиб қиламан. Чунки гуноҳ бандани фаҳмлашдан тўсиб қўяди. Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганларидек, маъсият қалбга доғ туширади: *“Банда бир гуноҳ иш қилса, қалбига битта қора нуқта тушади. Агар тавба қилса ва истиффор айтса, қалби сайқалланади. Гуноҳи кўпайса, қора нуқта ҳам кўпаяди. Бора-бора гуноҳлар қалбини қоплаб олади. Аллоҳ таоло Қуръонда бунга ишора қилиб, бундай деган: “Иш улар ўйлагандек эмас. Балки гуноҳларининг кўплигидан пайдо бўлган занг уларнинг қалбларини қоплаб олган”* (Мутаффифин, 14)¹.

Гуноҳ-маъсиятлар мусибат етишига ва неъматлар заволига сабаб бўлади. Аллоҳ таоло деди: **“Эй одамлар, сизларга бирон мусибат етган бўлса, ўзингиз қилган гуноҳу маъсиятларингиз сабабли етган”** (Шўро, 30).

Бошқа оятда бундай деди: **“Яҳудлар улкан гуноҳларга қўл уриш билан қилган зулмлари ҳамда ўзларини ва ўзгаларни Аллоҳнинг ҳақ динидан тўсишлари сабабли Аллоҳ таоло илгари улар учун ҳалол бўлган егуликларнинг баъзиларини уларга ҳаром қилди”** (Нисо, 160).

Аллоҳнинг китобини ва Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳадисларини тушунмаслик мусибатдир. Аллоҳ таолодан тақво қилиш эса илм ҳосил бўлишига ва уни англаб етишга сабаб бўлади. Аллоҳ таоло деди:

¹ Аҳмад (2/297) ҳасан санад билан ривоят қилган.

“Аллоҳдан қўрқинглар! Аллоҳ сизларга дунёю охиратингизни ислоҳ қилувчи жамики нарсаларни таълим беради” (Бақара, 282).

Азиз ўқувчи, бу китобни мутолаа қилар экансиз, Пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламга кўп салават ва саломлар айтишни унутманг. Хусусан, номи шарифлари келганда, ҳадисларини ўқиганингизда албатта салават айтинг. Биз айтган салавоту саломларни Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга етказиб турадиган Аллоҳнинг фаришталари бор. Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: *“Ким менга бир марта салават айтса, Аллоҳ таоло унга ўнта салават йўллайди”*¹.

Аллоҳ таолодан бу китобни аввало ўзимга, қолаверса барча мусулмонларга манфаатли қилишини сўрайман. Эр-хотин ўртасидаги ва умуман оиладаги келишмовчиликлар барҳам топиб, оилавий тотувлик, бахт-саодат ҳукм суришини Аллоҳдан дуо қилиб сўраман. Аллоҳ ниятларимизни билади, тавфиқ ва ҳидоят Унинг қўлида, Ўзи тўғри йўлга йўлласин. Аллоҳга таваккул қилдим.

Пайғамбаримизга, у зотнинг оилалари ва асҳоби киромларига салават ва саломлар бўлсин.

Абу Абдуллоҳ Мустафо Адавий

Эр хотинига раҳбардир

Аллоҳ таоло деди: **“Эркаклар аёллари устидан раҳбардир”** (Нисо, 34).

Ҳар бир оилани бошқариб турувчи, ишларини тартибга келтирувчи, асраб-авайлаб, оила учун жон куйдирувчи устунлиги, раҳбари бўлиши керак. Бу раҳбар модомики гуноҳга буюрмас экан, унга қулоқ солиб, итоат этиш оила аъзоларига лозим ва лобиддир. Оиладаги раҳбар эркак, яъни эр ва отадир, уни бу мансабга Аллоҳ таолонинг Ўзи тайин этган. Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло айтган: **“Эркаклар Аллоҳ уларга ато этган устунлик ва раҳбарлик хусусиятлари, шунингдек маҳр ва нафақаларни бериб турганлари туфайли аёлларга йўл-йўриқ кўрсатувчи ва уларни ўз қарамоқларида муҳофаза қилиб турувчидирлар”** (Нисо, 34).

Эрнинг хотин устидаги раҳбарлиги Аллоҳ таоло айтганидек икки нарса билан белгиланди:

Биринчи:

а) Эркаклар аёллардан ортиқ қилингани, яъни Аллоҳ таоло эркакларни аёлларга нисбатан асли хилқатларида қувватли, сабр-бардошли ва ақлли қилиб яратгани;

1 Муслим ривояти, 4/127.

- б) Пайғамбарлик эркакларга хос бўлгани¹;
- в) Халифалик ҳам эркакларга хос экани²;
- г) Бир эркак гувоҳлиги икки аёл гувоҳлигига тенглиги;
- д) Меросда эркаклар улуши аёллар улушидан икки баробар зиёда экани;
- е) Эр киши бир вақтнинг ўзида тўрт хотинни никоҳига олишга ҳақли экани, аёл киши эса фақат бир эрнинг никоҳида бўлиши мумкинлиги;
- ж) Никоҳга олиш, талоқ қилиш, талоқ қилинган аёлни қайтариб олиш – буларнинг бари эрнинг қўлида экани;
- з) Боланинг онага эмас, отага нисбатланиши³;
- и) Жиҳоднинг эркаклар зиммасига юклатилгани, аёлларга жиҳод қилиш фарз эмаслиги;
- к) Амри маъруф, наҳий мункар ва бошқа кўпгина масалалар аёлларга эмас, асосан эркакларга тааллуқли бўлгани⁴.

Иккинчи:

Аллоҳ таоло оятда айтгани каби эркаклар аёлларнинг нафақасини бериб тургани сабабли раҳбарликка ҳақли бўлдилар: **“Шунингдек, маҳр ва нафақаларни бериб турганлари туфайли”**. Эркак уйланган кундан бошлаб аёлига нафақа қила бошлайди⁵. Маҳр бериш, едириб-ичириш, кийинтириш, жой билан таъминлаш каби хотиннинг ҳақ-ҳуқуқлари эр зиммасига вожиб бўлади. Ҳатто эр хотинини талоқ қилгандан кейин ҳам иддаси ичида уни нафақа ва уй-жой билан таъминлаши лозим.

Аллоҳ таоло Қуръонда зикр қилган ушбу икки сабабга кўра эр хотини устидан раҳбар, васий, унга ҳомий ва масъулдир: **“Эркаклар Аллоҳ таоло уларга ато этган устунлик ва раҳбарлик хусусиятлари, шунингдек маҳр ва нафақаларни бериб турганлари туфайли аёлларга йўл-йўриқ кўрсатувчи ва уларни ўз қарамоқларида муҳофаза қилиб турувчидирлар”** (Нисо, 34).

Буни Аллоҳ таолонинг бошқа оятдаги ушбу сўзи ҳам таъкидлайди: **“Эркаклар хотинлардан бир даража устундир”** (Бақара, 228).

Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қуйидаги сўзлари эса бу таъкидни янада зиёда қилади: *“Инсонни бошқа бир инсонга сажда қилишга*

1 Аллоҳ таоло деди: **“Эй Пайғамбар, Биз сиздан илгари ҳам фақат инсон зотидан бўлган эр кишиларга ваҳий юбориб, уларни пайғамбар қилганмиз”** (Анбиё, 7).

2 Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: *“Бошқарувни аёл кишига топшириб қўйган қавм муваффақият қозонмас”* (Бухорий ривояти, 4425-ҳадис).

3 Фақат ўта нодир, истисно ҳолатларда онага нисбат берилиши мумкин.

4 Баъзан амри маъруф ва наҳий мункар қилиш тартиб-қоидаларига риоя этган ҳолда аёлларнинг эркакларга наҳий мункар қилиши ҳам жоиз. “Саҳиҳи Бухорий” да бундай ривоят келган: Одамлар Амр ибн Салама исмли ёш болани имомликка ўтказар эдилар. Ёш бўлганидан саждада думбаси кўриниб қоларди. Шунда бир аёл: “Бизга имомингизнинг кети кўриниб қоляпти, тўсиб қўйсаларинг бўлмайдими?” деб айтган эди.

5 Шунини эътибордан қочирманг, аёл киши ўзи пул топиб эрига сарфлайдиган бўлса, оилада устунликни даъво қилиб қолиши кўп ҳолларда кузатилган, ҳушёр бўлинг.

буюрганымда хотинни эрига сажда қилишга буюрган бўлардим”¹. Бошқа ривоятда: “Аллоҳ таоло эрнинг аёл устидаги ҳаққини улуғ санагани учун”, деган қўшимча бор. Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда ҳам ушбу қўшимча саҳиҳ санад билан келган.

Абу Саид Худрий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Бир киши қизини Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига олиб келиб, деди: “Мана бу қизим турмушга чиқишга кўнмаяпти!” Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам унга: “*Отангга итоат қил*”, дедилар. Қиз деди: “Йўқ, то эрнинг хотин зиммасидаги ҳаққи нима эканини айтиб бермагунингизча (отамнинг бу истагини бажармайман)”. Қиз Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга яна гапини такрорлади. Шунда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: “*Эрнинг хотин зиммасидаги ҳаққи шунчаликки, эрининг (танасида йиринги оқиб турган) яраси бўлса ёки бурнидан йиринг ё қон оқиб турса-ю, хотин ўшани яласа ҳам эрининг ҳаққини адо этолмайди*”. Шунда қиз деди: “Сизни ҳақ билан юборган Зотга қасамки, мен асло турмушга чиқмайман”. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: “*Қизларни уларнинг изнисиз турмушга узатманглар*”².

Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламдан: “Қандай хотин энг яхши хотин?” деб сўрашганида у зот: “*Эри юзига боқиб хурсанд бўладиган, эрнинг амрига итоат этадиган, ўзининг жисми ва эрининг моли хусусида эр ёқтирмайдиган бирон ишни қилмайдиган хотин*”, деб жавоб бердилар³.

Шунингдек, эри ўйда эканида хотин унинг изнисиз нафл рўза тутмайди. Бу ҳақда қуйидагича ҳадис бор: “*Эри уйида эканида хотин унинг изнисиз (нафл) рўза тутмайди*”⁴.

Уйига эрининг рухсатисиз ҳеч кимни киргизмайди⁵.

Эрининг изнисиз масжидга ҳам чиқмайди⁶.

Эр хотинини тўшакка чорласа, унинг истагини қондириши вожиб. Агар бош тортса, то тонг отгунича фаришталар унга лаънат айтади⁷, осмондаги Зот ҳам бундай аёлга ғазаб қилади⁸.

Эркаклар аёллар устидан раҳбар эканини кўрсатадиган бундан бошқа далиллар ҳам мавжуд. Оқила аёлга шунинг ўзи ҳам етарли деб ўйлайман. Бу масалада аёллар эътироз билдириши мумкин эмас, чунки бу ҳикмат соҳиби,

1 Термизий (1159), Ибн Ҳиббон (1291) ва Байҳақий (7/291) ривояти.

2 Ибн Абу Шайба (4/303), Байҳақий (7/291) ва Насоий (3/383) ривояти.

3 Аҳмад ривояти, 2/251.

4 Бухорий (5192) ва Муслим (711) ривояти.

5 Бухорий ривояти, 5195.

6 “*Аёлларингиз масжидга бориш учун рухсат сўраса, қаршилиқ қилманг*”. Бухорий (5238) ва Муслим (326) ривояти.

7 “*Эр тўшакка чорлаганида аёли бош тортса, тонггача малоикалар унга лаънат айтади*”. Бухорий (5193) ва Муслим (1060) ривояти.

8 “*Аллоҳга қасамки, қайси бир эр хотинини тўшагига чорлаганида аёли бош тортса, то эрини рози қилмагунича осмондаги Зот унга ғазаб қилади*” (Муслим ривояти, 3/611).

махфий сирларни-да билувчи, барча ишлардан хабардор Аллоҳнинг тақсимидир. Аллоҳ таоло деди: **“Аллоҳ таоло қобилият, ризқ ва бошқа нарсаларда бирингизни бошқангиздан устун қилган. Сизлар бировга берилган фазлни орзу қилманг. Аллоҳ таоло эркакларга қилган ишларига яраша жазо ё мукофот беради, аёлларга ҳам қилган ишларига яраша жазо ё мукофот беради. Ўзгалар қўлидаги нарсаларни орзу қилиш ўрнига саховатли ва карами кенг Аллоҳдан сизларга ҳам ўз фазлидан беришини сўранглр. Шубҳасиз, Аллоҳ таоло ҳар бир нарсани яхши билувчи Зот. У бандаларига яхшиликларни тақсим қилар экан, улар учун нима яхши ва муносиб эканини яхши билади”** (Нисо, 32).

Эр оиласига таълим бериши

Эр оиласига таълим-тарбия бериши, дини ва дунёсига фойдали ишларни ўргатиши лозим. Аллоҳ таоло айтган: **“Эй иймон келтирганлар, Аллоҳ буюрган ишларни қилиш ва қайтарган нарсалардан тийилиш билан ўзингизни ва оилангизни ёқилғиси одамлар ва тошлар бўлган дўзах ўтидан сақланг. Дўзах аҳлига ўта кучли ва раҳм-шафқатни билмайдиган, Аллоҳнинг амрига асло хилоф қилмайдиган ва буюрилган ишни сўзсиз бажарадиган фаришталар азоб беради”** (Таҳрим, 6).

Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам Молик ибн Хувайрисга ва унинг шерикларига бундай деган эдилар: *“Оилангиз ҳузурига қайтинглар, улар билан бирга яшанглр, уларга таълим-тарбия беринглр, уларни намозга буюринглр”*¹.

Эркакнинг раҳбарлиги бутун оиллага тегишлидир

Эркак кишининг уйдаги раҳбарлиги фақат хотинига чекланмаган, йўқ, балки у фарзандларига, ўғил-қизларига ҳам масъул шахсдир. Аллоҳ таоло деди: **“Эй иймон келтирганлар, Аллоҳ буюрган ишларни қилиш ва қайтарган нарсалардан тийилиш билан ўзингизни ва оилангизни ёқилғиси одамлар ва тошлар бўлган дўзах ўтидан сақланг. Дўзах аҳлига ўта кучли ва раҳм-шафқатни билмайдиган, Аллоҳнинг амрига асло хилоф қилмайдиган ва буюрилган ишни сўзсиз бажарадиган фаришталар азоб беради”** (Таҳрим, 6).

Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: *“Ҳар бирингиз раҳбарсиз ва ҳар бирингиз қўл остингиздагилардан масъулсиз. Халифа раҳбар ва у ўз раиятига масъулдир. Эркак киши оиласида раҳбар ва қарамоғидагиларга масъулдир. Аёл киши эрининг уйида бека ва қўл остидагиларга масъулдир. Қул хожасининг мол-мулкани сақловчи ва қўл*

¹ Бухорий (13/231) ва Муслим (674) ривояти.

*остидагиларга масъулдир. Ҳар бирингиз раҳбар ва ҳар бирингиз раиятингизга масъулсиз”*¹.

Аёлларга юмшоқ муомала қилиш зарурлиги

Эр уйда раҳбар дегани қўпол, қўрс, тўрс, сўконғич, уронғич бўлиши дегани эмас. Балки у гўзал хулқли, одоб-ахлоқли бўлиши, мулойимлик, юмшоқлик сифати билан зийнатланган бўлиши лозим. Барчамиз бўйсунушга, буйруқларини бажариб, тақиқлаган ишларидан тийилишга маъмур бўлганимиз Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бутун башариятнинг раҳбари ва саййиди бўлишларига қарамай, Аллоҳ таоло у зотга юмшоқлик ато этди, мўминларга меҳр кўрсатишга, хокисор ва тавозели бўлишга буюрди. Аллоҳ таоло деди: **“Эй Пайғамбар, Аллоҳнинг раҳмати туфайли сиз асҳобларингизга юмшоқ кўнгил ва меҳрибон бўлдингиз. Агар ёмон хулқли, тошбағир бўлганингизда, улар атрофингиздан кетиб қолишган бўларди. Улардан содир бўлган айрим ишлар туфайли уларни айбдор қилманг ва Аллоҳдан уларнинг гуноҳларини кечиришини сўранг. Маслаҳатлашиш керак бўлган ишларда улар билан маслаҳатлашинг”** (Оли Имрон, 159).

Бошқа оятда эса бундай деган: **“Даъватингизни қабул қилган мўминларга тавозе ва раҳм-шафқат билан юмшоқ гапириб, яхши муомала қилинг”** (Шуаро, 215).

Ойша разияллоҳу анҳодан ривоят қилинган ҳадисда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Мулойим бўл”,** деб амр этганлари келган².

Бошқа бир сўзларида юмшоқ бўлишга қизиқтириб: **“Мулойимлик қай бир нарсада бўлса уни зийнатли қилади, қай бир нарсада бўлмаса уни айбли қилади”,** деб айтганлар³.

Яна айтганлар: **“Аллоҳ таоло ишларнинг ҳаммасида юмшоқликни яхши кўради”**⁴;

“Аллоҳ таоло юмшоқлик учун қўполликка ва юмшоқликдан бошқа хислатларга бермаган ажр-мукофотни беради, шунингдек, қўполлик ва бошқа сифатлар билан эришилмаган натижаларга юмшоқлик билан эришилади”⁵;

“Ким ҳалимликдан маҳрум қилинган бўлса, барча яхшиликлардан маҳрум қилинибди”⁶.

Аллоҳ таоло аёл кишини эрига итоат этишга буюрган экан, ўз навбатида эр ҳам хотинига нисбатан меҳрибон, ҳалим, ғамхўр бўлиши талаб қилинади.

1 Муттафақун алайҳ. Ибн Умар разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинган.

2 Муслим ривояти, 2594.

3 Муслим ривояти, 2594.

4 Бухорий ривояти, 6024.

5 Муслим ривояти, 2593.

6 Муслим ривояти, 2592.

Аллоҳ таоло хотинни эр учун оромижон қилиб қўйган экан, эр ҳам аёлига меҳр-муҳаббатли бўлиши керак.

Аллоҳ таоло деди: **“Аллоҳнинг буюклигига, қудратининг комиллигига далил бўлувчи оятлардан бири сиз (эркаклар) роҳат топишингиз учун ўз жинсингиздан (яъни одам жинсидан) жуфтлар яратди. Ҳамда эр-хотин ўртасига меҳр-муҳаббат солиб қўйди”** (Рум, 21).

Бошқа оятда эса: **“Эй одамлар, Аллоҳ сизларни бир жондан (яъни Одам алайҳиссаломдан) яратди ва ором топиши учун ундан жуфти Ҳаввони яратди”** (Аъроф, 189).

Хотин яхши ва солиҳа бўлса, эр қўлга киритган энг бебаҳо хазина бўлади. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: *“Дунё фойдаланадиган ва лаззат олинадиган бир матодир. Дунё матолари ичида энг яхшиси солиҳа аёлдир”*¹.

Эркак киши оиласига меҳрибон, хушмуомала бўлиши керак. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: *“Мўминларнинг иймони энг комили хулқ-атвори гўзал бўлгандир. Сизларнинг энг яхшингиз аёлларингизга яхши бўлганингиздир”*².

Хотинлар эрининг қўлида тутқиндир. Бу ҳақда Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламдан қуйидаги ҳадис бор: *“Аёллар сизларнинг қўлингизда асирадир”*³.

Шунинг учун Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам аёлларга яхши муомала қилишни буюрганлар. Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: *“Ким Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган бўлса, қўшнисига азият етказмасин. Аёлларга яхши муомалада бўлинглар. Зеро, аёл киши қовурғадан яратилган, қовурғанинг энг эгри жойи юқорисидир, агар уни тўғрилайман десанг синдириб қўясан. Агар ташлаб қўйсанг, қийшиқлигича қолаверади. Шундай экан, аёлларга яхши муомалада бўлинглар”*⁴.

Самура ибн Жундуб разияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда ҳам шу маъно бор: *“Хотин қовурға кабидир, тўғрилайман десанг синдириб қўясан. Шундай бўлгач, муросаю мадора қил, яшаб кетасан”*⁵.

Аллоҳ таоло бир қанча оятларда аёллар билан тинч-тотув яшашга амр этган: **“Хотинларингиз билан турмушингиз ҳурмат-эҳтиром, меҳр-муҳаббат асосида бўлсин”** (Нисо, 19).

“Эр хотинини қайта никоҳ ўқитмай қайтариб олиши мумкин бўлган талоқ бўлиб-бўлиб икки марта берилган талоқдир. Аллоҳнинг бу борадаги ҳукми ҳар бир талоқдан сўнг аёлни ё яхшилик билан қайтариб олиш ё чиройли суратда жавобини беришдир” (Бақара, 229).

1 Муслим ривояти, 3/656.

2 Аҳмад ривояти, 2/472.

3 Термизий ривояти, 1163.

4 Муттафақун алайҳ.

5 Ибн Ҳиббон ривояти, 1308.

“Аёллар итоат қилсалар, уларга зулм қилишдан сақланинглари. Албатта, Аллоҳ олий ва буюқдир” (Нисо, 34).

Хотини итоат этса ҳам ундан кучли бўлгани учун унга зулм қиладиган эркаклар билиб қўйсинки, олий ва буюқ Аллоҳ аёлларнинг ҳимоячисидир, У аёлларга зулму тажовуз қилган кимсалардан интиқом олиб, аёлларга ёрдам беришга, зулмни улардан даф қилишга қодир Зотдир.

Ибн Касир раҳимаҳуллоҳ ушбу оят тафсирида қуйидагиларни айтган: “Агар хотин эри хоҳлаган барча муҳоқ ишларда унга итоат этса, бундай аёлга озор бериш учун йўл излаш эрга дуруст бўлмайди. Уни уриш, тўшакни алоҳида қилиб қўйиш мумкин эмас. Аллоҳ таолонинг: **“Албатта, Аллоҳ олий ва буюқдир”** деган сўзи хотинига зулм қиладиган, сабабсиз тажовуз қиладиган эрларга таҳдиддир. Олий ва буюқ Аллоҳ аёлларнинг ҳимоячисидир, У аёлларга зулму тажовуз қилган кимсалардан интиқом олади”.

Шунга ўхшаш сўзларни Ибн Жарир Табарий ҳам айтган, фақат озгина қўшимча қилиб: “Агар аёл эрига итоат этаётган бўлса, бироқ эрини яхши кўрмаса, эри уни яхши кўришга мажбурлаши ва шу боис унга озор бериши мумкин бўлмайди. Чунки яхши кўриш ё яхши кўрмаслик аёлнинг қўлида эмас”, деган.

Аёлларнинг ўзига хос табиати, уларнинг ақли ва дини нуқсонли экани

Эр-хотинлик муносабатларида муваффақият омилларидан бири - эр-хотин бир-бирининг табиатини билиб олишидир. Нимани ёқтиради, нимани ёқтирмайди, нимадан рози бўлади, нимадан норози бўлади – шуларни билиб, шариат рухсат берган чегарадан чиқмаган ҳолда турмуш ўртоғини хурсанд қилиши, кўнглини олишга интилиши керак бўлади. Эркаклар хотинларнинг хусусиятларини, уларнинг туғма табиатини яхши билиб муомала қилиши улар устидан раҳбарликни Аллоҳ рози бўладиган даражада олиб боришига ҳамда эр-хотин ва фарзандларнинг икки дунёда бахт-саодат топишига сабаб бўлади.

Азиз эркаклар, ақл ва дин ноқислиги аёлларнинг хусусиятларидан эканини унутманг. Абу Саид Худрий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда айтилишича, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: *“Эй аёллар жамоати, садақа қилинглари. Чунки менга дўзах аҳлининг кўпчилиги аёллар экани кўрсатилди”*, дедилар. Улар: “Нима учун, ё Расулulloҳ?” дейишди. Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: *“Кўп лаънат айтасизлар, умр йўлдошингизга ношукурлик қиласизлар. Сизлардан кўра ақли ва дини ноқис бўлгани ҳолда ҳар қанча пухта кишининг ҳам эс-ҳушини олувчиноқ бировни кўрмадим”*, дедилар. Улар: “Динимиз ва ақлимиз ноқислиги нимада, эй Расулulloҳ?” деб сўраган эдилар: *“Аёлнинг гувоҳлиги эркак гувоҳлигининг ярмича эмасми?”* дедилар. Улар: “Ҳа”, дейишди. *“Бу ақлининг ноқислиги. Аёл киши ҳайз кўрса, намоз ўқимайди ва рўза тутмайди, шундай эмасми?”* дедилар. Улар: “Ҳа”,

дейишди. “Бу динининг нуқсонидир”, дедилар Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам¹.

Кўпгина муфассирлар Аллоҳ таолонинг: **“Қўл остингиздаги ақлсиз кимсаларга қўлингизда бўлган уларнинг молларини бериб қўйманглар”** (Нисо, 5) оятидаги “ақлсиз кимсалар”дан мурод аёллар ва болалар деб тафсир қилишгани ҳам аёлларнинг ақли ноқис эканини таъкидлайди.

Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: *“Аёл киши бамисоли қовурға кабидир. Тўғрилайман десанг синдириб қўясан, яхшилигидан фойдаланаман десанг, эгрилигича фойдаланаверасан”*².

Аллоҳ таоло деди: **“Сизлар зийнатлар ичида тарбияланадиган ва ожизлиги туфайли баҳс-мунозарада ўзининг ҳақлигини исбот қилишга қодир бўлмайдиган кимсани, яъни қиз фарзандни Аллоҳга нисбат берасизларми?”** (Зухруф, 18).

“Эркаклар хотинлардан бир даража устундир” (Бақара, 228).

Буларнинг бари аёл кишининг заиф ва ноқис эканини кўрсатади.

Демак, аёл кишининг ақли ноқис экан, у билан шунга яраша муомала қилиш зарур. Одамлар билан муомала қилганда уларнинг ақл доирасига қараб муомала қилиш керак. Ақли бутун киши ақли паст, ёш бола ва телба одам билан ўзига яраша муомала қилади. Оқил киши ёш болага ҳар бир хато иши учун таъзир бераверса, бундай кишини одамлар: **“Ақли пастми бунинг, ёш боланинг даражасига тушяпти-я?”** дейдилар. Аллоҳ таоло иймон аҳли ҳақида: **“Беҳуда ишлар ёнидан ўтиб қолсалар юз ўгириб ўтиб кетадилар”**, деб айтган (Фурқон, 72).

Бинобарин, эрнинг хотин билан муомаласи ҳам худди шу йўсинда бўлиши керак. Яъни хотиннинг ҳар бир камчилиги учун дашном беравермайди. Масалан, хотин ўнта хато қилган бўлса, шундан учтаси, тўрттаси, боринги, бештаси учун койисин, лекин қолганидан кўз юмсин, ҳар бир хатоси учун танбеҳ беравермасин. Аммо ўнта хатосининг ҳаммаси учун дашном бераверса, эркак ўзини шу аёл даражасига туширган ва ўзига калтабин, ақли паст одам тамғасини босган бўлади.

Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу анҳумо бундай деган: “Аёлимдан барча ҳақларимни талаб қилмайман, балки айрим ҳақларимдан воз кечаман, чунки Аллоҳ таоло: **“Эркаклар хотинлардан бир даража устундир”**, деган” (Бақара, 228).

Улуғ саҳобийнинг бу сўзи Аллоҳ таолонинг қўйидаги сўзига монанддир: **“Эсланг, Пайғамбар хотинларидан бирига бир сирни айтганида у ўша сирни фош қилиб қўйди. Аллоҳ пайғамбарига буни маълум қилгач, Пайғамбар аёлига унинг айтиб қўйган сўзларидан баъзисини айтди ва баъзисини олийжаноблик қилиб айтмади”** (Таҳрим, 3).

1 Бухорий (304) ва Муслим (80) ривояти.

2 Бухорий (5184) ва Муслим (1091) ривояти.

Оятдан маълум бўлишича, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам мўминларнинг оналари, аёлларнинг энг яхшилари бўлган хотинларидан бирига бир сўз айтиб, шуни ҳеч кимга айтмасликни тайинлаганларида у бошқасига айтиб қўяди. Аллоҳ таоло Пайғамбарига аёли қилган иш ҳақида хабар берганида Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам у хотинларини қилган ҳар бир иши учун койимадилар, балки Аллоҳ айтганидек: **“баъзисини айтди ва баъзисини олийжаноблик қилиб айтмади”**.

Маълумки, Аллоҳ таоло олийжаноб инсонларни ўзларидан қуйида бўлганларнинг хато-камчиликларини ўтиб юборишга тарғиб қилган: **“Фозил ва бой-бадавлат кишилар камбағал қариндошлари, муҳтожлар ва Аллоҳ йўлидаги муҳожирлардан алоқаларини узишга ва улар қилган гуноҳ сабабли уларга бераётган нафақаларини тўхтатиб қўйишга қасам ичмасинлар. Ёмонликларини кечирсинлар ва уларни жазоламасинлар. Аллоҳ сизларни кечиришини истамайсизми? Шундай экан, сизлар ҳам уларнинг гуноҳларидан ўтинг. Аллоҳ бандаларини кечирувчи, раҳмли зотдир”** (Нур, 22).

Аёл макри

Эркаклар ўта ҳушёр, зийрак бўлишлари лозим, аёлларнинг маккор, устомон эканини, зоҳирда бир ишни кўрсатиб, ботинда бошқа ишни мақсад қилиши мумкинлигини кўздан қочирмасликлари керак. Гарчи бундай сифат эркакларда ҳам бўлса-да, аёлларда кўпроқ учрайди. Хотин киши қилғиликни қилиб қўйиб, уни бошқага тўнкаб юбориши ҳеч гап эмас. Буни Миср вазирининг хотини мисолида яққол кўришимиз мумкин. Аллоҳ таоло деди: **“Вазирнинг хотини ўйида бўлган Юсуфни унинг ҳуснига ошиқу беқарор бўлиб қолгани туфайли мулойим сўзлар билан ўзига чорлади. Эшикларни маҳкам беркитди ва: “Келақол ёнимга”, деди. Юсуф: “Аллоҳ сақласин! Мен сен чорлаётган ишдан, яъни менга иззат-икром кўрсатиб, яхши ўринга жойлаштирган хожамга хиёнат қилишдан Аллоҳдан паноҳ сўрайман! Зеро, зулм қилиб, ўзига нолайиқ ишни қилган кимса нажот топмас”, деди. Аёлнинг нафси бузуқлик қилишга мойил бўлди. Юсуф Рабби томонидан унинг кўнглида пайдо бўлган ҳис-туйғуларни тийиб қўядиган оят-аломатни кўрмаганида эди, унинг нафси ҳам аёлнинг чорловини қабул қилишга мойил бўлаётган эди. Биз барча ишларида ёмонлик ва бузуқликларни даф қилиш учун Юсуфга бу оят-аломатни кўрсатиб қўйдик. Шубҳасиз, у Аллоҳга ихлосли ва пок бандаларимиздандир. Юсуф чиқиб кетиш учун эшик томон ошиқди. Аёл уни ушлаб олиш қасдида югурди ва чиқиб кетишига йўл қўймаслик учун ортидан кўйлагига чанг солиб, уни йиртиб юборди. Шу ҳолда икковлари эшик олдида аёлнинг эрига дуч келдилар. Аёл деди: “Хотининг билан бузуқлик қилмоқчи бўлган кимсанинг жазоси ё қамоққа ташланиш, ё аламли азобга дучор бўлишдир”** (Юсуф, 23-25).

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Ойша разияллоҳу анҳо бундай деган эди: “Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам касалликларида: “Абу Бакрга айтинглар, одамларга имом бўлиб намоз ўқиб берсин”, дедилар. Шунда мен: “Абу Бакр сизнинг ўрнингизда турса, йиғидан одамларга қироатни эшиттира олмайди. Умарга буюринг, у имом бўлиб ўқиб берсин”, дедим. Ҳафсага ҳам: “Абу Бакр сизнинг ўрнингизда турса, йиғидан одамларга қироатни эшиттира олмайди. Умарга буюринг, у имом бўлиб ўқиб берсин”, деб Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламга айтинг”, дедим. Мен айтган гапни Ҳафса ҳам айтган эди, Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: “Бас! Сиз аёллар Юсуф қиссасидаги аёлларнинг нақд ўзисиз. Абу Бакрга айтинглар, одамларга имом бўлиб намоз ўқиб берсин”, дедилар. Шунда Ҳафса Ойшага: “Сиздан ҳеч яхшилик кўрмадим-да”, деди”¹.

Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг: “Сиз аёллар Юсуф қиссасидаги аёлларнинг нақд ўзисиз” деган сўзларидаги ўхшашлик Ойша разияллоҳу анҳонинг қўйидаги сўзида очиқ равшан бўлади: “Бу ишда Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламга қайта-қайта мурожаат қилишга мени ундаган нарса шуки, одамлар Расулulloҳдан сўнг у зотнинг ўринларида турган одамни ёқтирмай, ундан шумланиб қолишларидан қўрққан ва бу билан Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам Абу Бакрни имомга ўтказиш фикридан қайтишларини хоҳлаган эдим”².

Ойша разияллоҳу анҳо айтади: “Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам сафарга чиқсалар хотинлари ўртасида қуръа ташлардилар. Бир гал қуръа Ойша ва Ҳафсага чиқди. Тунда Пайғамбар саллalloҳу алайҳи ва саллам Ойша билан бирга юриб, гаплашиб кетар эдилар. Ҳафса Ойшага: “Бу кеч туяларимизни алмаштириб минмаймизми, шунда сиз ҳам, мен ҳам кўрмаган нарсаларимизни кўриб кетардик?” деди. Ойша разияллоҳу анҳо: “Майли”, деди ва Ҳафсанинг туясига минди. Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам Ойшанинг туяси олдига келдилар, уни Ҳафса минган эди. Унга салом бердилар ва то тунаш учун бир ерга бориб тўхтагунларига қадар у билан бирга кетдилар. Ойша разияллоҳу анҳо бу кеча Пайғамбар саллalloҳу алайҳи ва саллам суҳбатларини қўмсаб, қийналди. Тунаш учун бир жойда тўхтатаганларида оёқларини ўт-ўланлар орасига тиқиб: “Илоҳим, мени чаёнми, илонми чақиб олсин-у, Расулингга бир нарса деб қўйишга қодир бўлмай”, деди”³.

Гоҳида яхши ишларда ҳам ҳийла ишлатиш мумкин. Абу Бакр разияллоҳу анҳунинг қизи Асмо разияллоҳу анҳодан ривоят қилинган воқеа бунга мисол бўла олади. Унда Асмо: “Турмуш ўртоғим Зубайрнинг уйдаги хизматини қилар эдим”, - деб гап бошлаб, қўйидагиларни айтиб берган: - “Кунларнинг бирида бир киши келиб: “Эй Умму Абдуллоҳ, мен бир фақир кишиман, уйингизнинг

1 Бухорий ривояти, 2/164.

2 Бухорий (5211) ва Муслим (2245) ривояти.

3 Бухорий ривояти, 4913.

соясиди савдо қилсам дегандим”, деди. Асмо разияллоҳу анҳо: “Мен сенга рухсат берсам ҳам Зубайр буни истамаслиги мумкин. Шунинг учун бу гапингни Зубайр борлигида айтгин”, деб қайтариб юборди. У киши Зубайр разияллоҳу анҳу уйда бўлган пайт келиб: “Эй Умму Абдуллоҳ, мен бир фақир кишиман, уйингизнинг соясиди савдо қилишни истайман”, деди. Асмо разияллоҳу анҳо: “Савдо қилишинг учун Мадинада менинг уйимдан бошқа уй йўқми?” деди. Шунда Зубайр разияллоҳу анҳу Асмога қараб: “Бир фақир кишини савдо қилишидан нега тўсасан?” деди. У киши оз-моз маблағга эга бўлгунича савдо қилди. Мен унга ўз чўримни сотдим. Чўри эвазига берилган пул этагимда турганида Зубайр олдимга кириб қолди ва менга: “Шу пулни менга ҳадя қил”, деган эди, “Мен уни садақа қилиб бўлдим”, дедим”¹.

Аёллар эрга ношукр бўлишдан ҳазир бўлсинлар

Аёллар эр ҳам инсонлигини, унда ҳам хато-камчилик бўлиши мумкинлигини унутмасинлар. Аёл киши эридан содир бўлган бирон ишни ёқтирмаса, биргина шу иши учун нонкўрлик қилиб, олдин қилган барча яхшиликларини унутиб юбормаслиги керак. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундан қаттиқ қайтарганлар ва эрга нонкўрлик қилиш, ношукр бўлиш, яхшилигини билмаслик дўзахга тушишга сабаб бўлишини уқтирганлар. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам даврларида қуёш тутилди. Қуёш тутилганда ўқиладиган кусуф намозини ўқиб бўлгач, одамларга юзланиб: “Мен жаннатни кўрдим ёки менга жаннат кўрсатилди. Унда бир шингил узумга қўл узатдим. Уни узиб олганимда дунё тургунича ундан ер эдингиз. Дўзахни ҳам кўрдим. Бугунгидек қўрқинчли манзарани ҳеч кўрмаган эдим. Дўзах аҳлининг аксари хотинлар эканини кўрдим”, дедилар. “Нима учун, эй Расулulloҳ?” дейишди. “Куфрлари учун”, дедилар. “Аллоҳга куфр келтиришадими?” дейишди. “Эрларига куфрони неъмат қиладилар. Яхшилигини билмайдилар. Агар улардан бирига бир умр яхшилик қилсанг, сўнг сендан ўзи ёқтирмайдиган бир ишни кўрса, сендан ҳеч яхшилик кўрмадим, дейди”, дедилар”².

Муоз ибн Жабал разияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: “Дунёда хотин эрига озор берар экан, эрнинг ҳури ийнлардан бўлган хотини: “Ҳой яшшамагур, унга озор берма, у сенинг олдинда бир меҳмон, яқинда сендан айрилиб бизнинг ҳузуримизга келади”, дейди”³.

Ҳусойн ибн Миҳсондан ривоят қилинган ҳадисда келишича, унинг аммаси бир юмуши билан Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келди.

1 Муслим ривояти, 2182.

2 Бухорий (5197) ва Муслим (626) ривояти.

3 Термизий ривояти, 1174.

Юмушидан фориф бўлгач, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ундан: “*Эринг борми?*” деб сўрадилар. У: “*Ҳа бор*”, деди. “*Унга қандай муносабатдасан?*” деб сўрадилар. У: “*Қўлимдан келганича хизматидаман*”, деди. Шунда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: “*Эрингга қандай муносабатда эканингга жиддий эътибор бергин, чунки у сенинг жаннатинг ё дўзахингдир*”¹. Яъни эрнинг ҳаққини тўлиқ ўташ аёлнинг жаннатга киришига, унинг ҳаққини ўтамаслик эса дўзахга тушишига сабаб бўлади.

Эр хотинини ёмон кўрмасин

Эр хотинидан норози бўлиб, уни бутунлай ёмон кўриб юрмасин. Негаки, бир мўмина аёл мутлақ ҳамма жиҳатдан ёмон бўлиши мумкин эмас. Бир сифати ёқмаса, ёқадиган бошқа хислати ҳам бўлади. Бу ҳақда Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламдан ҳадис бор: “*Мўмин киши мўмина аёлдан нафратланмасин. Унинг бир хулқини ёқтирмаса, бошқа бир хулқини ёқтиради*”².

Аллоҳ таоло деди: “(Агар бирор дунёвий сабаб билан) **хотинларингизни ёқтирмай қолсангиз**, (шунда ҳам сабр қилинглар). **Зеро, сизлар қайсидир бир ишни ёмон кўришингиз, бироқ ўша ишда кўп яхшиликлар бўлиши мумкин**” (Нисо, 19).

Бир аёлда барча хислатлар жамланиши ўта нодир ҳолатдир. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: “*Одамлар бамисоли ичидан бир дона минишга ярайдигани топилмайдиган юзта туяга ўхшайди*”³. Бу дегани бир вақтнинг ўзида шижоат, саховат, олимлик ва қорилик, кўп садақа қилиш, ҳалимлик ва кечиримлилик, кўп намоз ўқиш ва рўза тутиш, қариндош ва ота-онага яхшилик қилиш ва ҳоказо хислатлар бир кишида мужассам бўлиши ўта камёб ҳолатдир. Бунча хислатга эга бўлган кишини топиш мушкул. Юзта туя ичидан фақат бир-иккитаси очлик ва чанқоқликка чидамли, осуда юрадиган, ювош, сутдор бўлиши мумкин, лекин бундайини топиш осон эмас. Барча хислатларни ўзида мужассам этган комил эркак топилиши қийин бўлса, эгри қовурғадан яралган аёллар ичида бундайини топиш амримаҳолдир.

Аёллардан бири гўзал, чиройли бўлиши мумкин, аммо тили заҳар, баджаҳл бўлади. Бошқаси чиройли ва ширинсўз бўлиши мумкин, лекин тежамкор эмас, исрофгар, эрининг молини беҳудага сарфлаб юборади. Тежамкор бўлса пазанда бўлмаслиги мумкин. Гўзал хулқли, рўзғор ишларида

1 Аҳмад ривояти, 4/341.

2 Муслим ривояти, 3/657.

3 Бухорий (6498) ва Муслим (2547) ривояти.

моҳир, оёқ-қўли чаққон бўлса, ибодатларга бепарво бўлади ва ҳоказо бир кам дунё дегандай, бири бўлса бири йўқ.

Мен шу ўринда солиҳа, Аллоҳга ва эрларига итоат қилувчи, эрлари билмаган ҳолатда ҳам ўзларига омонат қўйилган нарсаларни Аллоҳнинг ҳифзи билан асраб-авайловчи энг фозила аёллардан ҳам камчилик содир бўлиши мумкинлигига бир қанча мисоллар келтираман.

Зайнаб бинти Жаҳш разияллоҳу анҳо

Бу фозила аёлнинг дини ҳақида сўрасангиз, ўта диндор, ибодатгўй аёл бўлган. Кечаси билан намозда қоим, қиёмда узоқ турганидан чарчаб ҳолдан тойса, йиқилиб кетмаслик учун арқонга осилиб намоз ўқир эди. То Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам бу даражада ўзини қийнашдан қайтармагунларича шу ҳолида давом этди.

Бундан ташқари, Зайнаб бинти Жаҳш разияллоҳу анҳо пешона тери пул топар, оғир ва машаққатли иш бўлган тери ошлаш билан шуғулланарди. У мол-дунёни лаззатланиш, ҳузурланиш учун эмас, балки садақа қилиш учун топар эди. Чунки садақа қилиш фазилатини жуда яхши биларди. Шундан бўлса керак, Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг аёллари ичида энг кўп садақа қилувчи аёлга айланди.

Насаби ҳақида сўрасангиз, Зайнаб бинти Жаҳш олийнасаб аёл бўлиб, онаси Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг аммаларидир.

Тақвоси ҳақида сўрасангиз, Аллоҳ таоло уни парҳезкорлиги сабаб ҳалокатдан сақлаган эди.

Ҳусни ҳақида сўрасангиз, ўта гўзал, чиройли, ҳусндор аёл эди.

Зайнаб бинти Жаҳш Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларидаги мартабасида, ўзига хос мавқега эгалигида Ойша разияллоҳу анҳо билан рақобатлаша оларди. Қолаверса, Аллоҳ таоло етти осмон устидан уни Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга никоҳлаган ва шу билан у бошқа оналаримизга фахрланар эди.

Лекин...

Лекин шундай фазилат ва хислатларга эга бўлиши билан бирга тили ўткир эди, аммо тезда ҳовуридан тушиб, айтган гапига пушаймон бўларди.

Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам унга уйланишларидан олдин Зайнабнинг олдинги турмуш ўртоғи Зайд ибн Ҳориса разияллоҳу анҳу Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламга ундан шикоят қилиб келганида Пайғамбаримиз: *“Хотинингни никоҳингда қолдир, уни талоқ қилма, Аллоҳдан қўрқ”*, дедилар. Лекин Аллоҳнинг тақдири экан, у иккисининг турмуши узоққа чўзилмай, ажрашиб кетишди.

Мўминлар онаси Ойша разияллоҳу анҳо Зайнаб бинти Жаҳшни сифатлаб бундай деган эди: “Зайнаб бинти Жаҳш Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг аёллари ичида мартаба жиҳатидан менга рақобатлаша оладиган аёл эди. Мен аёллар ичида Зайнабдан кўра диндор, тақводор, ростгўй, қариндошлардан хабар олиб турувчи, кўп садақа берувчи, Аллоҳга яқин қиладиган амалларда жонини фидо қилиб юборувчи аёлни кўрмадим. Фақат бир сифати - жаҳли тезроқ эди, лекин яхши тарафи ҳовуридан тез тушиб, айтган гапига пушаймон бўларди”¹.

Ойша онамизнинг Зайнаб разияллоҳу анҳо ҳақида айтган яна бир сўзини келтирамиз: “Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам менга қилинган тухмат воқеасида Зайнаб бинти Жаҳшдан менинг ишим ҳақида сўраб: *“Эй Зайнаб, нима биласан, нимани кўрдинг?”* деганларида у: *“Эй Расулulloҳ, билмаганимни биламан, кўрмаганимни кўрдим дейишдан қулоқ ва кўзимни сақлайман. Аллоҳга қасамки, мен уни фақат яхши деб биламан”*, деди. Дарҳақиқат, Зайнаб Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг аёллари ичида менга рақобатлаша оладиган аёл эди. Аллоҳ таоло уни парҳезкорлиги сабаб ҳалокатдан сақлади”².

Анас разияллоҳу анҳу айтади: “Зайд ибн Ҳориса Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига аёлидан шикоят қилиб келди. Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: *“Аллоҳдан қўрқ, хотинингни никоҳингда қолдир, уни талоқ қилма”*, дедилар. Анас разияллоҳу анҳу сўзида давом этиб деди: “Агар Пайғамбар саллalloҳу алайҳи ва саллам бирон нарсани яширган бўлганларида, мана шуни яширган бўлар эдилар. Зайнаб Расулulloҳнинг аёлларига фахрланиб: “Сизларни ота-оналарингиз турмушга берган бўлса, мени Аллоҳ таоло етти осмоннинг устидан турмушга берган”, дер эди”³.

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу айтади: “Ҳижоб ояти Зайнаб бинти Жаҳш ҳақида нозил бўлган. Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам унга уйланганларида нон ва гўшт билан зиёфат берганлар. У Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг аёлларига фахрланиб: “Аллоҳ мени осмонда турмушга берган”, деб айтарди”⁴.

Ойша разияллоҳу анҳо

Аллоҳ таоло Ойша разияллоҳу анҳонинг поклигини етти осмон устидан оятлар нозил қилиб эълон қилди. Бу оятлар то қиёматга қадар тиловат қилинадиган, қалбларда жо бўлиб сақланадиган, мактаб ва мадрасаларда каттаю кичикка ўргатиладиган бўлди. Бу оятлар Нур сурасидаги оятлардир:

1 Муслим ривояти, 2442.

2 Бухорий ривояти, 4750.

3 Бухорий ривояти, 7420.

4 Бухорий ривояти, 7421.

“Шак-шубҳасиз, бу бўҳтонни қилган кимсалар ўзларингиздан бўлган бир тўдадир”.

Бунга қўшимча, Ойша разияллоҳу анҳо фақиҳ, муҳаддис, олима, тақводор, ибодатгўй эди.

Бунинг устига гўзал, чиройли бўлиб, “Ҳумайро”, яъни оқ юзли деган сифат билан сифатланган эди.

Лекин...

Лекин Ойша разияллоҳу анҳо Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламга бола туғиб беролмаган. Унинг устига ўта рашкчи бўлган эди.

Аллоҳ ундан рози бўлсин ва жаннатга мушарраф қилсин, омин.

Асмо разияллоҳу анҳо

Асмо Абу Бакр Сиддиқ разияллоҳу анҳонинг қизи бўлган. У Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам билан отаси Абу Бакр Сиддиқ разияллоҳу анҳу Мадинага ҳижратлари олдидан ғорда эканларида уларга таом олиб борган эди. Таомни тугиш учун белбоғини иккига бўлгани учун “икки белбоғ соҳибаси” номини олган аёлдир.

Асмо эрига хизмат қилиш бобида бошқаларга ўрнак бўладиган аёл эди. Эрининг хизматини гўзал суратда адо этар, ҳатто унинг отини боқар, хурмо данакларини териб, янчиб, бошида кўтариб келар ва уни отларга едирар эди.

Лекин...

Лекин у нон ёпишни қойиллата олмасди.

Аллоҳ ундан рози бўлсин ва жаннатга мушарраф қилсин, омин.

Қуйида унинг нақадар сабр-бардошли бўлганига баъзи мисоллар келтирамиз:

Ваҳб ибн Кайсон айтади: “Шом аҳли Абдуллоҳ ибн Зубайрни камситиш учун: “Эй икки белбоғ соҳибасининг ўғли”, дер эдилар. Шунда унинг онаси Асмо разияллоҳу анҳо: “Эй ўғлим, улар икки белбоғ билан сени камситишмоқчи. Икки белбоғ нима эканини биласанми? Мен белбоғимни иккига бўлиб, бири билан Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг мешлари оғзини боғлаган, иккинчиси билан егуликларини туккан эдим”, деди. Ваҳб айтади: Шундан сўнг Шом аҳли Абдуллоҳ ибн Зубайрни икки белбоғ билан камситмоқчи бўлсалар, у: “Ҳа шундай, сизлар мени камситмоқчи бўлган бу нарса аслида мен учун шарафдир”, дер эди¹.

Абу Навфал айтади: “Абдуллоҳ ибн Зубайрнинг жонсиз танасини Маккадаги тоғ этагидаги йўл бўйида хурмо дарахтига боғланган ҳолда кўрдим.

¹ Бухорий ривояти, 5388.

Қурайшликлар ва бошқа инсонлар унинг олдидан ўтиб борарди. Улар қаторида Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳумо ҳам ўтатуриб, Абдуллоҳ ибн Зубайрнинг жасади яқинида тўхтади ва: “Ассалому алайка Абу Хубайб. Ассалому алайка Абу Хубайб. Ассалому алайка Абу Хубайб. Аллоҳга қасамки, сени бундан қайтарган эдим. Аллоҳга қасамки, сени бундан қайтарган эдим. Аллоҳга қасамки, сени бундан қайтарган эдим. Сени кўп рўза тутувчи, кўп намоз ўқувчи, қариндошларидан доим хабар олиб турувчи деб биламан. Душманларинг сени умматнинг энг ёмони дейди, сен умматнинг энг яхшисисан” деди-да, йўлида давом этди. Абдуллоҳ ибн Умарнинг айтган бу сўзлари Ҳажжожнинг қулоғига етгач, дарҳол одам юбориб, Абдуллоҳ ибн Зубайрнинг жасадини дарахтдан тушириб, яҳудлар қабристонига кўмдириб юборди. Сўнг Ҳажжож Абдуллоҳ ибн Зубайрнинг онаси Асмо бинти Абу Бакрга одам юбориб, ҳузурига чақиртирди. Асмо разияллоҳу анҳо Ҳажжожнинг олдига келишдан бош тортиди. Ҳажжож яна чопар юбориб: “Ҳузуримга ўзинг кел ё бўлмаса сочингдан тортиб олиб келадиган одам юбораман”, деди. Асмо боришдан бош тортиб: “Аллоҳга қасамки, сочимдан тортиб олиб борадиган одамингни юбормагунингча бормайман”, деб жавоб берди. Ҳажжож: “Оёқ кийимим қани?” деди ва кавушини кийиб, кеккайганича Асмонинг олдига кетди. Унинг олдига кириб: “Аллоҳнинг душманига қилган ишимга қандай баҳо берасан?” деди. Асмо: “Унинг дунёсини, ўзингнинг эса охиратингни барбод қилдинг, деб ўйлайман. Эшитишимча, сен унга: “Эй икки белбоғ соҳибасининг ўғли”, деб айтар экансан. Ҳа, Аллоҳга қасамки, мен икки белбоғ соҳибасиман. Белбоғимни иккига бўлиб, бири билан Расуллуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ва Абу Бакрнинг таомини ҳашаротлардан ҳимоялаб боғлаб кўярдим, бошқаси билан эса аёллар эҳтиёжи учун зарур бўлган ишда ўзим фойдаланардим. Расуллуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Сақиф қабиласида битта каззоб, битта бузғунчи бўлади”, деб айтган эдилар. Каззобни кўрдик, бузғунчи эса сен эканингга шубҳа қилмайман”, деди. Ҳажжож бирон гап қайтармай, ўрнидан туриб чиқиб кетди”¹.

Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганларидек, аёл кишида худди қовурға ё қийшиқ таёқ каби эгрилик бор. Қийшиқ таёқни тўғрилайман десангиз синдириб қўясиз, ўз ҳолига ташлаб қўйсангиз эгрилигича қолаверади. Аёл киши ҳам шундай, уни тўғрилайман десангиз синдириб қўясиз. Синдириш эса уни талоқ қилишдир. Аёл билан умргузаронлик қиламан десанг, эгрилигича мураса қилиб яшайсан. Беайб Парвардигор дейилганидек, аёлларда камчилик бўлиши табиий. Расуллуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлари каби: “Аёл билан яшайман десанг мураса қиласан”.

Биз сенга хотинингни камчиликларини тузатмай ташлаб қўй, деб айтмаймиз, балки кучинг етганича сабр билан уни тарбиялашга, тўғрилашга ҳаракат қилаверасан, шунда ҳам буткул тўғрилай олмайсан. Бу менинг гапим

1 Муслим ривояти, 2545.

эмас, Расулulloҳ шундай деганлар: *“Аёл киши бамисоли қовурға кабидир. Тўғрилайман десанг синдириб қўясан, у билан яшайман десанг, эгрилигича муроса қилиб яшайсан”*¹.

Бу гаплар доим ёдингизда турсин. Аллоҳ ёрдам берсин, Ўзи ислоҳ қилсин.

Оиладаги келишмовчиликлар ва шайтоннинг шарридан паноҳ тилаш

Аллоҳ таоло деди: **“Аллоҳдан қўрқадиган тақводор зотларга шайтондан бирор васваса етса, дарҳол Аллоҳни эсга оладилар. Қарабсизки, улар онгли равишда гуноҳдан тийилишади”** (Аъроф, 201).

Келишмовчиликдан холи бўлган оилани топиш қийин. Ҳатто солиҳ инсонлар оиласида ҳам келишмовчиликлар бўлиб туради. Бироқ улар бу келишмовчиликлар авж олиб, шайтон хоҳлаган йўналишда кетишига йўл қўймайдилар, балки шайтоннинг васвасаси ва шарридан паноҳ тилаб Аллоҳга сиғинадилар. Ўзларини қўлга олиб, дарҳол ўртани ислоҳ қилиш ва шу билан шайтоннинг макрини йўққа чиқаришга шошиладилар.

Абу Бакр Сиддиқ разияллоҳу анҳу ўғли Абдурахмонга қўшиб бир қанча меҳмонларни уйига юборганида меҳмонлар Абу Бакр разияллоҳу анҳунинг ўзи келмагунча таом тановул қилишдан бош тортдилар. Абу Бакр разияллоҳу анҳу келиб қараса, меҳмонлар ҳали ҳам таомланмаган. Шунда Сиддиқ разияллоҳу анҳу нима қилди? Оиласидагиларга ва меҳмонларга ғазаб қилди, уларни койиди ва кечки таомни емасликка қасам ичди. Ҳолат шу даражага етдики, ҳатто у меҳмонларга: *“Олинглар, енглар, ош бўлмасин”*, деди. Меҳмонлар ҳам то у емагунча таомдан емасликка қасам ичдилар. Бу ёқда хотини қасам ичди. Ана шундай таранг бир вазиятда Абу Бакр Сиддиқ разияллоҳу анҳу бу ишлар шайтондан эканини эсга олиб ғазабдан тушди, Аллоҳни эсга олди ва бисмиллоҳ деб таомга қўл узатди. Шундан сўнг меҳмонлар ҳам таомдан едилар, орага илиқлик, яхши кайфият оралади, Аллоҳ дастурхонга барака берди. Абу Бакр разияллоҳу анҳу ғазаб отидан қандай тушганига қаранг. Бу ишлар шайтондан эканини билганидан, тезда асабини жиловлай олганини кўринг ва ибрат олинг. Бу воқеа хусусида келган ҳадис қуйидагичадир: *“Абдурахмон ибн Абу Бакр разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Асҳоби суффа, яъни масжид ҳовлисидаги супада кун кечирувчи кишилар бечораҳол кишилар эди. Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Кимнинг уйида икки кишилик таом бўлса, уч кишини олиб кетсин. Тўрт кишилик таоми бўлса, беш ё олти кишини олиб кетсин”*, дедилар. Абу Бакр уч кишини олиб келди. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам ўн кишини олиб кетдилар. Оиламизда мен, отам, онам, аёлим ва биз билан Абу Бакрнинг уйига қарайдиган бир хизматкор бор эди. Абу Бакр кечки таом пайти Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларида бўлди. Сўнг то хуфтон намози ўқилгунча у ерда қолди. Намоздан сўнг яна Набий саллаллоҳу алайҳи

¹ Бухорий (5184) ва Муслим (1091) ривояти.

ва салламнинг ёнларига қайтиб, то у зотни мудроқ босғунича шу ерда бўлди. Сўнг алламаҳалда уйга келди. Аёли у кишига: “Нега бунча ҳаяллаб қолдингиз, меҳмонларингиз кутиб қолишди?” деди. “Меҳмонларга ҳануз овқат бермадингми?!” деди у. “Меҳмонлар то сиз келмагунингизча овқатланишга кўнмадилар”, деди хотини. Шунда мен отамнинг ғазабидан қўрққанимдан яшириниб олдим. Отам мени: “Ҳой нодон, қулоқ-бурнинг кесилгур”, деб койиди. Меҳмонларга эса: “Енглар, ош бўлмасин”, деди ва: “Аллоҳга қасамки, мен асло емайман”, деди... Аллоҳга қасамки, биз товоқдан бир луқма олсак, тагидан ундан кўра кўпроқ таом чиқиб келарди. Меҳмонлар тўйгунча ейишди. Овқат эса аввалгидан-да кўпроқ бўлиб қолди. Абу Бакр овқатга қаради, у аввал қандай бўлса шундай ё ундан-да кўпроқ эди. Шунда аёлига: “Эй Бани Фирослик, бу нима ҳол?” деди. Аёли: “Қасамки, бу овқат ҳозир аввалгига қараганда уч баробар кўпроқ”, деди. Сўнг Абу Бакр ҳам ундан еди ва: “Бу – яъни ичган қасамим шайтондан бўлди”, деди ва ундан яна бир луқма еди. Кейин уни Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига олиб кетди. Эрталаб таом Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам олдиларида эди. Биз билан бир қавм ўртасида келишув бўлиб, унинг муҳлати тугаган (ва улар Мадинага келган) эди. Биздан ўн икки кишини бошлиқ қилдилар, ҳар бири билан бир қанча одамлар бор эди, Аллоҳ билади ҳар бир киши билан қанча одам борлигини. Ўша таомдан ҳаммалари едилар”¹.

Бошқа ривоятда Абдурамон ибн Абу Бакр айтади: “Уйимизга меҳмонлар келди. Отам кечалари Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам билан суҳбатлашгани кетар эди. Бу кеча ҳам кетатуриб менга: “Эй Абдурахмон, меҳмонларга яхши қарагин”, деб тайинлади. Мен меҳмонларга дастурхон ёзиб, таом олиб келдим. Аммо улар: “Хонадон соҳиби келиб биз билан бирга емагунича емаймиз”, деб туриб олдилар. Мен уларга: “Отам қаттиққўл одам, сизнинг таомланмаганингизни билса, мени уришади”, дедим. Улар барибир таомланишдан бош тортдилар. Отам келиб, энг биринчи меҳмонлар ҳақида сўраб: “Меҳмонларга дастурхон ёзиб, таомларини бердингизми?” деди. “Йўқ, улар ҳануз таомланмадилар”, деб жавоб беришди уйдагилар. “Абдурахмонга тайинлаб кетган эдим-ку!” деди отам асабийлашиб. Мен ўзимни четга олиб, яшириндим. Отам: “Ҳой Абдурахмон, эй нодон, қасамки, сўзимни эшитаётган бўлсанг олдимга кел”, деди. Ноилож кўриниш бердим. “Менда айб йўқ ота, меҳмонлардан сўрашингиз мумкин, мен дастурхон ёзиб, таом келтирдим, бироқ улар сиз келмагунингизча емасликларини айтиб, бош тортдилар”, дедим. Отам меҳмонларга: “Нима учун олдингизга ёзилган дастурхондан тановул қилмадингиз? Аллоҳга қасамки, шу кеча таом емайман”, деди. Меҳмонлар: “Қасамки, сиз емасангиз биз ҳам емаймиз”, дейишди. “Бундай оғир кечани ҳеч кўрмаган эдим. Ҳой шўринг қурғурлар, нега олдингизга қўйилган нарсани емайсиз?” деди-да, сўнг: “Шайтоннинг гапига кириб қасам

1 Бухорий (6140) ва Муслим (2057) ривояти.

ичиб қўйдим. Қани, меҳмонлар, дастурхонга марҳамат қилинлар”, деб олиб келинган таомдан бисмиллоҳ деб еди, меҳмонлар ҳам едилар. Эртасига отам Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига бориб: “Эй Расулulloҳ, улар қасамларининг устидан чиқдилар, мен эса қасамимни буздим”, деб кечаги ҳолатни айтиб берган эди, Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам: “Сиз улар ичида қасамига энг вафодор ва уларнинг энг яхшисисиз”, деб айтдилар”¹.

Оиладаги бундай ҳолатлар фақат Абу Бакр Сиддиқ разияллоҳу анҳунинг оиласидагина бўлган эмас. Ҳатто Набийимиз Муҳаммад саллалллоҳу алайҳи ва саллам ҳам ийло қилиб, аёлларидан бир ой четлашганлар. Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу анҳумо айтади: “Мен Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳудан Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва салламнинг икки аёллари ҳақида нозил бўлган ушбу оят тўғрисида сўрашни жуда хоҳлаб юрардим: **“Ҳар иккинги Аллоҳга тавба қилсангиз ўзингизга яхши. Чунки қалбларингиз Расулulloҳ ёқтирмайдиган ишга – унинг сирларини очишга мойил бўлди”** (Таҳрим, 4). Лекин у кишининг ҳайбатидан журъат қилолмагандим. Бир йили Умар разияллоҳу анҳу ҳаж қилиш мақсадида сафарга отланди. Мен ҳам у билан бирга ҳажга бордим. Йўлда кетаётиб Умар разияллоҳу анҳу ҳожат учун четга чиқди. Мен ҳам идишда сув олиб, четга чиқдим. Ҳожатини битириб қайтгач, қўлига сув қуйиб турдим, у таҳорат қилиб олди. Фурсат бўлиб қолгач, мен: “Эй мўминлар амири, Аллоҳ таоло Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва салламнинг икки аёллари ҳақида айтган: **“Ҳар иккинги Аллоҳга тавба қилсангиз ўзингизга яхши. Чунки қалбларингиз Расулulloҳ ёқтирмайдиган ишга – унинг сирларини очишга мойил бўлди”**, оятдаги ўша аёллар ким?” деб сўрадим. Шунда Умар разияллоҳу анҳу: “Қизиқ, эй Ибн Аббос, билмасмидинг. У иккиси Ойша билан Ҳафса”, деди. Сўнг ҳадисни тўлиқ айтиб берди: “Мен ва ансорий бир қўшним Бани Умайя ибн Зайд қавми ичида яшар эдик. Улар Мадинадаги катта қавмлардан эди. Шеригим билан Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига навбат билан, бир кун у, бир кун мен бориб турардик. Бориш менинг навбатим бўлганида ўша куни содир бўлган воқеа, хабар ва нозил бўлган ваҳий ҳақида шеригимни хабардор қилардим. У бориб келганда ҳам худди шундай қиларди. Биз қурайшликлар хотинларимиздан устун эдик. Ансорлар юртига келганимизда қарасак, уларнинг аёллари эрларидан устун экан. Кўп ўтмай, бизнинг аёллар ансорлар аёлларининг хулқидан таъсирлана бошладилар. Бир куни хотинимга бақирган эдим, у ҳам менга гап қайтарди. “Гап қайтарма” десам, “Нега гап қайтарма дейсиз, Аллоҳга қасамки, Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва салламнинг аёллари ҳам у зотга гап қайтаришади. Мана бугун ҳам улардан бири Расулulloҳни кун бўйи хафа қилди”, деди. Бу гап мени хавотирга солиб қўйди. “Уларнинг қай бири шу ишни қилган бўлса ҳам катта хато қилибди”, дедим-да, кийимимни кийиб

1 Муслим ривояти, 3270.

Ҳафсанинг уйига бордим. Ҳафсага: “Ҳой Ҳафса, бугун бирортангиз Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламни кун бўйи ғазаблантириб қўйдими?” дедим. У: “Ҳа, шундай бўлди”, деди. Мен: “Хато қилибсан, ўзингга зиён қилибсан. Расулulloҳнинг ғазаблари туфайли Аллоҳ ғазаб қилса, омон қоламан деб ўйлайсанми?! Ҳалок бўласан! Расулulloҳдан кўп нарса талаб қилма, ҳеч бир ишда у зотга гап қайтарма, ҳечам аразлама, нима истасанг мендан сўра. Сен ўзингни кундошинг Ойшага тенг қилма, у сендан чиройлироқ ва Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламга суюклироқ”. Умар разияллоҳу анҳу сўзида давом этиб деди: “Ўша вақтда Ғассон подшоҳи бизга қарши уруш қилиш учун отларни тақаламоқда экан, деган гапларни айтиб юрардик. Расулulloҳнинг ҳузурларига бориш шеригимнинг навбати бўлган кун у кечаси қайтиб, эшигимни қаттиқ тақиллатди ва: “Умар уйдаими?” деди. Мен чўчиб кетдим ва дарҳол олдига чиқдим. У: “Бугун катта воқеа юз берди”, деди. Мен: “Нима бўлди, Ғассон бостириб келдими?” дедим. У: “Йўқ, бундан-да каттароқ ва ёмонроқ иш бўлди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам аёлларини талоқ қилибдилар”, деди.

Убайд ибн Ҳунайн айтади: Ибн Аббос Умар разияллоҳу анҳу бундай деганини эшитди: “Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам аёлларидан четлашдилар. Мен: “Ҳафса бахтсиз бўлибди, ўзига зиён қилибди. Шундай бўлишини гумон қилган эдим”, дедим-да, кийиниб масжидга бордим. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бомдод намозини ўқидим. У зот болохоналарига чиқиб, ўша ерда ўзлари ёлғиз қолдилар. Ҳафсанинг олдига кирсам, йиғлаб ўтирган экан. “Нега йиғлаяпсан, сени шундан огоҳлантирмаганмидим?! Расулulloҳ сизларни талоқ қилдиларми?” деб сўрадим. У: “Билмайман, ўзлари ҳов анави болохонада ёлғиз ўтирибдилар”, деди. Ташқарига чиқиб, минбар олдига келдим. Минбар атрофида бир гуруҳ кишилар ўтиришар, айримлари йиғлаётган эди. Улар билан бир оз ўтирдим. Кейин изтиробим ёлиб келиб, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ўтирган болохона олдига бордим ва қора танли хизматкорларига: “Умарнинг киришига рухсат сўраб чиқ”, дедим. Хизматкор ичкарига кириб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам билан гаплашиб чиқди ва: “Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам билан гаплашдим. Изн сўраганингизни айтган эдим, индамадилар”, деди. Мен яна минбар атрофида ўтирган кишилар олдига бориб ўтирдим. Кейин изтиробим ёлиб келиб, яна хизматкор олдига бордим ва: “Умарнинг киришига рухсат берасизми, деб сўраб чиқ”, дедим. У ичкарига кириб чиқди ва: “Киришга рухсат сўраётганингизни у зотга айтдим, лекин индамадилар”, деди. Мен яна минбар ёнида ўтирган кишилар олдига бориб ўтирдим. Кейин чидолмай яна хизматкор олдига бордим ва: “Умарнинг киришига рухсат берасизми, деб сўраб чиқ”, дедим. У ичкарига кириб чиқди ва: “Киришга изн сўраётганингизни у зотга айтдим, индамадилар”, деди. Энди қайтиб кетаётган эдим, хизматкор мени чақириб: “Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам киришингизга ижозат бердилар”, деб қолди. Мен Расулulloҳ

саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига кирдим. У зот қум босган бўйра устида ётардилар. Бўйра устига тўшак тўшалмаган, қум у зотнинг ёнбошларида из қолдирган эди. Ичига хурмо пўсти тиқилган тери ёстиққа ёнбошлаган ҳолда эдилар. Мен салом бердим ва тик турганимча: “Эй Расулulloҳ, хотинларингизни талоқ қилдингизми?” дедим. Муборак кўзларини менга қаратиб: “Йўқ”, деб жавоб бердилар. Мен: “Аллоҳу акбар”, дедим. Сўнг тик турганимча у зотнинг кўнгилларини олиш ўйида дедим: “Эй Расулulloҳ, сўзимга қулоқ солсангиз. Биз қурайшликлар хотинларимиздан устун эдик. Мадинага келсак, бу ердаги қавмнинг аёллари эркакларидан устун экан”. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бунни эшитиб кулиб қўйдилар. Мен сўзимда давом этиб дедим: “Эй Расулulloҳ, агар билсангиз, мен Ҳафсанинг олдига кириб: “Сен ўзингни кундошинг Ойшага тенг қилма, у сендан чиройлироқ ва Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламга суюклироқ, дедим”. Расулulloҳ яна кулиб қўйдилар. У зотнинг табассум қилганларини кўргач, ўтирдим. Расулulloҳ ўтирган хонага кўз югуртириб қарасам, Аллоҳга қасамки, хонада учта ошланмаган теридан бошқа бирор нарса кўрмадим. Шунда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга: “Эй Расулulloҳ, Аллоҳга дуо қилинг, умматингизга мўл-кўлчилик берсин. Форс ва Румга мўл-кўлчилик ва кўп мол-дунё берилган, ҳолбуки улар Аллоҳга ибодат қилмайдилар”, дедим. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ёнбошлаб ётган эдилар, ўтириб олдилар-да: “*Ҳалиям шубҳадамисан, эй Ибн Хаттоб? Улар барча ҳузур-ҳаловатлари шу дунё ҳаётида берилган қавмдир*”, дедилар. Мен: “Эй Расулulloҳ, дуо қилинг, Аллоҳ гуноҳимни кечирсин”, дедим.

Ҳафса Ойшага айтиб қўйган сўз сабабли Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам хотинларидан йигирма тўққиз кун четлашган эдилар. Аллоҳ таолодан танбеҳ эшитгани учун хотинларидан ранжиган Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Улар олдига бир ой кирмайман”, деб қасам ичган эдилар. Орадан йигирма тўққиз кун ўтгач, Расулulloҳ биринчи бўлиб Ойша разияллоҳу анҳонинг олдига кирдилар. Ойша разияллоҳу анҳо: “Эй Расулulloҳ, бизнинг олдимизга бир ой кирмасликка қасам ичган эдингиз, мен санаб юрибман, бугун йигирма тўққиз кун бўлди”, деди. Шунда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “*Ой йигирма тўққиз кундир*”, дедилар. Дарҳақиқат, ўша ой йигирма тўққиз кун бўлди. Ойша разияллоҳу анҳо деди: “Аллоҳ таоло Расулulloҳнинг барча хотинларига у зотни ёки дунёни танлаш ихтиёри берилган оятни нозил қилди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам аёллари ичидан биринчи бўлиб мендан сўрадилар, мен Расулulloҳни танладим, сўнг бошқа аёлларига ихтиёр бердилар, улар ҳам Ойша каби Расулulloҳни ихтиёр этдилар”¹.

Мўминлар амири Али ибн Абу Толиб разияллоҳу анҳунинг оилавий ҳаётига бир назар солайлик. Али разияллоҳу анҳу Аллоҳ ва Расулини яхши кўрган,

1 Бухорий (5191) ва Муслим (1111) ривояти.

Аллоҳ ва Расули ҳам уни яхши кўрган улуғ саҳобалардан эди¹. Унинг жуфти ҳалоли Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қизлари, жаннат аҳлининг саййидаларидан бўлган Фотима разияллоҳу анҳо эди. Бироқ шундай муборак оилада ҳам онда-сонда келишмовчилик бўлиб қолар, Али разияллоҳу анҳу аёлига ғазаб қилса, уйдан чиқиб масжидга борар ва ўша ерда ухлар эди.

Саҳл ибн Саъд Соидий разияллоҳу анҳу айтади: “Али разияллоҳу анҳу учун энг суюкли исм Абу Туроб (тупроққа беланган) эди. Шу исм билан чақирилса жуда хурсанд бўларди. Чунки бу исмни унга Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ўзлари қўйган эдилар. Бир куни Али разияллоҳу анҳу аёли Фотимадан ранжиб, уйдан чиқиб кетади ва масжидга келиб ётади. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам уни қидириб келсалар, орқаси тупроққа беланган ҳолда масжид деворига орқасини суюб ётган экан. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам унинг белидаги тупроқни қоқиб: “Тур, эй Абу Туроб”, деган эдилар”².

Эр-хотин ораси бузилиб, жанжаллашиб қолишса, дарҳол ўзларини қўлга олишга, шайтоннинг ёмонлигидан Аллоҳ таолодан паноҳ сўрашга, ўрталарини ислоҳ қилишга, эшикларни ёпиб, пардаларни туширишга, яъни иложи борича бировларни оила сиридан воқиф этмай, эр-хотин ўртасидаги келишмовчиликни ошкор қилмай, ўзлари ҳал қилиб олишга шошилсинлар.

Эр ғазабланса ёки хотиннинг жаҳли чиқса, дарҳол Аллоҳдан паноҳ сўрасин, таҳорат қилиб, икки ракат намоз ўқисин. Тик турган бўлса ўтириб олсин, ўтирган бўлса ёнбошласин. Бир-биридан узр сўрасин, ўтказган яхши кунларини эсласин, эркалаб бағрига боссин. Хато қилганини эътироф этиб, розилик сўрасин, иккинчи тараф ҳам оёқ тираб олмай узрини қабул қилсин, Аллоҳ учун кечирсин, Аллоҳ унинг гуноҳларини кечиришини хоҳламайдими?! Кечиримли бўлса, Аллоҳ ҳам кечиради.

Шу ўринда Фотима бинти Утба ибн Рабаиа билан эри Ақил ибн Абу Толиб ўртасида бўлиб ўтган воқеа ёдимга тушди. Бу воқеани саҳиҳ санад билан Ибн Саъд ўзининг “Табақот” номли китобида Ибн Абу Мулайкадан келтирган: “Ақил ибн Абу Толиб Фотима бинти Утба ибн Рабаиага уйланди. Ўша вақтда у жуда бой аёл эди. Ақилга: “Агар устимга хотин олмасангиз, рўзғор харажатини зиммамга оламан”, деди. Ақил унга уйланди ва қачон унинг олдига кирса, хотини ўзининг олийнасаб эканига ишора қилиб: “Утба ибн Рабаиа қани? Шайба ибн Рабаиа қани?” деб айтаверарди. Ҳолбуки, олий насабликда Ақил ҳам ундан қолишмас эди. Кунларнинг бирида Ақил хотинининг олдига кирди,

1 Ҳадис: “Эртага байроқни унинг қўли билан фатҳ қилинадиган, Аллоҳ ва Расулини яхши кўрадиган, Аллоҳ ва Расули ҳам уни яхши кўрадиган кишига бераман, – дедилар ва Али разияллоҳу анҳуға бердилар”. Бухорий (3702) ва Муслим (2408) ривояти.

2 Бухорий ривояти, 6204.

кайфияти бироз йўқ эди. Хотини яна: “Утба ибн Рабаи қани? Шайба ибн Рабаи қани?” деб айтган эди: “Дўзахга кирганинда чап тарафингда”, деб юборди Ақил аччиқ устида. Бу гапдан ғазабланган хотин кийимини кийиб: “Бошимизни ҳеч нарса қовуштирмайди”, деб халифа Усмон разияллоҳу анҳунинг ҳузурига борди. У зот Муовия ва Ибн Аббос разияллоҳу анҳумга эр-хотин ўртасидаги можарони кўриб чиқишни топширди. Ибн Аббос: “Аллоҳга қасамки, бу иккисини ажратаман” деган мақсадда, Муовия эса: “Мен Абдуманоф наслдан бўлган икки кишининг ўртасини ажратмайман” деган ниятда бориб қарасалар, эр-хотин этакларини йиғиб олиб, ўзлари келишиб олган эканлар”.

Қаранг, эр-хотин ораси бузилиб, жанжаллашиб қолганларида, ўртага тушадиган кишиларга эҳтиёж қолдирмай ўзлари дарҳол ораларини ислоҳ қилиб, келишиб олдилар. Отаси ва амакилари билан фахрланиш каби кўпгина аёлларда бўлган камчилик бу аёлни ҳам четлаб ўтмаган эди. Шунинг учун бир ривоятда: “Бўйинлари кумуш кўзадек бўлганлар қани-я?” дер эди. Эр унинг бундай сўзларига сабр қилиб келарди. Охири асаби бузилиб турганида яна ўша сўзини айтиб: “Утба ибн Рабаи қани? Шайба ибн Рабаи қани?” деб айтган эди: “Дўзахга кирганинда чап тарафингда”, деб юборди. Хотин бу гапга чидай олмай, мўминлар амири Усмон разияллоҳу анҳуга шикоят қилиб борди. Халифа икки ҳакамни уларнинг уйига юборди. Икки ҳакам Фотима ва Ақилнинг уйига етиб келганида эр-хотин аллақачон ярашиб олган ва ҳакамларга иш қолдирмаган эди, Аллоҳга ҳамдлар бўлсин.

Демак, фазилат эгалари, солиҳ кишилар бири хато қилиб қўйса бошқаси дарҳол кечириши, хато қилган хатосини тан олиб узр сўраши, бир-бирларига раҳм-шафқатли бўлишлари лозим. Аллоҳ тавба қилган кишиларни мағфират этувчи зотдир.

Гўзал муомала ва гўзал ибодат

Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам аёллари билан гўзал ҳаёт кечирар, уларга яхши муомала ва ҳазил-мутойиба қилиш билан бир вақтда уларни Аллоҳ азза ва жаллага итоат этишга, кўп ибодат қилишга тарғиб қилар эдилар.

Оилаларига ширинсўз ва меҳрибон эканликларига мўминлар онаси Ойша разияллоҳу анҳодан ривоят қилинган ҳадисни мисол келтириш мумкин: “Ҳабашлар найзаларини силкитиб ўйнар эдилар. Мен Расулulloҳнинг елкалари оша уларнинг ўйинларини томоша қилардим ва то ўзим бўлди демагунимча Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам мени пана қилиб турардилар. Ўйин-кулгига қизиққан ёш қизча қанча вақт томоша қилиб туришини тасаввур қилиб кўринг-а”¹.

¹ Бухорий (5190) ва Муслим (892) ривояти.

Бошқа ривоятда: “Эй Ҳумайро, уларни томоша қилгинг келяптими?” деган эдилар, мен: “Ҳа”, дедим”¹. Яъни Расулulloҳ аёлларининг кўнглига қараб, томоша қилишдан тўйиб, ўзи бас қилмагунича сабр билан кутиб турганлар, Аллоҳнинг славоти ва саломи бўлсин.

Саҳиҳ ҳадисда Ойша разияллоҳу анҳо айтади: “Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам билан сафарга чиқдим. Ўша пайт ёш ва озғингина эдим. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам одамларга: “Сизлар кетаверинглар”, деб айтдилар. Улар биздан олдинга ўтиб кетишгач, менга: “Кел, югуришда мусобақа қиламиз”, дедилар. Югуришдик, мен ўзиб кетдим. Расулulloҳ индамадилар. Кейин мен бир оз эт олиб, семириб қолганимда яна сафарга чиқдик. Югуришда мусобақа қилганимиз ёдимдан чиққан экан. У зот одамларга: “Сизлар кетаверинглар”, дедилар. Одамлар биздан олдинга ўтиб кетишгач, менга: “Кел, югуришда мусобақа қиламиз”, дедилар. Югуришдик, бу гал Расулulloҳ мендан ўтиб кетдилар ва: “Биру бир бўлди”, деб кулиб қўйдилар”².

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу деди: “Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам сафарда йўлда борар эканлар, аёллари ёнига келдилар. Улар билан бирга Умму Сулайм ҳам бор эди. (Аёллар минган туяларни Анжаша исмли ғуломлари ҳайдаб бораётган эди.) Унга: “Ҳой Анжаша, секинроқ, “шишаларни”³ синдириб қўймагин тағин”, дедилар”⁴.

Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам аёлларининг кўнглини олишда умматга намуна бўлганлар. Ҳатто эътикофда ўтирган бўлсалар ҳам аёлларидан бири келгудек бўлса, у билан бирга ўтириб, суҳбатлашиб, сўнг уйига яқин ергача кузатиб қўяр эдилар⁵.

Ойша разияллоҳу анҳо айтади: “Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг олдиларида қўғирчоқ ўйнаб ўтирар эдим. Мен билан ўйнайдиган дугоналарим бор эди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳужрага кирсалар, дугоналарим у зотдан яшириниб парда ортига бекиниб олардилар. Бу дугоналаримни мен билан ўйнашлари учун олдимга тез-тез юбориб турардилар”⁶.

1 “Фатҳ ал-Борий”, 2/444.

2 Аҳмад. “Муснад”, 6/264.

3 Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам аёлларни шишага ўхшатдилар ва туякашлари Анжашани туяларни секинроқ ҳайдашга амр этдилар. Туялар туякашнинг товушини эшитса, тезлашиб кетади. Шу боис у зот аёллардан хавотир олганлар.

4 Бухорий (10/538) ва Муслим (5/177) ривояти.

5 Мўминлар онаси София бинти Ҳужай разияллоҳу анҳо Рамазон ойининг охириги ўн кунда масжидда эътикофда бўлган Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламни кўргани келар ва бир қанча вақт суҳбатлашиб ўтирар эди. Қайтаётганида эса Расулulloҳ уни кузатиб қўяр эдилар”. Бухорий (2035) ва Муслим (1712) ривояти.

6 “Фатҳ ал-Борий”, 10/526; “Шарҳи Нававий”, 5/295.

Шуни эслатиш лозимки, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Ойша разияллоҳу анҳони олти ёшида никоҳларига олиб, тўққиз ёшга тўлганида қовушиб, эр-хотин сифатида тўлиқ турмуш кечира бошлаганлар. Биргаликда тўққиз йил ҳаёт кечирганлар. Ойша разияллоҳу анҳо дугоналари билан (жун ё пахтадан қизалоқ шаклида ясалган) қўғирчоқ ўйнар эди. Расулulloҳ ҳужрага кирсалар унинг дугоналари яшириниб олардилар. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Ойшанинг дугоналарини унинг олдига юбориб турар ва улар билан бирга ўйнар эди. Аёлининг кўнглига қараш бундан ортиқ бўладими?

Сафарларнинг бирида Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Ойша разияллоҳу анҳо тушириб қўйган маржонни топиш учун бутун бошли лашкарни тўхтатиб қўйганлар¹.

Ойша разияллоҳу анҳо деди: “Сафарларнинг бирида биз ҳам Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга чиқдик. Байдо ёки Зотулжайш деган жойга келганимизда маржоним тушиб қолибди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам уни қидира кетдилар. Одамлар ҳам у зот билан бирга қидиришга тушдилар. (Таҳоратга ҳам, ичишга ҳам) сувлари йўқ эди...”².

Мўминлар онаси Ойша разияллоҳу анҳодан: “Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам уйларида нима иш қилардилар?” деб сўралганида: “Хотинларига қарашар, намоз вақти бўлса масжидга чиқар эдилар”, деб жавоб берган³.

Уқба ибн Омир разияллоҳу анҳо деди: “Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бундай деб айтганларини эшитдим: “...Уч нарса беҳуда ўйинга кирмайди: киши ўз отини ўйнатиб-ўргатиши, аёли билан ҳазил-ҳузул қилиши ва камондан ўқ узиши”⁴.

Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам аёллар билан ҳазил-мутойиба қилиб, вақтичоғлик қилишга тарғиб қилганлар. Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳумо айтади: “Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам менга: “*Уйландингми?*” дедилар. Мен: “Ҳа, ўйландим”, дедим. “*Бокирагами, жувонгами?*” дедилар. “*Жувонга*”, дедим. “*Бокирага ўйланмабсан-да, бир-бирингиз билан ўйнашиб-кулишиб, вақтичоғлик қилар эдингиз*”, дедилар. Сафардан кечаси Мадинага қайтиб, уларимизга кирмоқчи бўлганимизда: “*Сабр қилинглар, хуфтон намозидан сўнг кирасиз. Аёлларингиз ювиниб-тараниб, тозаланиб олишига имкон беринглар*”, дедилар⁵.

1 Бу омма мусулмонларга машаққат бўлмаса жоиз бўлади.

2 Бухорий (334) ва Муслим (367) ривояти.

3 “Фатҳ ал-Борий”, 2/162.

4 Абу Довуд ривояти, 2513.

5 Абу Довуд ривояти, 2513.

Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам у зотни меҳмонга таклиф қилган кишига аёлларини ҳам бирга олиб боришни шарт қилган ҳолат ҳам бўлган¹.

Бир куни шўрвани яхши тайёрлайдиган форс қўшнилари Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламни меҳмонга чақирди. “Эй Расулulloҳ, сизни уйимга овқатланишга таклиф қиламан”, деди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Ойша онамизга ишора қилиб: “Буни ҳамми?” деганларида у: “Йўқ” деди. “Ундай бўлса, йўқ”, дедилар. Сўнг ҳалиги киши яна: “Эй Расулulloҳ, сизни уйимга таклиф этаман”, деди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам яна: “Буни ҳамми?” деб сўрадилар. “Йўқ”, деб жавоб берди киши. “Ундай бўлса, йўқ”, дедилар. Сўнг учинчи марта таклиф қилган эди, “Буни ҳамми?” деб сўрадилар. Ҳалиги киши: “Ҳа, уни ҳам”, деган эди, икковлари туриб, уникига бордилар”².

Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам аёлларининг гапларига қулоқ солиб ўтиришлари ҳам у зотнинг аёлларига илтифотли бўлганларига мисол бўлади. Масалан, у зот Ойша разияллоҳу анҳо айтиб берган узун бир ҳикояни тинглаб ўтирганлар. Бу бир неча аёллар ўзаро келишиб, эрлари ҳақидаги бор гапни яширмай айтишга аҳдлашганлари ҳақидаги “Умму Заръ ҳадиси” номи билан машҳур ҳадис бўлиб, узун бўлишига қарамай, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам уни малолланмай эшитиб ўтирганлар. Фойдадан холи эмаслиги учун шу ўринда биз ҳам бу ҳадисни тўлиғича келтиришни мақсадга мувофиқ деб топдик.

Ойша разияллоҳу анҳо деди: “Ўн бир аёл бир ерда ўтириб, эрлари ҳақида бирон гапни яширмай айтишга келишдилар.

Биринчи аёл деди: “Эрим чиқиш қийин бўлган нотекис тоғ чўққисидаги ориқ туя гўштига ўхшайди. Чиқай десанг осонмас, олай десанг семизмас”.

Яъни бу аёл эрини ориқ туя гўштига ўхшатапти. Бу туя гўшти ориқ бўлиши билан бирга чиқиш қийин бўлган баланд ва нотекис тоғ тепасига қўйилган. Бундай нотекис ва баланд тоққа чиқишнинг ўзи қийин аслида, унинг устига гўшт ҳам семизгина эмас, шунча машаққат чекишга арзимайдиган даражада ориқ.

Биринчи аёл бу сўзлари билан эрини мазаммат қилмоқда. Яъни эрини тоғ чўққисидаги ориқ туя гўштига ўхшатапти. Бу дегани эри заиф бўлгани учун ундан ўзи хоҳлагандек лаззатлана олмайди. Гўё у эрининг тўшакдаги ҳолатига ишора қилиб: “Мен эрим билан қовушганимда оладиган лаззат ориқ туя гўшти егандаги лаззат билан баробар. У ориқ ва заиф бўлиши билан бирга хулқи ҳам ёмон, бадхулқлигидан одам у билан қандай гаплашишни, қандай муомала

1 Ҳар доим ҳам бундай қилмаганлар.

2 Муслим ривояти, 2037.

қилишни, кўнглига қандай йўл топишни билмайди. Унга не машаққат билан етганимда ҳам ундан айтарли ҳузур-ҳаловат ва роҳат тополмайман”, демоқда.

Иккинчи аёл деди: “Мен эрим ҳақида бирон нарса демайман. Гапирсам икир-чикирини қолдирмай гапириб қўйишдан қўрқаман”.

Яъни бу аёл эрининг айблари кўплигига ишора қилиб: “Мен эрим ҳақида бир гапга тушсам, камчиликлари кўплигидан гапим тугамайди деб қўрқаман. Унинг қайси камчилигини айтай, чўтир юзиними, шишган бўйин томирлариними, қорни ва жасадида бўртиб чиққан томирларними, бундан бошқа нимани ҳам айтай, ўргилайлар?!” деди. Бу аёл шундай демоқчи бўлгани эҳтимоли кучлироқдир. Айрим уламолар бошқа эҳтимолни илгари сурганлар, унга кўра бу аёл қуйидагиларни назарда тутган: “Мен эримдан ажралиб қолишни кўтара олмайман. Эрим ҳақида ёмон гапларни гапиргудай бўлсам ва у эшитиб қолса, мени талоқ қилишидан қўрқаман. Ўртада фарзандлар бор, қолаверса ўзим ҳам унга боғланиб қолганман”.

Учинчи аёл деди: “Эрим бўйи новча, аммо фаҳми калта. Гапирсам талоқ қилинаман, гапирмасам аросатда қоламан”.

Яъни бу аёл сўзининг маъноси шуки, “Эримнинг олдида бирон гап гапирсам ё унга бир иш бўйича мурожаат қилгудек бўлсам, мени талоқ қилиб юборади. Гапирмасам, ўзим билан ўзим қолиб кетаман, менга парво ҳам қилмайди, на эрли ва на талоқ қилинган ҳолда ташлаб қўяди. Эри бор бўлиб бормас, бирон нафи тегмайди. Эри йўқ бўлиб бева ҳам эмас, бошқа эрга тегиб кета олмайди. Валлоҳу аълам”.

Тўртинчи аёл деди: “Эрим Тихома оқшомига ўхшайди, иссиқ ҳам эмас, совуқ ҳам эмас, қўрқув ҳам, зерикиш ҳам йўқ”.

Бу аёл эрини Тихома оқшомига ўхшатмоқда. Тихома Арабистон ярим оролидаги Қизил денгиз бўйидаги жой бўлиб, у ерларнинг тунлари мўътадил, об-ҳавоси ёқимли, роҳатбахшдир. Яъни эрини хушмуомала, юмшоқ табиат, мулойим деб васф этмоқда: “Эрим билан тинч-осуда, хотиржам яшайман. У билан бирга эканман, хавф-хатардан йироқман, ҳеч малоллик ҳам сезмайман, зерикмайман ҳам. Эримнинг бағридаги ҳаётим Тихомаликлар ҳолига ўхшайди. Улар Тихоманинг мўътадил оқшомидан, унинг роҳатбахш ҳавосидан лаззатда яшайдилар”.

Бешинчи аёл деди: “Эрим уйга кирса қоплон, кўчага чиқса арслон бўлиб кетади. Олиб келган нарсаси ҳақида сўрамайди”.

Аёлнинг бу гапларида икки хил эҳтимол: мақташ ёки айблаш бор. Мақташ эҳтимолининг ўзида ҳам икки хил қараш бор.

Биринчиси: бу аёл эрини қоплонга ўхшатиш билан эри кўп яқинлик қилишни яхши кўришини, аёлини севишини, уни қачон кўрса, сабр қилолмай тўшакка тортиб кетишини, кўчага одамлар орасига чиққанда эса шер каби

шижоатли эканини васф этмоқда. “Олиб келган нарсаси ҳақида сўрамайди” дегани – эри ўзи келтирган емак-ичмаклар, кийим-кечаклар ҳақида сўраб-суриштирамайди, “олиб келган нарсаларим қани, нима қилдинг?” деб тергамайди.

Иккинчиси: эр уйга кирганида қоплон каби уйдаги тартибсизликка эътиборсиз, рўзғордаги хато-камчилик сабаб аёлини койимайди. Кўчага одамлар орасига чиқса, шер каби шижоатли, довюрак бўлади. Уйда аёлининг тутумида кўраётган камчиликлардан ўтиб юборади.

Бу аёлнинг сўзларида айблаш маъноси бор дейилса, қуйидаги маънони ифода этган бўлади: эр уйга кирса қоплон каби бўлиши, аёли билан қўшилишдан олдин уни эркаламай дабдурустдан қўшилиши, устига-устак ёмон, қўрс муомала қилиши, қўл кўтариши, эрталаб касал хотинининг олдидан чиқиб кетишда ҳам, қайтиб келиб ҳам ҳолидан хабар олмаслиги, на ўзи ва на фарзандлари ҳақида қайғурмаслигини назарда тутган. Валлоҳу аълам.

Олтинчи аёл деди: “Эрим еса дастурхондаги бирон нарсани қўймай ейди, ичса бир томчи қолдирмай, тагигача ичиб қўяди. Ухласа кўрпага ўраниб олади, қўйнимга қўл ҳам солмайди”.

Бу аёл эрини эркаклар учун айб саналган иллатлар: кўп ейиш, кўп ичиш ва кам қўшилишда, аёлининг ҳолидан хабар олмасликда, унинг кўнглига қўл солмасликда айбламоқда.

Еттинчи аёл деди: “Эрим жинсий заиф ва ўтакетган аҳмоқ инсон. Унда барча айбу нуқсон жамланган. Бирон нарса дегудек бўлсанг, бошингни ёради ё бир ерингни майиб қилади ё ҳар иккисини қилади”.

Бу аёл эрини жинсий алоқа қилишдан ожизликда ва шу билан бирга ўта нодонликда айбламоқда. Шу даражадаки, бир оғиз гап айтиб бўлмайди. Гапирсанг балога қоласан, ё уриб бошингни ёради ё бирон ерингни майиб қилиб, қонингни оқизади ёки иккисини ҳам қилади: бошингни ҳам ёради, қонингни ҳам тўқади.

Саккизинчи аёл деди: “Эрим қуёндек ювош ва юмшоқ, райҳондек хушбўй ва муаттар”.

Бу аёл эрининг хушмуомалалиги ва доим хушбўй бўлиб юришини, бадани қуён юнги каби юмшоқ ва майин эканини айтиб мақтамоқда. Унинг бу сўзидан эрининг гўзал хулқ соҳиби экани, юмшоқ табиатли, тароватли, кўп хушбўйлик ишлатиши ва тозақорлиги сабабли баданидан ёқимли ҳид келиб туришини тушуниш мумкин.

Тўққизинчи аёл деди: “Эримнинг уйи баланд, қиличининг қини узун, ўчоғининг кули кўп, уйи йиғингоҳга яқин”.

Бу аёл эрини сифатлар экан, унинг ўйи саййид ва улуғзодалар ўйи каби баланд, меҳмонларга узоқдан кўриниб турадиган ўй эканини, қиличининг қини узунлиги билан унинг шижоатли ва жасур эканини, ўчоғининг кули кўплиги билан ниҳоятда меҳмондўстлиги, ўйига тез-тез меҳмон келиши, меҳмонларга ва оиласига жонлиқ сўйиб, пишириши боис ўчоғидаги кул кўпайиб кетишини, ўйи йиғингоҳга яқин дейиш билан одамлар муаммолари билан унинг ўйига доим келиб туришларини айтиб мақтамоқда.

Ўнинчи аёл деди: “Эримнинг исми Молик. Молик ким эканини биласизми? Молик ҳаммадан яхши. Унинг туялари жуда кўп. Қанчаси яйловда ўтлаб юради, ўйда қолгани ундан-да кўп. Туялар дўмбира товушини эшитса, ўлимини кутади”.

Яъни бу аёл эрини мақтар экан, юқорида васфи ўтган эркаларнинг ҳаммасидан яхши эканини, туяси кўп бой ва саховатпеша инсонлиги, туяларининг бир қисмини яйловда боқишини, кўп қисмини эса меҳмонлар келса сўйиш учун ўйда ушлаб туришини айтмоқда. Меҳмонларни иззат-икром билан кутиб олиш учун дўмбира чалинганида бунга эшитган туялар меҳмонларнинг зиёфати учун сўйилиши аниқ эканини билиб, ўлимини кутишар эди. Валлоҳу аълам.

Ўн биринчи аёл деди: “Эрим Абу Заръдир. Абу Заръ ким эканини биласизми? Абу Заръ қулоқларимга зирак осди, мушакларим ёғга тўлди. Мени мақтаганига маҳлиё бўлиб, ўзимга бино қўйдим. У менга ўйланиш учун келганида оилам билан тоғ ён бағрида фақирона ҳаёт кечирар эдик. У мени отлари, туялари, товуқлари ва буғдойлари мўл бўлган қавмига олиб келди. Эримнинг олдида бемалол гапиравераман, асло жеркиб бермайди, тонггача ухлайман, ҳеч ким уйқумни бузмайди. Тўйгунимча сут ичаман, тугаб қолишидан заррача ташвишланмайман. Биласизми, қайнонам - Абу Зарънинг онаси ким? Унинг сандиқлари катта, ўйлари кенг¹. Абу Зарънинг ўғлини-чи, унинг кимлигини биласизми? Катта жой олмас ётоғи, қорнин тўйғазар эчки туёғи². Абу Зарънинг қизини, биласизми сиз уни? Ота-онасига итоатли, тўлачадан келган, чиройли, кундошлари унга рашкли. Абу Зарънинг чўрисини, танийсизми сиз уни? Омонатдор, сиримизни фош қилмайди. Тежамкор, рўзғорда исроф қилмайди. Покиза, ўйимизни чиннидек тутди. Тақводор, ўйимизга ҳаром киритмайди”³. Умму Заръ сўзида давом этиб деди: “Мешдаги сутлар кувланиб турган⁴ кунларнинг бирида Абу Заръ кўчага чиқди. Кўчада

1 Қайнонасининг кийим-кечаги, идиш-товоғи, ўй-жиҳозлари, хуллас мол-дунёси кўплигидан, ҳовли-жойи кенг ва катта, фаровон, тўкин-сочин яшашидан дарақдир.

2 Боланинг озғин ва чайир, кўп еб-ичмайдиган камтомоқ эканига ишора.

3 Саранжом-саришталигига, ўйни тоза тутишига, шунингдек, ўйга ҳаром егулик олиб кирмаслиги ва таомни айнитиб исроф қилмаслигига ишора.

4 Кув – сутни чайқатиб, ёғини олиш учун ишланган, цилиндр шаклидаги узун ёғоч идиш ва унинг учи йўғонлашган таёқсимон сопи.

қоплон болаларидек икки ўғлони бўлган аёлни учратиб қолди¹. Икки боласи аёлнинг биқинида туриб, анордек дуркун кўкракларини ўйнашар эди². Буни кўрган Абу Заръ шу аёлга уйланиб, мени талоқ қилди. Шундан сўнг мен обрў-эйтиборли, бой-бадавлат, кўркам бир кишига турмушга чиқдим. У зотдор от миниб, қўлида найзасини тутган ҳолда ҳайбат билан юрарди. Менга кўп яхшиликлар қилар, ҳар турли чорва молларидан ва қуллардан бир жуфтдан бериб: “Эй Умму Заръ, бу неъматлардан баҳраманд бўл ва ота-онангга ҳам элтиб бер”, дер эди³. Сўзининг охирида Умму Заръ хулоса қилиб: “Унинг менга берган ҳамма нарсасини жамласам, Абу Зарънинг энг кичик идишига ҳам тенг келмайди”, деди. Ойша разияллоҳу анҳо айтди: “Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: *“Мен сенга Абу Заръ Умму Заръга кўрсатгандек меҳр-муҳаббат кўрсатаман”*, дедилар”. Бошқа бир ривоятда: *“Абу Заръ Умму Заръни талоқ қилган экан, лекин мен сени талоқ қилмайман”*, деганлар.

Ҳофиз Ибн Ҳажар раҳимаҳуллоҳ ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар ҳақида сўзлаб, бундай дейди: “Бу ҳадисда юқорида келтирилгандан бошқа фойдалар ҳам бор. Жумладан:

- 1) Эр хотини билан гўзал ҳаёт кечириши, ўзаро муҳаббат, бир-бирига мойиллик, ҳаромга олиб бормайдиган мубоҳ мавзуларда суҳбатлашиш, ора-сира ҳазиллашиб туриш, аёлнинг кўнглини олиш, уни манмансираб, ўзидан кетиб қолмайдиган даражада эркалаш, унга муҳаббат изҳор қилиш.
- 2) Мол-дунё билан фахрланмаслик кераклиги, диний ишларда ўзининг афзаллигини гапириш жоизлиги, эр оиласи билан қай тарзда ҳаёт кечираётганини, уларга қандай муомала қилаётганини эслатиб қўйиши, хусусан аёллардан уларнинг табиатига хос бўлган кўфрони неъмат содир бўлганида буни эслатиши жоизлиги.
- 3) Аёл эрининг унга қилган яхшиликларини айтиши.
- 4) Модомики адолатсизликка олиб бормаса, эр айрим хотинларига кундошлари олдида ҳурмат кўрсатиши, бирон сўз ё иш билан унга алоҳида илтифот қилиши жоиз экани. Шунингдек, “Ҳадя бериш” бобида ўтгани каби бошқа хотинлар ҳаққини тўлиқ ўтаган бўлса, айримларига алоҳида лутф кўрсатиб совға бериши жоиз.
- 5) Эр навбати бўлмаган аёли билан гаплашиши жоиз экани.
- 6) Ўтган умматлар ҳақида гапириш, хусусан ибрат бўладиган ўринларда уларни мисол қилиб келтириш, кўнгилларга ором бўлиши учун уларда содир бўлган қизиқ воқеалар ва ноёб ҳодисаларни сўзлаш жоиз экани.

1 Икки боланинг ширинлигига маҳлиё бўлиб, бу аёлдан бола кўришни истаб қолди.

2 Кўкракларни анорга ўхшатилиши аёлнинг ёш, кўкраклари осилиб қолмаган эканига далолат қилади.

3 Аёл эрини раҳбарлик, шижоат, саховат, фазлу марҳамат сифатларига эга экани, зотдор от миниб, узун ва ўткир найзаси билан жангларда ғаниматларни қўлга киритиши, турли чорвалардан жуфт-жуфт ҳадяларни нафақат аёлига, балки қудаларига ҳам улашиши, силаи раҳм қилишга чорлаши билан мақтамоқда.

- 7) Аёлларни эрларига вафодор бўлишга, эридан бошқага қиё боқмасликка, яхшиликларига шукр қилишга чорлаш. Аёл киши эрини яхши ва ёмон хулқлари билан васф этиши, баъзан бунда бироз муболаға қилиши мумкинлиги. Аммо муболағали гапиришга одатланиб қолиш мурувватга путур етказди.
- 8) Бирон хабарни мужмал қилиб етказувчининг хабарини ўзидан сўраб изоҳлатиш ёки бошиданоқ унинг ўзи шарҳлаши жоизлиги.
- 9) “Одамлар орасида фалон ёмон ишларни қиладиганлари бор” деганга ўхшаш кимлигини тайин қилмай биров ҳақида айтилган сўз ғийбат бўлмайди. Юқоридаги аёлларнинг айримлари эрлари эшитса ёқтирмайдиган сўзлар билан уларни сифатлагани ғийбатга кирмайди. Сабаби у эрларнинг кимлиги ҳам, исми ҳам маълум эмас. Муайян аёл эри ҳақида у эшитса ёқтирмайдиган гапларни гапириши ва бошқалар буни эшитиши ҳаром бўлган ғийбат саналади. Аммо қозининг олдида эри эшитса ёқтирмайдиган гапларни айтиб шикоят қилиши ғийбат саналмайди.
- 10) Бу ҳадисда эрга тегиб чиққан аёлга уйланишни макруҳ деганлар сўзини бир нав қувватлаш бор. Бу Умму Зарънинг эътирофида кўринади. Унинг иккинчи эри қўлидан келганича уни иззат-икром қилганига қарамай биринчи эри олдида бу яхшиликларни ҳақир санади.
- 11) Муҳаббатнинг кўзи кўр дейилганидек, севган кишисининг ёмонлиги ҳам кўзга кўринмаслиги. Умму Заръ ўзини талоқ қилган собиқ эрини муболаға билан мақташи шунга далолат қилади. Айрим ривоятларда келишича, Абу Заръ Умму Заръни талоқ қилганига надомат чекиб шеър ҳам ёзган.
- 12) Кимлиги маълум бўлмаган аёлларнинг васфини ва яхши тарафларини эркак кишига айтиш жоиз. Аммо муайян аёлнинг сифатларини эркаклар олдида айтиш ёки аёлнинг эркаклар қасддан қараши мумкин бўлмаган ерларини васф этиш жоиз эмас.
- 13) Бир инсонни бошқа бир инсонга ўхшатиш уларнинг ҳар жиҳатдан тенглигини билдирмайди. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: “Мен сенга Абу Заръ кабиман” деб айтганларидан мурод муҳаббатда, аҳил-иноқ ҳаёт кечиришда ва шу каби ишлардаги ўхшашликдир, Абу Заръда мавжуд ортиқча дабдаба, бойлик, ўғил-қиз, хизматчи ва булардан бошқа сифатларда эмас.
- 14) Киноя талоқ ният билангина тушади. Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам ўзларини Абу Заръга менгадилар, ҳолбуки у хотинини талоқ қилган эди. Аммо бу ўхшатиш талоқ тушишини тақозо этмайди. Сабаби Расулulloҳда талоқ нияти бўлмаган эди.
- 15) Ҳар бир умматдаги фозил кишиларни намуна қилиб олиш жоиз. Умму Заръ Абу Зарънинг оила юритишдаги яхши сифатлари ҳақида берган хабарига таяниб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам уни намуна қилдилар. Бу фикрни Муҳаллаб айтган. Лекин Иёз унинг бу фикрига эътироз

билдирган. Унинг айтишича, ҳадиснинг сиёқидан Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Абу Заръни ўрнатқилиб олганлари келиб чиқмайди. Балки у зотнинг Ойша разияллоҳу анҳо билан ҳаёт кечиришлари Абу Зарънинг ҳолатидек эканини айтиб ўтдилар, холос. Ҳа, Муҳаллаб айтган фикр ҳам бир ҳисобдан тўғри. Агар бирон хабар айтилган бўлса ва Пайғамбар уни яхши эканини эътироф этган ва яхши деб билган бўлсалар, шуни намуна қилиб олиш жоиздир.

Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло хотинлар билан турмуш кечириш ҳурмат-эҳтиром, меҳр-муҳаббат ҳамда уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини адо этиш асосида бўлишини амр этди: **“Улар билан тинч-тотув, аҳил-иноқ яшанглар”** (Нисо, 19).

Ибн Касир раҳимаҳуллоҳ ушбу оят тафсирида қуйидаги сўзларни айтган: “Хотинларнингизга ширин сўзли бўлинг, имкон қадар уларга гўзал хулқ-атвор билан муомала қилинг, ёмон қилиқлар қилманг. Олдиларида ўзингизга қараб, чиройли кўринишда юринг. Хуллас, хотинларнингиз сизга қандай бўлишини истасангиз, сиз ҳам уларга шундай бўлинг. Аллоҳ таоло деди: **“Аёллар зиммасида мажбуриятлар бўлгани каби уларнинг эрлари устида шариат ва ўрф доирасида ҳақ-ҳуқуқлари ҳам бор”** (Бақара, 228). Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам эса бундай деганлар: *“Сизларнинг яхшиларингиз оиласига яхши бўлганингиздир. Орангизда оиласига энг яхши бўлган менман”*¹. Аёллар билан яхши муомала, очиқ чеҳра билан тинч-тотув яшаш Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хулқлари эди. У зот аёлларини эркалатиб, ҳазил-мутойиба билан кўнглини олар, рўзғорларини бут қилиб қўяр, улар билан кулишар, ҳатто Ойша разияллоҳу анҳонинг кўнглини олиб, у билан мусобақалашган эдилар. Бу ҳақда мўминлар онаси бундай деган: “Расулulloҳ мен билан мусобақалашдилар, мен у зотдан ўзиб кетдим. Бу пайтда ҳали эт олмаган озғин эдим. Эт олиб, тўлишиб қолган пайтимда яна мусобақалашдик, бу гал у зот ўзиб кетдилар ва: *“Биру бир бўлди”*, деб қўйдилар”². Ибн Касир раҳимаҳуллоҳ сўзларининг давоми бор, биз шу билан кифояланамиз.

Гоҳ ундоқ, гоҳ бундоқ

Хотинлар билан тинч-тотув яшаш, вақти-вақти билан оила аъзолари билан вақтичоғлик қилиш матлуб ишдир.

Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг котибларидан бири Ҳанзала Усайдий разияллоҳу анҳу бундай деган: Абу Бакр разияллоҳу анҳу мен билан кўришиб: “Аҳволинг қалай, эй Ҳанзала?” деди. Мен: “Ҳанзала мунофиқ бўлиб қолди”, дедим. Абу Бакр: “Субҳаналлоҳ, нима деяпсан?!” деган эди, мен айтдим: “Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларида

1 Термизий ривояти, 3895.

2 Ибн Касир тафсири, 1/467.

бўлганимизда у зот бизга дўзах ва жаннатни эслатсалар, гўё кўз билан кўриб тургандек бўламиз. Ҳузурларидан чиқиб, бола-чақа ва тирикчилигимиз билан овора бўлгач эса кўп нарсани унутамиз”, дедим. Абу Бакр: “Аллоҳга қасамки, биз ҳам худди шундай ҳолатга тушамиз”, деди. Сўнг Абу Бакр билан бирга Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига бордик. Мен: “Ҳанзала мунофиқ бўлиб қолди, эй Расулulloҳ”, дедим. Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: “Нима бўлди?” деб сўрадилар. Мен: “Эй Расулulloҳ, сизнинг ҳузурингизда бўлганимизда бизга дўзах ва жаннатни эслатсангиз, гўё кўз ўнгимизда кўриб тургандек бўламиз. Ҳузурингиздан чиққач, бола-чақа ва тирикчилигимиз билан овора бўлиб, кўп нарсани унутамиз”, дедим. Шунда Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: *“Жоним қўлида бўлган Зотга қасамки, агар доим менинг ҳузуримдаги ҳолатингизда ва зикрда бўлганингизда эди, фаришталар ётоғингизда ҳам, юрган йўлларингизда ҳам сизлар билан қўл бериб кўришадиган бўлиб қолар эди. Лекин, эй Ҳанзала, инсон гоҳ ундоқ, гоҳ бундоқ бўлиб туради”*1.

Ибн Умар разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинган ҳадисда Ибн Умар деди: “Биз Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг ҳаётлик пайтларида ҳаққимизда ваҳий тушиб қолишидан ҳайиқиб аёлларимиз билан кўп гаплашиб, ҳазил-мутойиба қилиб ўтиришдан сақланар эдик. Пайғамбар саллalloҳу алайҳи ва саллам вафот этгач, бемалол гаплашиб, ҳазил-ҳузул қиладиган бўлдик”2.

Ибодатга тарғиб қилиш

Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам аёллари билан тинч-тотув ва гўзал ахлоқ доирасида ҳаёт кечиринлари билан бирга, Аллоҳ таоло буюрганидек уларни ибодатга, яхшиликлар қилишга эринмай, чарчамай тарғиб қилар эдилар. Аллоҳ таоло айтган: **“Эй Пайғамбар, аҳли оилангизни намозга буюринг ва намозни адо этишда сабрли бўлинг! Биз сиздан мол-мулк сўрамаймиз. Сизга Биз ризқ ва мол-мулк ато этамиз. Дунёда ҳам, охиратда ҳам яхши оқибат тақводорлар учундир”** (Тоҳа, 132).

Аллоҳ таоло Исмоил алайҳиссаломни мақтаб, бундай деган: **“Эй Пайғамбар, бу Қуръонда Исмоил алайҳиссалом хабарини эсланг. У ваъдасига вафодор ҳамда расул ва набий эди. У аҳлини намозни тўқис адо этишга ва закотни ўташга буюрарди. Парвардигори ундан рози бўлган банда эди”** (Марям, 54-55).

1 Муслим ривояти, 17/65.

2 Бухорий ривояти, 5187.

Ойша разияллоҳу анҳо айтади: “Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам тунда намоз ўқир, мен тўшагимда ухлаб ётар эдим. Витр намозини ўқимоқчи бўлсалар мени ўғотар эдилар, мен туриб, витрни ўқиб олардим”¹.

Умму Салама разияллоҳу анҳо айтади: “Бир кун кечаси Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам ўқудан ўғониб, дедилар: “Субҳоналлоҳ, бу кеча қанчадан-қанча фитна ва бало-офатлар туширилди, не-не хазиналар очилди! Хужралар соҳибаларини (ўз аёлларини назарда тутиб) ўғотинглар (яъни ғафлатда қолмай, бу фитналардан Аллоҳдан паноҳ тиласинлар). Кўпинча (бойлиги боис) бу дунёда кийимга бурканган аёллар охиратда (амали йўқлиги боис) яланғоч бўладилар”².

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам дедилар: “Кечаси туриб намоз ўқиган, аёлини ҳам ўғотган, аёли турмаса юзига сув сепган эркакка Аллоҳнинг раҳмати бўлсин. Кечаси туриб намоз ўқиган, эрини ҳам ўғотган, эри турмаса юзига сув сепган аёлга Аллоҳнинг раҳмати бўлсин”³.

Бир кун кечаси Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам Али ва Фотима разияллоҳу анҳумонинг эшикларини тақиллатиб: “Намоз ўқимайсизларми?!” деган эдилар⁴.

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳумо айтади: “Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам қизлари Фотима разияллоҳу анҳонинг ўйига келдилар, бироқ ўйга кирмай кетиб қолдилар. Али разияллоҳу анҳу келганида Фотима разияллоҳу анҳо бўлган воқеани айтиб берди. Али разияллоҳу анҳу Пайғамбар саллalloҳу алайҳи ва салламнинг олдиларига бориб, бунинг сабабини сўраганида у зот: “Мен унинг эшигида ранг-баранг йўл-йўлли парда осилганини кўрдим. Менинг дунё билан нима ишим бор?!” деб жавоб бердилар. Али разияллоҳу анҳу бу гапни аёли Фотимага айтганида у: “Сиз истаганча бўлсин, айтинг, буни нима қилай?” деди. Али разияллоҳу анҳу: “Буни фалон оилага бериб юборақол” (улар эҳтиёжманд оиладир), деди”⁵.

Демак, эр киши оиласи билан яхши муомалада, тинч-тотув ҳаёт кечириши билан бирга уларга Аллоҳ таолога итоат этишни эслатиши, тоат-ибодат қилганда ҳам гўзал суратда, мукамал тарзда бажаришга ундаши лозим.

Аёлни эри учун зийнатланишга, эрни эса аёли билан қўшилиб туришга ундаш

1 Бухорий (977) ва Муслим (395) ривояти.

2 Бухорий ривояти, 115.

3 “Муснади Аҳмад”, 2/250. Ҳадис санади ҳасан.

4 Бухорий (4724) ва Муслим (775) ривояти.

5 Бухорий ривояти, 2613.

Эр қодир бўлганича аёлининг жинсий эҳтиёжини қондириши лозим. Аёл ҳам ўз навбатида эри учун зийнатланиши, ясан-тусан қилиши даркор. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламдан: “Қандай хотин энг яхши хотин?” деб сўрашганида у зот: “*Эри юзига боқиб баҳри дили очилса, бирон ишга буюрганида итоат этса, ўзининг жисмида ва эрининг мол-мулкида эри ёқтирмайдиган иш қилмаса* (шу энг яхши хотиндир)”, деб жавоб бердилар¹.

Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: “*Аллоҳ таоло гўзалдир, гўзалликни яхши кўради*”² деган ҳадисларига кўра, эркак кишининг қалбига сурур бахш этишнинг йўлларида бири эр уйига кирганида аёли уни ясанган, хушбўйланган, имкони борича чиройли, покиза кийимларини кийган ҳолда кутиб олишидир. Шундай қилса, ҳам эрининг кўнглини шод этади, ҳам кўча-кўйда очиқ-сочиқ юрган бегона аёлларга кўзи тушиши сабабли эрнинг қалбига келган бузуқ хаёлларни қувади. Ўз навбатида эр ҳам аёлининг олдида гўзал кўринишда, хушбўйланиб, ўзига қараб кириши лозим. Чунки эр аёлини қандай кўринишда кўришни истаса, аёл ҳам эридан шуни хоҳлайди. Аллоҳ таоло айтган: “**Аёллар зиммасида мажбуриятлар бўлгани каби уларнинг эрлари устида шариат ва урф доирасида ҳақ-ҳуқуқлари ҳам бор**” (Бақара, 228).

Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам даврларида хотинлар эрларига чиройли кўриниш учун тақинчоқ ва кийимларни қарзга олиб туришар эди. Ойша разияллоҳу анҳо опаси Асмодан бўйинга тақадиган тақинчоқ олиб тургани ривоят қилинган³.

Абдулвоҳид ибн Айман отасидан ривоят қилади: “Ойша разияллоҳу анҳо ҳузурига кирганимда қиймати беш дирҳам турадиган кўйлак кийиб олган экан. Менга: “Мана бу чўри қизга қара, уйда мана шу кўйлакни кийишдан ор қияпти. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам даврларида менда худди шу кўйлақдан бор эди. Мадина аёллари зийнатланмоқчи бўлганларида уни менадан омонатга олиб туришар эди”, деди⁴.

Мана шу ишларни қилиш эр хотинидан хурсанд бўлишига, хотин ҳам эридан мамнун бўлишига сабаб бўлади, ҳар иккисини ҳаромга кетиб қолишдан, номаҳрамларга қиё боқишдан тўсади, иншааллоҳ.

Шунингдек, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам эр-хотинни жинсий яқинликка тарғиб қилганлар, ҳатто бу ишда савоб ҳосил бўлишини айтганлар. Чунки эр-хотиннинг қовушиши уларнинг пок юришларига, хаёллари бузилмаслигига, ўрталарида меҳр-муҳаббат кучайишига сабаб бўлади. Оиладаги келишмовчиликлар эр яқинлик қилишни хоҳлаганида хотин бош тортишидан ёки аксинча, хотиннинг жинсий эҳтиёжини эр қондирмаслигидан келиб чиқиши кўпчиликка сир эмас. Эр-хотиннинг жинсий эҳтиёжи тўлиқ қондирилса, Аллоҳнинг изни билан нафслар ором олади, асаблар тинчланади,

1 Аҳмад ривояти, 2/251.

2 Муслим ривояти, 91.

³ Бухорий (1546) ва Муслим (279) ривояти.

4 Бухорий ривояти, 5/241.

кўнгиллар ёзилади. Шунинг учун Ҳабибимиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам бунга тарғиб қилганлар ва ажр-савоб ҳосил бўлишини айтганлар.

Абу Зар разияллоҳу анҳу бундай деди: “Саҳобалардан баъзилари Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга: “Эй Расулulloҳ, ҳамма савобни бойлар олиб кетишди. Улар биз намоз ўқигандек намоз ўқишади, биз рўза тутгандек рўза тутишади, молларининг ортиқчасидан эса садақа қилишади”, дедилар. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Аллоҳ таоло сизлар учун садақа қилиш йўлларини кўрсатиб қўймадими? Ҳар бир тасбиҳ (субҳоналлоҳ) садақа, ҳар бир такбир (Аллоҳу акбар) садақа, ҳар бир ҳамд (алҳамдүлilloҳ) садақа, ҳар бир таҳлил (ла илаҳа илalloҳ) садақа, яхшиликка буюриш садақа, ёмонликдан қайтариш садақа, ҳатто хотинларингиз билан қўшилишингиз ҳам садақадир”, дедилар. Саҳобалар: “Эй Расулulloҳ, биримиз (хотинларига қўшилиб) шаҳватини қондиришида ҳам ажр бўладими?” деб сўрашган эди, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Агар уни ҳаром йўл билан қондирганида гуноҳ бўлармиди?! Худди шу каби, ҳалол йўл билан қондиргани учун унга ажр бўлади”, деб жавоб бердилар”¹.

Имом Нававий раҳимаҳуллоҳ “ҳатто хотинларингиз билан қўшилишингиз ҳам садақадир” сўзининг шарҳида қўйидаги гапларни айтган: “Ниятни тўғри қилиш билан мубоҳ ишлар ҳам ибодатга айланади. Эр хотини билан қўшилишда унинг ҳаққини адо этишни, Аллоҳ буюрганидек яхшиликда, тинч-тотув ҳаёт кечиришни ният қилса ёки солиҳ зурриёт кўриш ё ўзининг ва аёлининг поклиги, иффатини сақлаш, ҳаромга боқмаслик, бузуқ хаёллар ва ўй-фикрлардан четланиш каби яхши мақсадларни дилига тугса, бу ҳам ибодат бўлади”.

Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинган ҳадисда у бундай деди: “Мен ғазотларнинг бирида Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга эдим. Миниб олган туям заиф ва ҳорғинлигидан жуда секин юрарди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам келиб: “Ҳа, Жобир?” дедилар. Мен: “Лаббай”, дедим. “Нима бўлди?” деган эдилар, “Туям заифлигидан толиқиб зўрға юряпти. Шунга орқада қолиб кетдим”, дедим. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам уловларидан тушиб туямни таёқлари билан туртдилар-да, сўнг: “Қани энди мин-чи”, дедилар. Мен туямга миндим ва Расулulloҳдан ўтиб кетмаслиги учун унинг тизгинидан тортиб-тортиб турдим. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Уйландингми?” деб сўрадилар. “Ҳа, уйландим”, дедим. “Бокирагами ё жувонгами?” дедилар. “Жувонга”, дедим. “Бокирага уйланмабсан-да, у билан ўйнаб-кулишардинг, у ҳам сен билан ўйнаб-куларди”, дедилар. “Менинг бир қанча сингилларим бор. Шунинг учун уларнинг ҳолидан хабар олиб турадиган, уларни ювиб-тараб, яхши тарбия қиладиган аёлга ўйланишни маъқул кўрдим”, дедим. Расулulloҳ

1 Муслим ривояти, 2/43.

саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “*Сен ҳозир Мадинага боряпсан. Боргач, ақл билан иш тут*”, дедилар¹. Сўнг: “*Туянгни сотмайсанми?*” деб сўрадилар. Мен: “*Майли, сотаман*”, дедим. Туяни мендан бир уқияга (қирқ дирҳамга) сотиб олдилар. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Мадинага мендан олдин етиб бордилар. Мен тонг чоғида етиб келдим. Масжидга борган эдик, у зот масжид эшиги олдида турган эканлар. Менга: “*Энди келдингми?*” дедилар. “*Ҳа, ҳозиргина келдим*”, дедим. “*Туянгни боғлаб қўй-да, масжидга кириб икки ракат намоз ўқиб чиқ*”, деб айтдилар. Дарҳол масжидга кириб икки ракат намоз ўқидим. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Билолга бир уқия ўлчаб беришни буюрдилар. Билол менга ортиғи билан тортиб берди. Орқамга ўгирилиб кетарканман, “*Жобирни чақиринглар*”, деб қолдилар. Ҳойнаҳой туяни қайтариб берсалар керак, деб айтдим ўзимга. Мен учун у зот туяни қайтариб беришларидан кўра ёмонроқ нарса йўқ эди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “*Туянгни қайтариб ол, пули ҳам сенга*”, деб айтдилар”².

Маълумки, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг тўққизта аёллари бўлган. Баъзан уларнинг барчаси билан бир кечада қўшилиб чиқардилар.

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу айтади: “Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам кеча ва кундузнинг маълум вақтида барча аёллари билан қўшилиб чиқардилар. Аёллари ўша пайт ўн битта эди”. Қатода Анас разияллоҳу анҳуга: “Кучлари етармиди?” деганида Анас разияллоҳу анҳу: “Биз Расулulloҳга ўттизта эркакнинг қуввати берилган деб ўзаро гаплашар эдик”, деб жавоб берди”³.

Анас разияллоҳу анҳудан ривоят қилинган бошқа ҳадисда: “Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир кечанинг ўзида барча аёллари билан қўшилиб чиқардилар. Ўша пайт тўққизта аёллари бор эди”, дейилган⁴. Имом Муслимнинг ривоятида: “Барча аёллари билан қўшилиб, битта ғул қилар эдилар”, деган қўшимча билан келган⁵.

¹ Ҳадис шориҳлари ушбу ибора ҳақида турли фикр билдирганлар. Чунончи, “Ақл билан иш тут” деган ибора аёлинг билан кўпроқ қўшил, қўшилганда қўпол ҳаракат қилма, шариат доирасидан чиқма, кўп болали бўлиш пайида бўл, деган маъноларни ўз ичига олади.

² Бухорий (2097) ва Муслим (1089) ривояти.

³ Бухорий ривояти, 268.

⁴ Бухорий ривояти, 284.

⁵ Муслим ривояти, 309.

Ойша разияллоҳу анҳо айтади: “Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга хушбўйлик суртиб қўярдим, у зот барча аёлларини айланиб чиқиб¹, сўнг эҳромга кирар эдилар, у зотдан хушбўй ҳид шундоқ анқиб турарди”².

Бу хусусиятда Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам танҳо бўлмаганлар, балки бошқа пайғамбарлар ҳам шундай бўлишган. Аллоҳ таоло уларнинг куч-қувват ва чуқур билим соҳиби бўлишганини зикр қилган.

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар: *“Сулаймон ибн Довуд деди: “Бу кеча етмишта аёлим билан қўшилиб чиқаман. Уларнинг ҳар бири Аллоҳ йўлида жиҳод қиладиган полвонларни туғиб беради”. Шериғи унга: “Иншааллоҳ” деган эди, Сулаймон демади. Қарангки, биронта ҳам аёли бола туғмади, фақат бир аёли яримта бола туғди”*. Шунда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: *“Иншааллоҳ деганида (хотинлари бола туғиб) барчаси Аллоҳ йўлида жиҳод қилар эди”*³.

Хотини билан қўшилган киши яна қайта қўшилишни хоҳлаб қолса, таҳорат қилиши мустаҳабдир. Абу Саид Худрий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам деганлар: *“Сизлардан бирингиз хотинига яқинлик қилса, сўнг яна қўшилишни истаса, таҳорат олсин”*⁴. Таҳорат қилиши вожиб эмас, аммо қилса яхши.

Яқинлик қилишдан олдин “Бисмиллаҳ, Аллоҳумма жаннибнаш-шайтона ва жаннибиш-шайтона маа розақтанаа”, дейиш ҳам мустаҳабдир.

Маъноси: “Аллоҳ номи билан бошлайман. Эй Аллоҳ, бизни шайтондан йироқ қил ва ўзинг бизга беражак фарзанддан шайтонни йироқ қил”.

Ибн Аббос разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинган ҳадисда Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар: *“Сизларнинг бирингиз хотинига яқинлик қилишда: “Бисмиллаҳ, Аллоҳумма жаннибнаш-шайтона ва жаннибиш-шайтона маа розақтанаа”, деб айтса ва ушбу яқинликда уларга фарзанд бўлиши ёзилган бўлса, шайтон бу болага асло зарар етказа олмайди”*⁵. Уламоларнинг сўзига кўра, шайтоннинг зарар етказа олмаслигидан мурод болани динида фитнага тушира олмаслигидир. Демак, бундай бола диндан қайтиб муртад бўлмайди, дегани келиб чиқади, валлоҳу аълам.

1 Расулulloҳ барча аёлларини айланиб чиқишлари навбат эгаси бўлган аёлларининг розилиги билан бўлган. Ойша разияллоҳу анҳо айтади: “Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам кўпинча барча аёллари олдига кириб, уларни қучиб-ўпар, лекин қўшилмасдан чиқиб кетардилар. Барча аёлларини айланиб бўлгач, навбати бўлган аёлларининг олдида тунаб қолар эдилар”. Абу Довуд ривояти, 2135-ҳадис.

2 Бухорий (267) ва Муслим (849) ривояти.

3 Бухорий ривояти, 3424.

4 Муслим ривояти, 308.

5 Бухорий (5165) ва Муслим (1058) ривояти.

Бегона аёлга мафтун бўлган кишини ўз хотини билан яқинлик қилишга ундаганлари

Жобир разияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда келишича, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг кўзлари бир аёлга тушиб қолди. Шунда дарҳол уйларига келдилар. Онамиз Зайнаб разияллоҳу анҳонинг куни бўлиб, у терини ошлаш учун ивитиб, ишқалаб ўтирган экан. У билан яқинлик қилиб, ҳожатларини ўтадилар. Сўнг саҳобаларнинг олдига чиқиб: *“Хотинлар (васваса қилиш ва шаҳватни кўзғаш борасида худди) шайтон суратида келади ва шайтон суратида кетади. Кўчада биронтангизнинг кўзи бир аёлга тушиб қолса, уйига келиб, хотини билан яқинлик қилсин. Шундай қилиши қалбига келган ғулғулани қайтаради”*, дедилар¹.

Ҳадиснинг Имом Муслимга оид ривоятларидан бирида қуйидагича келган: *“Биронтангизни бир аёл мафтун қилса ва қалбида қўшилишга мойиллик туғилса, дарҳол аёли билан қўшилсин. Шу иш қалбига келган нарсани қайтаради”*².

Имом Нававий раҳимаҳуллоҳ ушбу ҳадис шарҳида бундай деган: *“Уламолар айтадилар: Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам саҳобаларга шундай пайтларда нима қилиш кераклигини кўрсатиб, тўғри йўл ва тўғри ечимни ўргатдилар. Уларга ҳам сўз билан, ҳам амалий тарзда таълим бердилар. Бу ҳадисдан олинадиган фойдалардан яна бири – киши аёлига кундузими, кечасими, истаган пайт яқинлик қилиши жоизлигидир. Хотин бирон юмуш билан банд бўлса ҳам агар қилаётган иши ўта зарур иш бўлмаса, кутдирмай дарҳол эрининг ҳожатини қондириши керак бўлади. Акс ҳолда, эр жўшган шаҳватини кечиктириши боис баданига, қалбига ва кўзига зарар етиб қолиш эҳтимоли кўпаяди, валлоҳу аълам”*.

Эр тўшакка чорлаганда аёлнинг бош тортиши катта гуноҳ экани

Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам эри билан қўшилишдан бош тортадиган аёлни қаттиқ огоҳлантирганлар.

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бундай деганларини айтади: *“Эр тўшакка чорлаганида аёли бош тортса, тонгга қадар фаришталар у аёлга лаънат айтиб чиқади”*³.

Бошқа ривоятда бундай деганлар: *“Аллоҳга қасамки, қайси бир эр хотинини тўшакка чорлаганида аёли бош тортса, то эрини рози қилмагунча осмондаги Зот унга ғазаб қилади”*⁴.

Аёллар билан фитналаниб қолишдан огоҳ этиш

1 Муслим ривояти, 3/550.

2 Муслим ривояти, 3/551.

3 Бухорий (5193) ва Муслим (1060) ривояти.

4 Муслим ривояти, 3/611.

Эр-хотин ўртасидаги муҳаббат бир-бирини рози қилиш йўлида Аллоҳ ҳалол қилган нарсаларни ҳаром ёки Аллоҳ ҳаром қилган нарсаларни ҳалол санашга ё гуноҳга қўл уришга олиб бормаслиги шарт. Аллоҳ таоло Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламга танбеҳ бериб деди: **“Эй Пайғамбар, нега хотинларингиз розилигини истаб, Аллоҳ ҳалол қилган нарсани ўзингизга ҳаром қиласиз?! Аллоҳ гуноҳингизни кечирувчи ва сизга раҳмли зотдир. Эй мўминлар, Аллоҳ сизларга қасамларингиздан халос бўлиш учун каффоратни жорий қилди. Қасамнинг каффорати ўнта мискинга таом бериш ё уларни бир сидра кийинтириш ёки бир қул озод қилишдир. Ким бу айтилганларни қилишга имконият тополмаса, уч кун рўза тутати. Аллоҳ сизларга ёрдам берувчи ва ишларингизни бошқарувчидир. У сизларга нима яхши эканини билади ва ўшани сизларга жорий қилади. Аллоҳ сўзларида ҳам, ишларида ҳам ҳикматли зотдир”** (Таҳрим, 1-2).

Икки “Саҳиҳ” да келган ҳадисда Ойша разияллоҳу анҳо айтади: “Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Зайнаб бинти Жаҳшнинг уйида асал ер ва унинг олдида кўп қолиб кетар эдилар. Мен ва Ҳафса Пайғамбар алайҳиссалом қай биримизнинг олдида кирсалар: “Мағфир1 едингизми? Сиздан мағфир ҳиди келиб турибди”, дейишга келишиб олдик. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: *“Йўқ, мағфир емадим. Зайнаб бинти Жаҳшни уйида асал еган эдим. Энди асло уни емайман. Фақат емасликка қасам ичганимни ҳеч кимга айтма”*, дедилар”².

Анас разияллоҳу анҳу айтади: “Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг чўрилари бор эди. У билан қўшилиб турардилар. Ойша билан Ҳафса Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам у чўрини ўзларига ҳаром қилишларига қаттиқ уринишди, охири Набийимиз уни ўзларига ҳаром қилдилар. Шунда Аллоҳ таоло: **“Эй Пайғамбар, нега хотинларингиз розилигини истаб, Аллоҳ ҳалол қилган нарсани ўзингизга ҳаром қиласиз?”** (Таҳрим, 1) оятини нозил қилди”³.

Шундай ҳолатлар бўлиб қолиши мумкинлиги учун ҳам Аллоҳ таоло аёллар фитнасига тушиб қолишдан эрларни, эркалар фитнасига тушиб қолишдан эса аёлларни огоҳлантирди.

Аллоҳ таоло деди: **“Эй Аллоҳ ва Расулига иймон келтирганлар, аёлларингиз ва фарзандларингиз ичида сизларни Аллоҳнинг йўлидан тўсадиган ва Унинг тоатидан сусайтирадиган душманларингиз бор. Улардан эҳтиёт бўлинг ва уларга итоат этманг”** (Тағобун, 14).

1 Дарахтдан оқадиган таъми ширин, бироқ ҳиди ёқимсиз елим.

2 Бухорий (“Фатҳ ал-Борий”, 8/656) ва Муслим (1100) ривояти.

3 Ҳоким (“Мустадрок”, 2/493) ва Насоий (“Сунан”, 627) ривояти.

Бошқа оятда бундай деди: **“Одамларга хотинларни яхши кўриш чиройли қилинди”** (Оли Имрон, 14).

Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: *“Ўзимдан кейин эркакларга аёллардан кўра зарарлироқ фитна қолдирмадим”*¹.

Бошқа ҳадисда эса бундай дедилар: *“Дунёга (берилиб кетишдан) сақланинг ва аёллар (фитнасидан) эҳтиёт бўлинг. Чунки Бани Исроилнинг илк фитнаси аёллар орқали бўлган”*².

Шундай экан, ҳар бир мусулмон бу зарарли фитнага тушиб қолишдан ўта ҳазир бўлсин.

Одамлар орасида хотинини ортиқча севиши ота-онасига оқ бўлиш, қариндошлардан алоқаларини узиш ва ерда бузғунчилик қилиш каби салбий ҳолатларга олиб борадиганлар бор. Аллоҳ таоло айтганидек, бундайлар шубҳасиз лаънатга гирифтор бўлади: **“Сизлар (Китоб ва Суннатдан) юз ўгирсангиз, катта эҳтимолки, ерда Аллоҳга осийлик қиласиз, қариндош-уруғларингиз билан алоқани узасиз. Ундай кимсаларни Аллоҳ лаънатлаган ва ўзлари учун фойдали нарсаларни эшитмайдиган ва кўрмайдиган қилиб қўйган”** (Муҳаммад, 22-23).

Яна бир оятда бундай деган: **“Бахтиқаро кимсалар Аллоҳга берган аҳдларини қатъий таъкидлаганларидан кейин бузадиган кимсалардир. Улар Аллоҳ таоло боғлашни буюрган қариндошлик ва бошқа алоқаларни узадиган, ерда гуноҳлар билан бузғунчилик қиладиган кимсалардир. Мана шундай қабих сифатларга эга бўлган ўша кимсалар учун лаънат – Аллоҳнинг раҳматидан қувилиш ҳамда охиратда шиддатли азоб бор”** (Раъд, 25).

Одамлар орасида севган хотинининг орзу-ҳавасини қондириш, унинг оч нафсини тўйдириш учун ҳаромга қўл урадиган, ҳаромдан пул топадиганлар бор.

Одамлар орасида хотинининг макр-ҳийласига алданиб, қўни-қўшнисини, маҳалла-қўйидаги кишилар билан жанжаллашиб, юз кўрмас бўлиб кетадиганлар бор.

Бундай ишлардан мусулмон киши узоқ бўлиши, четланиши лозим. Агар хотинида бирон ножўя хатти-ҳаракатни кўрса ё бирон ёмон хулқни пайқаса, дарҳол унинг қўлидан тутсин, бундан қайтарсин. Унга бўлган муҳаббати мункарни қайтаришдан тўсиб қўймасин.

Аёл хато қилса тўғрилаш, зулм қилса тўхтатиш ҳақида

1 Бухорий (5096) ва Муслим (2740) ривояти.

2 Муслим ривояти, (2742).

Юқорида айтиб ўтганимиздек, аёл заифалик қилиб адашса, хатокамчиликка йўл қўйса, эр уни йўлга солади, одоб-ахлоқ ўргатади, чунки эр хотини устида раҳбардир. Ойша разияллоҳу анҳо мўминлар онаси София бинти Ҳуяй разияллоҳу анҳонинг бўйи пастлигига ишора қилиб: “Софиянинг шундайлиги етарли (айбдир)” деганида Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: *“Сен шундай сўз айтдингки, агар денгиз сувига аралаштирилса унинг (ранги ва таъмини) ўзгартириб юборарди”*, деб айтганлар¹.

Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Ойша разияллоҳу анҳони қанчалик яхши кўришларига қарамай унинг муслима дугонаси шаънига нолойиқ сўз айтишига, ғийбат қилиб кундошининг гўштини ейишига жим қараб турмадилар, балки айтган сўзининг ёмон эканини, ғийбатлигини баён қилдилар.

Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Ойша разияллоҳу анҳо онамизнинг уйида расмий ёстиқни кўрганларида ғазаб аломатлари юзларида зоҳир бўлди ва то ёстиқни олиб ташламагунича уйга кирмадилар.

Ойша разияллоҳу анҳо суратлари бўлган ёстиқ сотиб олди. Бу ёстиқни Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам кўрдилар ва уйга кирмай, эшик олдида туриб қолдилар. Мен: “Эй Расулulloҳ, қилган гуноҳимдан Аллоҳ ва Расулига тавба қиламан. Қандай гуноҳ қилдим?” дедим. У зот: *“Бу ёстиқ нимаси?”* дедилар. Мен дедим: *“Уни ўтиришингиз ва унга ёнбошлашингиз учун сотиб олган эдим”*. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: *“Бундай суратларнинг эгалари қиёмат куни азобланадилар. Уларга: “Яратган нарсаларингизга жон киритинг”, дейилади”*. Яна дедилар: *“Суратлар бор уйга фаришталар кирмайди”*².

Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Ойшага бўлган муҳаббатлари унга нисбатан адолат билан муомала қилишдан, кези келганда жазолашдан ҳам тўсмади.

Анас разияллоҳу анҳу айтади: “Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам аёлларидан бирининг уйида ўтирган эдилар. Бошқа бир аёллари у зотга бир идишда таом юборди. Уй соҳибаси бўлган аёллари таомни келтирган хизматчининг қўлига бир урган эди, идиш синиб ичидаги таом тўкилди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам синган идиш парчаларини бирлаштирдилар ва унга идишдан тўкилган таомни сола туриб: *“Онанинг рашк қилди”*, деб қўйдилар. Таом олиб келган хизматчини кетказмай туриб, синган идиш ўрнига бошқа бутун идиш беришни айтдилар ва таом юборган аёлларига

1 Термизий (2502).

2 Бухорий (“Фатҳ ал-Борий”, 4/325) ва Муслим (8/213) ривояти.

бутун идиш қайтардилар, синган идишни эса идишни синдирган аёлларига қолдирдилар¹.

Шунга ўхшаш ҳадис Имом Насоий ривоятида ҳам саҳиҳ санад билан келган. Ҳадисда келишича, Умму Салама разияллоҳу анҳо Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга ва саҳобаларга бир идишда таом олиб келди. Шу пайт кийимга ўралган Ойша разияллоҳу анҳо кириб келиб, қўлидаги тош билан таом солинган идишни урган эди, идиш иккига бўлиниб кетди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам иккига бўлинган идиш парчасини бирлаштириб: *“Қани, таомга марҳамат қилинглар, онангиз рашк қилди”*, деб икки бор айтдилар. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бўлинган идиш ўрнига Ойша разияллоҳу анҳодан бутун идиш олиб, Умму Салама разияллоҳу анҳога юбордилар, бўлинган идишни эса Ойшага бердилар².

Бошқа ҳадисда Ойша разияллоҳу анҳо бундай дейди: “Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга ҳазира (қиймали атала) пишириб келдим. Бизнинг уйга Савда келган эди. Расулulloҳ у билан менинг ўртамизда ўтирган эдилар. Мен Савдага: “Овқатдан енг”, дедим. У ейишни истамади. Мен: “Ё овқатдан ейсиз, ё бўлмаса шу овқатни юзингизга суртаман”, дедим. Барибир емади. Шунда овқатдан олиб, Савданинг юзига чаплдим. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам кулдилар ва қўллари билан овқатдан олиб Савданинг қўлига солдилар-да: *“Сен ҳам унинг юзига чапла”*, дедилар. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай кулиб турганларида уйимиз олдидан “Абдуллоҳ, ҳой Абдуллоҳ”, деб Умар ўтиб қолди. Расулulloҳ уни кириб қолади деб ўйлаб, бизга: *“Туриб юз-қўлингизни ювиб олинглар”*, дедилар. Ойша разияллоҳу анҳо айтади: “Расулulloҳдек зот ҳайбатланганлари учун мен ҳам ҳанузгача Умардан ҳайбатланаман”³.

Эрни рози қилишнинг ҳам чегараси бор

Хотин эрни рози қиламан, кўнглини оламан деб ҳаром ишга қўл урмасин. Ким одамларни рози қиламан деб Аллоҳни норизо қилса, Аллоҳнинг ғазабига қолади. Аммо, гарчи одамлар норози бўлса-да, Аллоҳнинг розилигини ўйлаган кишидан эса Аллоҳ рози бўлади ва одамларни ҳам ундан рози қилиб қўяди.

Аёл киши эри учун зийнатланиши, ясан-тусан қилиши жоиз экани юқорида ўтди. Зеро, Аллоҳ гўзалдир, гўзалликни яхши кўради. Аллоҳ тоало деди: **“Эй Пайғамбар, мушрикларга айтинг: “Аллоҳ тоало сизлар учун зийнат қилиб**

1 Бухорий ривояти, 5225.

2 Насоий ривояти, 7/70.

3 Муснади Абу Яъло, 7/449. Ҳадис санади ҳасан.

қўйган бу гўзал либосларни, сизларга ризқ қилиб берган ҳалол-пок нарсалардан тановул қилишни ким сизларга ҳаром қилди?!" Эй Пайғамбар, мушрикларга айтинг: "Аллоҳ ҳалол қилган либослар ва егуликлар дунё ҳаётида мўминлар учун бўлиб, бошқалар ҳам бунда уларга шерик бўлади. Қиёмат куни эса фақат мўминларнинг ўзига хос бўлади. Аллоҳ таоло биладиган ва англайдиган қавмлар учун оятларни ана шундай батафсил баён қилади" (Аъроф, 32). Лекин ҳаром нарсалар билан зийнатланиши мумкин эмас. Қошини териши, ясама хол қўйиши, ҳар хил татуировкалар қилдириши, шунингдек, соч улатиши ва чирой учун тишларининг орасини очтириши жоиз эмас. Шуларнинг қай бирини қилса ҳам лаънатга қолади.

“Саҳиҳайн”да¹ Алқама раҳимаҳуллоҳдан келган ҳадисда Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳу вашм² қилувчи ва вашм қилдирувчи, қош терувчи ва қош тердирувчи, чирой учун тиш орасини очувчи³, Аллоҳнинг яратганини ўзгартирувчи аёлларни лаънатлади. Шунда Умму Яъқуб: “Бу нимаси?” деганида улуғ саҳобий: “Расулulloҳ лаънатлаган ва Аллоҳнинг китобида ҳам зикр қилинган бундай аёлларни нега мен лаънатламай?!” деди. Умму Яъқуб: “Аллоҳга қасамки, мен Қуръонни бошидан охиригача ўқиб чиқдим, лекин буни топмадим”, деди. Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳу: “Қуръонни фикр билан ўқиганингда ушбу оятни топган бўлардинг: **“Пайғамбар сизларга нимани берса ёки нима ҳукмни жорий қилса, уни олинглар, сизларни нимани олишдан ёки қилишдан қайтарса, ундан тийилинглр”** (Ҳашр, 7).

Шунингдек, соч улаши ҳам жоиз эмас. Чунки Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам соч улаган ва соч улатган аёлларни лаънатлаганлар. Ойша разияллоҳу анҳодан келган саҳиҳ ривоятда айтилишича, ансорлардан бўлган бир аёл қизини турмушга берди. Иттифоқо қизининг сочи тўкилиб, сийраклашиб қолди. Шунда у аёл Набий саллаллоҳу алайҳи ва салам хузурларига келиб ҳолатни тушунтирди ва: “Кувёмим: қизингизга соч улатинг, деб айтди”, деди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салам: *“Йўқ, ундай қилма. Чунки соч улатувчи аёллар лаънатлангандир”*, дедилар⁴.

Яна ҳушёр бўлиш лозим бўлган ҳаром ишлардан бири: хотин ҳайзли ҳолида эри жинсий яқинлик қилишга чорласа, асло рози бўлмаслиги керак. Бундай ҳолатда эрга итоат қилинмайди. Ҳайз ҳолатида аёлига яқинлик қилишдан Аллоҳ таоло қаттиқ қайтарган: **“Эй Пайғамбар, сиздан ҳайз ҳақида**

1 Икки саҳиҳ (Бухорий ва Муслим ҳадис тўплами).

2 “Вашм” ясама хол қўйишдир. Аёлларнинг сохта чирой иштиёқида баданларининг турли жойларига игна санчиб қон чиқариши, сўнг жароҳат ўрнига сурма ёки шунга ўхшаш бирор нарса сепаиб, ясама хол ёки ҳар хил нақшлар пайдо қилиши вашм дейилади.

3 Ёш ва чиройли кўриниш учун арралаб ё эговлаб тиш орасини очувчи аёллар. Аммо тиббий тарафдан эҳтиёж бўлса, яъни тиш ноодатий катта ё қийшиқ бўлиб, азият етказаяётган бўлса бундан мустаснодир.

4 Бухорий (5205) ва Муслим (1677) ривояти.

сўрайдилар. Уларга айтингки, у ёқимсиз ва яқинлик қилган кишига зарарли нарсадир. Ҳайз пайтида аёлларингизга қўшилишдан сақланинглр. Қон тўхтаб, ғул қилганларидан сўнг Аллоҳ ҳалол қилган ўринга қўшилинглр. Аллоҳ истиғфор ва тавбани кўпайтирувчи бандаларини ҳамда фаҳш ва жирканч нарсалардан ўзларини узоқ тутадиган покиза бандаларини яхши кўради” (Бақара, 222).

Шунингдек, эр хотинининг орқасига яқинлик қилишни талаб қилса итоат этмасин. Чунки Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай иш қилган кишини лаънатлаганлар.

Хотин эрига бегона бўлган аёлларнинг сифатларини бирон эҳтиёжсиз айтиши жоиз эмас. Чунки бу иш нохуш ҳолатларга ва ҳатто ҳаромга ҳам олиб бориши мумкин. Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: *“Аёл бошқа аёлнинг баданини тўсиқсиз ушламасинки, ўз эрига унинг сифатларини айтиб берса, ўша эр у аёлга худди қарагандек бўлади”*¹. Яъни баданининг силлиқлиги, кўриниши ва қадди-қоматининг гўзаллигини сифатлаши билан эрининг қалбига ғулғула солиб қўйишига, натижада эрнинг хаёли ўша аёлга кетиб қолишига, аёлини талоқ қилиб, ўша аёлга уйланишни ўйлаб қолишига сабаб бўлиши мумкин.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, гуноҳ ишларда эр хотинининг кўнглига қараши, хотин ҳам эрига итоат этиши мумкин эмас. Ана шунда ўрталарида муҳаббат бардавом бўлади. Муҳаббат Аллоҳ азза ва жалла ато этган неъматдир. Бу неъматни гуноҳ-маъсиятлар кетказиб юборади. Аллоҳ таоло деди: **“Эй одамлар, сизларга бирор мусибат етган бўлса, фақат қилган гуноҳларингиз сабабли етади. Тағин ҳам Раббингиз кўп гуноҳларингизни афв этади ва улар учун сизларни жазоламайди”** (Шўро, 30).

Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: *“Итоат – гуноҳ бўлмаган ва фақат яхши ишлардагина бўлади”*².

Ўртача бўлиш кераклиги

Эр-хотин ўзаро муомалада ўртача бўлиши мақсадга мувофиқ. Бунга Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам суннатларидан талай далиллар бор.

Абу Жухайфа разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Салмон ва Абу Дардо разияллоҳу анҳумони биродар тутинтирдилар. Кунларнинг бирида Салмон разияллоҳу анҳу Абу

1 Бухорий ривояти. “Фатҳ ал-Борий”, 9/338.

2 Бухорий ривояти, 7257.

Дардо разияллоҳу анҳуни кўргани келганида Умму Дардони эски кийимда (яъни иш кийимида, ўзига қарамаган ҳолда) кўрди. Салмон разияллоҳу анҳу: “Нега бундай аҳволдасиз?” деб сўраган эди, Умму Дардо: “Биродарингиз Абу Дардонинг дунё билан иши йўқ”, деди. Бир оз ўтмай Абу Дардо разияллоҳу анҳу келди ва тезда биродарига егулик ҳозирлаб олдига қўйди. Салмон: “Қани, ўзингиз ҳам олинг”, деган эди, Абу Дардо: “Мен рўза тутгандим” деб жавоб берди. Шунда Салмон разияллоҳу анҳу: “Ўзингиз ҳам емагунингизча мен ҳам емайман”, деди. Ноилож Абу Дардо ҳам таомдан еди. Кеч киргач Абу Дардо таҳажжуд ўқиш учун турмоқчи эди Салмон разияллоҳу анҳу: “Бир оз ухланг”, деди. Озроқдан сўнг яна турмоқчи бўлганида: “Яна бир оз ухланг”, деди. Ниҳоят кечанинг охириги қисми бўлгач: “Ана энди турсак бўлади”, деб турдилар ва бирга намоз ўқидилар. Салмон Абу Дардога: “Зиммангизда Аллоҳнинг ҳаққи бор, ўз танангизнинг ҳам ҳаққи бор, аёлингизнинг ҳам ҳаққи бор. Шундай экан, ҳар бир ҳақ эгасига ҳаққини адо этинг”, деди. Абу Дардо разияллоҳу анҳу бу гапни Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга айтганида у зот: *“Салмон тўғри айтибди”*, дедилар”¹.

Яна бир ҳадисда Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос разияллоҳу анҳумо айтади: “Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам менга: *“Эй Абдуллоҳ, менга айтишларича, сен кундузи рўзадор, кечаси эса намозда бедор экансан”*, дедилар. Мен: “Ҳа, шундай, ё Расулulloҳ”, дедим. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: *“Бундай қилма. Балки, рўза ҳам тут, оғзинг очиқ ҳам бўлсин. Кечаси бедор ҳам бўл, ухлаб дам ҳам ол. Чунки зиммангда жасадингнинг ҳам ҳаққи бор, кўзингнинг ҳам ҳаққи бор, аёлингнинг ҳам ҳаққи бор, меҳмонингнинг ҳам ҳаққи бор...”*, дедилар”².

Қаттиққўл, қўпол ва бахил бўлишнинг ёмон оқибати

Эрнинг қаттиққўл ва қўполлиги айрим ҳолларда хотинни ёлғон гапиришга олиб борса, унинг бахил бўлиши хотинни ўғрилиқка етаклайди.

Инсончилик, ҳаммада ҳам камчилик бор, ҳар қандай аёл ҳам камчиликдан холи эмас. Шундай экан, инсонлигига бориб хотин уйда бирон хатога йўл қўйса, ўша заҳоти эридан дакки эшитса, қўпол ва қаттиқ муомалага дуч келаверса, хатоларини яширишга, эрига ёлғон гапиришга мажбур бўлиб қолади.

Шу ўринда бир келиннинг фатво сўраб юборган хатини ва унда ёзилган воқеани сиз азиз ўқувчига айтиб беришни лозим топдим.

1 Бухорий ривояти, 1968.

2 Бухорий (1975) ва Муслим (817) ривояти.

Келин айтади: Мен ўн етти йил олдин катта бир гуноҳ қилиб қўйганман. Қачон ўша ишимни эсласам, дунё кўзимга тор бўлиб кетади, ичим тирналиб, қаттиқ қийналаман. Қисқача айтадиган бўлсам, эрим билан илк турмуш қурган пайтимизда қайнонам билан бирга яшар эдик. Қайнонам менга нисбатан ўта қаттиққўл эди. Ҳар бир ишда мени тергар, гўё хато қилишимни пойлаб тургандек, бирон хато қилиб қўйсам, аямай жеркиб ташларди. Ҳатто мендан бирон камчилик содир бўлмаса ҳам яхши муомала кўрмасдим. Киргану чиққанни ҳисоблаб, нима едим, нима ичдим, қанча едим, қанча ичдим, текшириб турарди. Бир куни товуқ олиб келиш учун мени бозорга юборди. Қайнонам товуқни жуда яхши кўрар эди. Шуни билганимдан товуқни сотиб олгач, уни рўмолим билан ўраб кўтариб келдим. Аксига олиб, бозордан уйга келгунимча товуқ жонивор йўлда ўлиб қолди. Қўрққанимдан эсанкираб, нима қилишни билмай қолдим. Энди қайнонамга нима дейман? Саросимада хато қарор қабул қилдим. Тезда уйга кириб, ошхонага югурдим. Ўлик товуқни сўйиб, майдалаб қозонга босдим. Ҳиди келмасин деб зираворлар сепдим. Табиийки, қайнонамга товуқнинг ўлиб қолганини айтмадим. Овқат пишгач қайнонамни чақириб: “Мана ойижон, товуқ пишди. Ҳаммаси сизга, болалар келмасидан еб олинг”, дедим. Қайнонам товуқ гўштининг ҳаммасини еб, шўрвасини ичиб олди. Шу қилган гуноҳим кечириладими, тавбам ўтадимми?

Жавоб: Ҳа, албатта ўтади. Аллоҳ таоло тавба эшигини очиб қўйган ва бу эшик қуёш кунботардан чиқмагунича ёпилмайди. Аллоҳ таоло кундузи гуноҳ қилиб қўйган банда тавба қилиб қолиши учун кечаси қўлини ёзиб туради ва кечаси гуноҳ қилган банда тавба қилиши учун кундузи қўлини ёзиб туради. Аллоҳ таоло деди: **“Эй Пайғамбар, кўп гуноҳлар қилиш билан ўз жонларига зулм қилган бандаларимга айтинг: “Сизлар гуноҳимиз кўп деб Аллоҳнинг раҳматидан умидсиз бўлманг. Шубҳасиз, Аллоҳ ҳар қанча гуноҳ қилган кишини ҳам тавба қилса ва гуноҳларидан қайтса, барча гуноҳини кечиради. У тавба қилувчи бандаларининг гуноҳларини кечирувчи ва уларга раҳмли зотдир”** (Зумар, 53).

Бу воқеани келтиришдан мақсадим қаттиқлик ва бераҳмлик одамни нима кўйга солишига, қўполлик нималарга олиб боришига эътиборни қаратиш эди.

Энди эрнинг бахил бўлишига келсак, бу гоҳида хотиннинг ўғрилиқ қилишига сабаб бўлади. Ойша разияллоҳу анҳо айтади: “Ҳинд бинти Утба Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламга: “Эй Расулulloҳ, эрим Абу Суфён бахил инсон. Ўзимга ва болаларимга етарли нафақа бермайди. Рўзғоримга етарли маблағни унга билдирмай олсам бўладими?” деганида Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: *“Ўзингга ва болаларингга етарлисини шарият ва урф доирасида олавер”*, деб жавоб бердилар”¹.

1 Бухорий (5364) ва Муслим (1339) ривояти.

Имом Бухорий шу ҳадисдан келиб чиқиб: “Эр хотинига нафақа бермаса, хотин эрига билдирмай, шариат ва урфга кўра ўзи ва боласига етарли маблағни олиши мумкин” номли боб ажратган.

Яхши гумон билан бирга эҳтиётли бўлиш

Эр хотинига нисбатан яхши гумонда бўлиши лозим ва шу билан бирга бузғунчилик ва шариатга хилоф ишларга сабаб бўлувчи ҳолатлардан уни узоқ тутиши зарур.

Аллоҳ таоло хотинга нисбатан яхши гумонда бўлишга ундаб деди: **“Мўмин ва мўминалар бу бўҳтонни эшитган пайтларида бир-бирларига яхши гумонда бўлиб, бир-бирларини бу бўҳтондан саломат деб гумон қилсалар бўлмасмиди?!”** (Нур, 12).

Бошқа оятда бундай деган: **“Эй иймон келтирганлар, мўминларга нисбатан кўп ёмон гумонлардан сақланинглар. Баъзи ёмон гумонлар гуноҳдир”** (Ҳужурот, 12).

Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинган ҳадисда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар: *“Агар биронтангиз сафарда узоқ қолиб кетса, уйига тунда келмасин”*¹. Яъни аёлини ўзига оро бермаган ҳолда кўриб, ундан кўнгли қолмасин деб шундай дедилар.

Эҳтиётли бўлишга келсак, Уқба ибн Омир разияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: *“Бегона аёллар олдида ёлғиз киришдан сақланинглар”*, дедилар. Ансорлардан бир киши: “Эй Расулulloҳ, эрнинг ака-укалари ҳақида нима дейсиз?” деб сўради. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам: *“Эрнинг ака-укаси ўлимдир”*, дедилар². Яъни аёлнинг қайин ака-укалари олдида ҳижобга эътиборсизлиги ортидан келадиган нохуш ҳолатлар бошқа бегона эркаклар хатаридан кўпроқдир. Кўпчилик бунга бепарво қараганидан, эрининг ака-укаси, жиянлари ё амакиси кабилар билан хиёнат қилиш ҳолатлари содир бўлиб туриши йўқ эмас.

Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинган ҳадисда эса Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам: *“Ҳеч бир киши номаҳрам аёл ҳузурига ёлғиз ўзи кирмасин. Курса фақат маҳрами билан бирга кирсин”*, дедилар³.

1 Бухорий ривояти, 5244.

2 Бухорий (5232) ва Муслим (1711) ривояти.

3 Бухорий (5233) ва Муслим (978) ривояти.

Яхши гумонда бўлиш ва эҳтиёткорлик оқила аёл Асмо бинти Умайс билан содир бўлган воқеада аниқ намоён бўлади. Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: “Бани Ҳошимлик бир неча эркак Асмо бинти Умайсининг ҳузурига кирдилар. Шу аснода Абу Бакр разияллоҳу анҳу ҳам кириб келди¹, ўшанда Асмо унинг никоҳида эди. Абу Бакр уларни кўриб, бу ҳолни ёқтирмади ва буни Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга айтиб: “Лекин бирон ножўя нарса кўрмадим, фақат яхшилиқни кўрдим”, деди². Шунда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Аллоҳ таоло Асмони (Абу Бакр қалбига келган гумондан) *поклаб қўйди*”, дедилар. Сўнг минбарга чиқиб: “*Бугундан кейин ҳеч ким эри уйда йўқ бўлган аёл ҳузурига бир ўзи кирмасин. Кирса ёнида бир ёки икки киши билан кирсин*”, дедилар”³.

Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Асмо бинти Умайсдан ёмон гумонларни кетказиш, унинг ножўя иш қилмайдиган покдомон аёл эканини баён қилиш билан бирга, умматларига улар эҳтиёт бўлишлари лозим бўлган, шайтони лаиннинг васваса қилишига имкон қолдирмайдиган йўлни кўрсатиб кетдилар. Зеро, эр-хотинни ажратадиган, оилаларни бузадиган, уйларни хароб қиладиган сабаблардан бири шубҳа ва васвасадир. Эр киши хотини ҳақида доим шубҳа билан яшаши дуруст бўлмайди. Лекин шу билан бирга “Хотинимдан кўнглим тўқ” деб, хотинини билганини қиладиган, хоҳлаган ерига бориб-келадиган ва истаган одами билан ёлғиз қоладиган даражада ўз ҳолига ташлаб қўймайди.

Шу ўринда Асмо бинти Умайс разияллоҳу анҳо ҳақида қуйидаги ривоятни келтиришни мақсадга мувофиқ деб билдим. Омир Шаъбий айтади: “Али ибн Абу Толиб разияллоҳу анҳу Асмо бинти Умайсга уйланди. Асмонинг Жаъфар ибн Абу Толибдан бир ўғли ва Абу Бакр Сиддиқдан бир ўғли бор бўлиб, иккисининг ҳам исми Мухаммад эди. Бир куни шу икки ўғил бир-бирига: мен сендан кўра, отам эса сенинг отангдан кўра улўроқ, деб мақтаниб қолишди. Буни эшитган Али разияллоҳу анҳу Асмога: “Улар ўртасида ўзинг ҳукм қил”, деди. Асмо: “Мен араблар ичида Жаъфардан кўра яхшироқ йигитни ва Абу Бакрдан кўра яхшироқ ўрта ёшли эркакни кўрмадим”, деди. Али разияллоҳу анҳу: “Бизга ҳеч нарса қолдирмадинг-ку? Бундан бошқа гап айтганингда сени ёмон кўриб қолган бўлардим”, деди. Шунда Асмо: “Сиз шу уч кишининг энг пастроғи бўлганингизда ҳам барчангиз яхши инсонларсиз”, деди⁴.

1 Абу Бакр разияллоҳу анҳу Асмо бинти Умайсга эри Жаъфар ибн Абу Толибнинг вафотидан сўнг уйланган эди. Абу Бакр вафотидан сўнг унга Али разияллоҳу анҳу уйланган.

2 Бани Ҳошимлик эркаклар Асмонинг шаҳид бўлган эри Жаъфарнинг қариндошлари эди. Улар етим қолган жиянлари ҳолидан хабар олгани кирган эдилар.

3 Муслим ривояти, 4/16.

⁴ Ибн Саъд “Табақот” да (8/222) Омир Шаъбийдан ривоят қилган ва Ибн Ҳажар “Исоба” да (8/16) саҳиҳ деган.

Шаъбий бу воқеага бевосита гувоҳ бўлмаган бўлса-да, уни Асмонинг ўзидан, ё бўлмаса унинг ўғилларидан эшитган бўлса керак.

Эр-хотин ўртасида рухсат бўлган ёлғон ҳақида

Эр хотинига марҳаматли бўлиши, унинг кўнглини кўтарадиган, дилини шод қиладиган ва қалбига муҳаббат уруғини сепадиган сўзлар билан эркалаши лозим. Шунингдек, хотин ҳам эрига ширинсўз бўлиши, кўнглини олиши, эрининг қалбида илиқлик, муҳаббат пайдо қиладиган ишларни қилиши керак. Эҳтиёж туғилса эр-хотин бир-бирига ёлғон гапириши ҳам мумкин. Масалан, эр хотинига бўлган муҳаббатини ошириб изҳор қилиши, гарчи у қадар чиройли бўлмаса-да ҳусн-жамолини мақташи, хотин ҳам эрини бироз муболаға қилиб бўлса-да эркалик фазилати ва ҳоказо хислатларини айтиб мақташи жоиз. Буларнинг барига оила мустаҳкам бўлиши, келишмовчиликлар барҳам топиши ва оила ислоҳи учун рухсат берилган. Бўлар-бўлмасга ёлғон гапиришга ҳеч ким учун рухсат берилмаган.

Умму Кулсум бинти Уқба ибн Абу Муайт разияллоҳу анҳодан ривоят қилинган ҳадисда у Расулulloҳ саллаллоҳу алайи ва салламнинг бундай деганларини эшитдим дейди: “(Ёлғон ишлатиб) *одамлар орасини ислоҳ қиладиган, яхшиликни гапирадиган ва (урушганларни яраштириш учун) яхши сўзлар билан чақимчилик қиладиган киши ёлғончи бўлмайди*”¹.

Аммо ҳақ-ҳуқуқлар поймол бўлишига, бировларнинг моли ноҳақ еб кетилишига сабаб бўлувчи ёлғон ҳаромдир.

Асмо бинти Язид айтади, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: “*Ёлғон фақат уч ўринда мумкин: эр хотинини рози қилиш учун ёлғон гапириши, урушда ёлғон гапириш ва одамлар орасини ислоҳ қилиш учун ёлғон гапириш*”².

Имом Нававий раҳимаҳуллоҳ айтади: “Эрнинг хотинига ва аксинча хотиннинг эрига ёлғон гапириши жоиз деганда муҳаббат изҳор қилиш, бажариш вожиб бўлмаган ваъда ва шу каби сўзларни тушунмоқ лозим. Аммо эр ё хотин бир-бирининг ҳаққини поймол қилиш ва ўзига тегишли бўлмаган нарсаларни олиш учун алдов ишлатиши муслмонларнинг ижмоси билан ҳаромдир. Валлоҳу аълам”³.

1 Муслим ривояти, 2605.

2 Термизий (1939) ва Аҳмад (6/454, 459, 460) ривояти.

3 “Шарҳи Муслим”, 5/465.

Ибн Ҳазм раҳимаҳуллоҳ бундай деган: “Эр-хотин ўртасида муҳаббат пайдо бўлишига сабаб бўладиган ёлғон сўзлар ишлатишнинг зарари йўқ”¹.

Хаттобий раҳимаҳуллоҳ бундай деган: “Эрнинг аёлига ёлғон гапириши унга ёлғон ваъдалар бериши, умидвор этиши, қалбидагидан кўра кўпроқ муҳаббат изҳор қилишидир. Шундай қилса, аёли билан ҳаёти давомли бўлишига, унинг хулқ-атвори ўнгланишига эришади”².

Хотинни уриш ҳақида

Аллоҳ таоло деди: **“Хотинларингиз итоатсизлик қилишидан қўрқсангиз, уларга яхши гап билан насиҳат қилинглр. Агар яхши сўз фойда бермаса, у ҳолда тўшакда улардан юз ўғиринглр ва уларга яқинлик қилманглр. Агар тўшакда юз ўғириш ҳам кор қилмаса, у ҳолда зарар бермайдиган қилиб уринглр. Итоат қилсалар, уларга зулм қилишдан сақланинглр! Зеро, олий ва буюк Аллоҳ уларнинг ҳимоячисидир. У аёлларга зулму тажовуз қилган кимсалардан интиқом олади”** (Нисо, 34).

Оятдаги **“итоатсизлик”** деб таржима қилинган **“нушуз”** сўзи аслида кўтарилиш, ошиш деган маънода бўлиб, денгиз ўзанидан тошса, қон босими ошса шу луғат билан ифода қилинади. Итоатсиз хотин – ҳаддидан ошган, эрига бўйнини чўзган, унга хилоф қилишни яхши кўрган хотиндир.

“Насиҳат қилинг” дан мурод эрнинг хотинлар устидаги Қуръон ва Суннатда белгиланган ҳаққи, шунингдек, эрга итоат қилмасликнинг гуноҳи ҳақидаги оят ва ҳадисларни хотинларингизга эслатинг, эшиттиринг деганидир.

“Тўшакда улардан юз ўғиринг” ибораси ҳақида айрим уламолар қуйидагича фикр билдирганлар: “Бундан мурод улар билан жинсий алоқа қилмаслик, бир тўшакда ётса ҳам қўшилмаслик ва орқа ўгириб ётишдир”.

Бошқа баъзи уламолар: **“Тўшакда улардан юз ўғиринг”** деган иборадан улар билан гаплашманг деган маъно англашилади, десалар, яна бир уламолар гуруҳи: “Бундан мурод тўшакда бирга ётмасликдир” дейишган.

Жумҳур уламолар оят зоҳирига кўра, бу ердаги юз ўғиришдан мурод уларнинг олдига кирмаслик, бирга яшамасликдир, деб айтганлар³.

Аёллардан тўшакда юз ўғириш ҳақида келган айрим ҳадисларни зикр қилиб ўтамиз.

Анас разияллоҳу анҳу айтади: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам аёллари олдида бир ой кирмасликка қасам ичдилар. Болохоналарида ётиб юрдилар. Йигирма тўққиз кун ўтгач тушдилар. “Ё Расулуллоҳ, аёлларингиз

1 “Ал-муҳалло”, 10/75.

2 “Авн ал-маъбуд”, 13/263.

3 Бу фикрни Ибн Ҳажар “Фатҳ ал-Борий” китобида (9/301) айтган.

олдига бир ой кирмасликка қасам ичган эдингиз, йигирма тўққиз кун бўлди-ку?” дейилган эди, *“Ой йигирма тўққиз кундир”*, дедилар у зот саллаллоҳу алайҳи ва саллам”¹.

Умму Салама разияллоҳу анҳо деди: “Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айрим аёлларининг олдига бир ой кирмасликка қасам ичдилар. Йигирма тўққиз кун ўтгач, уларнинг олдига кирганларида: “Бизнинг олдимизга бир ой кирмасликка қасам ичган эдингиз”, дейишди улар. Шунда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: *“Ой йигирма тўққиз кун ҳам бўлади”*, дедилар”².

Муовия Қушайрий разияллоҳу анҳу айтади: “Мен: “Эй Расулulloҳ, хотинларимизнинг биздаги ҳаққи нима?” деб сўрадим. Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: *“Ўзинг еганда едириб-ичиришинг, ўзинг кийганда кийинтиришинг, юзига урмаслигинг, “башаранг қурсин” демаслигинг ва аразласанг фақат уй ичида аразлашинг”*, дедилар”³. (Яъни ундан узоқлашмоқчи бўлсанг, бирга ётишни истамасанг, шу ишни уйда қил, хотинингга орқа ўгириб ёт, жуда бўлмаса бошқа тўшакда ёт).

Аввалги ҳадисда Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам аёлларининг уйларида бошқа ерга чиқиб ҳажр қилганлари (аразлаганлари) айтилган эди. Бу ҳадисда эса уйдан бошқа ерда аразлаш жоиз эмаслиги айтилди. Бу икки ҳадисни мувофиқлаштириб, бундай десак бўлади: Ҳукм ҳолатга қараб фарқ қилади. Агар уйдан ташқарида аразлашга эҳтиёж бўлса, уйдан ташқарида, йўқса уй ичида бўлиши лозим. Имом Бухорий раҳимаҳуллоҳ уйдан ташқарида аразлаш ҳақидаги ҳадисни тўғрироқ деб билиб, шунга мойил бўлган.

Аллоҳ таолонинг: “Уларни уринлар” деган сўзи ҳақида

Ҳаддидан ошган хотин насиҳатга кўнмаса, жинсий ҳаётдан маҳрум бўлиш ҳам кўзини очмаса, эр бундай хотинни уришга мажбур бўлади ва у бунга ҳақлидир. Кўпчилик аҳли илмлар шу фикрни билдиришган. Бу ҳақдаги оят сиёқи эр бир вақтнинг ўзида шу уч ишни – насиҳат, тўшакда аразлаш ва уришни жамлаши жоиз эканини кўрсатади.

Уриш тариқаси қандай бўлади, қай даражада урилади? Буни Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Ҳажжатул вадодоғи хутбаларида баён қилганлар. Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳумо Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳажларини зикр қилиб қўйидагиларни айтган эди: Пайғамбар алайҳиссалом одамларга хутба қилдилар. Айтган сўзлари ичида мана бу сўзлар бор эди: *“Аёллар хусусида Аллоҳдан қўрқинлар. Зеро, сизлар*

1 Бухорий ривояти. “Фатҳ ал-Борий”, 9/300.

2 Бухорий (5202) ва Муслим (764) ривояти.

3 Абу Довуд ривояти, 2142.

уларни Аллоҳнинг омонати билан олдингиз, уларнинг жинсий аъзоларини Аллоҳнинг калимаси ила ҳалол қилиб олдингиз. Уларнинг зиммасида сиз ёқтирмаган бирор кишига тўшакларингизга қадам қўйдирмаслик мажбурияти бор. Агар бунга риоя қилмасалар, зарар бермайдиган ҳолда уринглар. Сизнинг зиммангизда эса шарият ва урфга кўра уларни едириб-ичириш ва кийим олиб бериш мажбурияти бор”¹. Зарар бермайдиган қилиб уриш - қаттиқ оғритмайдиган, жароҳатламайдиган ва из қолдирмайдиган уришдир.

Хотинни уриш масаласида айрим ҳадислар бор. Шулардан бири Абдуллоҳ ибн Замъа разияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадис бўлиб, унда Абдуллоҳ ибн Замъа Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хутба қилганларини, хутбада Солиҳ пайғамбарнинг туяси ва уни сўйган киши ҳақида гапириб, бундай деганларини айтган: **“Қабиланинг энг бадбахт кишиси туяни сўйиш учун турди”** (Шамс, 12). Туяни сўйиш учун қўзғалган киши Абу Замъа² каби қавмининг ҳимоясига эга, кучли, ёвуз бир киши эди”, дедилар. Хутбада Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам аёллар ҳақида ҳам гапириб: **“Сизларнинг бирингиз хотинини уришни қасд қилади-да, уни қулни ургандек уради. Кейин эҳтимол кечга бориб, шу хотини билан жинсий алоқа ҳам қилади”**³. Бир-бирига зид бўлган бундай иш ақлли инсондан содир бўлмайди. Кундузи хотинини қул ё чўрини ургандек урса-да, кечаси шу хотини билан қўшилса! Бу хотиннинг ҳис-туйғуси билан ўйнашиш, шаънини ерга уриш эмасми?!

Саҳобалардан Амр ибн Аҳвас разияллоҳу анҳу Ҳажжатул вадодо Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга ҳаж қилган. Шу ҳажда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам хутба қилдилар. Хутбанинг аввалида Аллоҳга ҳамду сано айтдилар, сўнг одамларга панд-насихат қилдилар. Шу насихатлари ичида жумладан бундай дедилар: **“Эй одамлар, ҳушёр бўлинглар. Аёлларга яхши муомала қилинглар. Улар қўлингизда асирадир. Сизлар учун уларга яхши муомала қилишдан бошқа йўл йўқ. Фақат очиқ ёмон ишлар қилишсагина чора кўрсангиз бўлади. Шундай қилгудек бўлсалар, тўшакда улардан юз ўғиринг, жонидан ўтмайдиган қилиб уринг. Агар итоат қилсалар, уларга зулм қилишдан сақланинг. Жазолашга йўл қидирманг. Шуни билингики, аёлларингизда сизнинг ҳаққингиз бўлгани каби уларнинг ҳам сизларда ҳаққи бор. Улардаги ҳаққингиз сиз ёмон кўрган бирор кишига тўшакларингизни бостирмасликлари ва сиз ёмон кўрган кишини**

1 Муслим ривояти. “Шарҳи Нававий”, 3/345.

2 Абдуллоҳ ибн Замъанинг бобоси. Қавмининг бообрў кишиси бўлган, Маккада кофир ҳолда ўлган.

3 Бухорий (4942) ва Муслим (2191) ривояти.

уйингизга киритмасликларидир. Сиздаги уларнинг ҳаққи эса уларни гўзал суратда едириб-кийдиришингиздир”¹.

Иёс ибн Абдуллоҳ ибн Абу Зубоб айтади: Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: *“Аёлларингизни урманглар”*, дедилар. Умар разияллоҳу анҳу Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келиб: *“Хотинлар журъатли бўлиб, эрларига итоат этмай қўйдилар”*, деди. Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам уришга рухсат бердилар. Шундан сўнг Расулulloҳнинг аёллари ҳузурига эри уришидан шикоят қилиб келувчи хотинлар кўпайиб кетди. Шунда Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: *“Пайғамбарнинг аёлларига эрининг уришидан шикоят қилиб келадиган аёллар кўпайиб кетди. Хотинини урадиган эрлар яхшиларингиз эмас”².*

Бўлар-бўлмасга хотинни урмаслик керак. Бошқа чора қолмаган тақдирдагина қўл кўтаришга рухсат бор. Шунда ҳам азоб бермайдиган, кўкармайдиган қилиб урилади. Тарбия уришдан бошланмайди. Олдин ислоҳ йўлларини излаш, насиҳат қилиш, тўшақда бирга ётмаслик билан ўнглашга ҳаракат қилинади. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам хотинларини урмаганлар. Бу ҳақда Ойша разияллоҳу анҳодан ҳадис ривоят қилинган, унда мўминлар онаси бундай деган: *“Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам қўллари билан ҳеч кимни: на хотинни, на хизматчини урмаганлар. Фақат Аллоҳ йўлидаги жиҳоддагина урганлар. Ўзларига етган озор сабабли бировдан ўч олмаганлар. Фақат Аллоҳнинг ҳаққи, буйруқ ва тақиқларига тегишли ўринларда Аллоҳ учун интиқом олганлар”³.*

Келишиб олиш яхшидир

Юқорида айтиб ўтганимиздек, эр-хотин бир-бири билан тинч-тотув ва аҳилликда, ўзаро ҳақларини тўлиқ ўтаган ҳолда ҳаёт кечиришлари мақсадга мувофиқ ишдир. Мабодо келиша олмай, жанжаллашиб қолгудай бўлишса, дарҳол ярашиб олишга ҳаракат қилишлари, бирлари ё ҳар иккиси ўз ҳаққидан воз кечиб бўлса ҳам орани ислоҳ қилишга уринишлари лозим. Аллоҳ таоло: **“Келишиб олиш яхши ва афзалдир”** (Бақара, 128) деб марҳамат этган. Ажрашиб кетгандан кўра келишиб, ярашиб олиш ҳар икки тараф учун ҳам яхшидир. Сулҳ фарзандлар учун ҳам яхшидир. Ота-она ажрашса, болалар ҳам сарсон бўлиб қолади. Отасини деса онаси, онасини деса отаси... Бечоралар икки ўт орасида қоладилар. Сулҳга келиш қудалар учун ҳам яхшидир. Бир оиланинг ажралиши сабабли қудалар ҳам бир-бири билан юз кўрмас бўлиб

1 Термизий ривояти, 1163.

2 Абу Довуд ривояти, 2146.

3 Муслим ривояти, 1814.

кетади. Сулҳга келиш дўстона муносабатлар кучайиши ва қалбларнинг улфат бўлишига сабаб бўлгани боис барча муслмонлар учун ҳам яхшидир.

Сулҳ талоқдан яхшироқ ва афзалроқ ечимдир. Талоқни лаънати шайтон яхши кўради. Талоқ Ҳорут ва Морутнинг амалларидандир. Аллоҳ таоло деди: **“Балки шайтонлар одамларга динларини бузиш мақсадида сеҳр ўргатиб, кофир бўлишди. Шунингдек, яҳудийлар Ироқдаги Бобил ерида икки фаришта Ҳорут ва Морутга Аллоҳ томонидан бандаларга имтиҳон учун туширилган сеҳрга эргашдилар. Бу икки фаришта ҳеч бир кишига насиҳат қилмай ва сеҳр ўрганиш оқибатидан огоҳлантирмай туриб, бирон нарса ўргатмас эдилар, «Сеҳр ўрганиш ва шайтонларга итоат қилиш билан кофир бўлиб қолмагин», дер эдилар. Одамлар бу икки фариштадан эр-хотинни бир-бирига ёмон кўрсатиб, ажраштириб юборадиган нарсаларни ўрганишарди. Аммо сеҳргарлар ҳеч кимга Аллоҳнинг изни ва қазо-қадарисиз бирор зарар етказишга қодир эмаслар”** (Бақара, 102).

Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинган ҳадисда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар: *“Иблис тахтини сув устига ўрнатади. Сўнг аскарларини ҳар тарафга юборади. Улар ичида фитнаси энг катта бўлгани Иблисга энг яқин бўлади. Улардан бири келиб: “Ундай қилдим, бундай қилдим”, деб айтса, Иблис: “Ҳеч нарса қилмабсан”, дейди. Сўнг бошқаси келиб: “Бир кишини хотини билан ажраштириб юбормагунимча қўймадим”, дейди. Шунда уни ўзига яқин тутиб: “Қандай ҳам яхши иш қилибсан”, дейди”¹. Ушбу ҳадис талоқ шайтон яхши кўрадиган ишлардан эканига далолат қилади.*

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳумо хотинларидан бирини талоқ қилди. У хотин: “Менда ўзингиз ёқтирмайдиган бирон нима кўрдингизми?” деб сўраган эди, Абдуллоҳ ибн Умар: “Йўқ, кўрмадим”, деб жавоб берди. Хотин: “Унда нимага ифбатли муслима аёлни талоқ қиласиз?” деди. Бу гапдан сўнг Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳумо уни қайтариб олди.

Сулҳ – келишиб олиш, ярашиш яхши ва афзалдир. Гарчи эр-хотиндан бири айрим ҳақларидан воз кечиши ҳисобига бўлса ҳам.

Аллоҳ таоло айтади: **“Агар бир аёл эрида ўзига нисбатан эътиборсизлик ва ёқтирмаслик пайдо бўлганини билса, эр-хотин кундошлар ўртасидаги тақсимот ёки нафақа каби ишларда ҳар иккиси рози бўладиган нарсага келишиб олсалар, улар учун гуноҳ йўқ. Сулҳ яхшироқ ва афзалроқдир. Нафслар табиатан қизғанчиқ ва бахил қилиб яратилган. Хотинларингизга чиройли муомала қилсангиз, улар хусусида Аллоҳдан кўрқсангиз, албатта Аллоҳ таоло сизлар қилаётган ишларни билиб турувчидир”** (Нисо, 128).

¹ Муслим ривояти, 2167.

Қуйида баъзи уламоларнинг ушбу ояти карима тафсирида айтган сўзларини келтирамиз:

Мўминлар онаси Ойша разияллоҳу анҳо Аллоҳ таолонинг: **“Агар бир аёл эрида ўзига нисбатан эътиборсизлик ва ёқтирмаслик пайдо бўлганини билса”** ояти тафсирида бундай деди: “Бу эри унга кўп ҳам эътибор бермай қўйган, уни талоқ қилиб, бошқа аёлга ўйланишни хоҳлаб қолган аёлдир. Бундай аёл эрига: “Мени талоқ қилманг, хотинингиз бўлиб қолаверай. Устимга хотин олсангиз ҳам майли. Нафақадан ва навбатим кунни меникида тунашдан озодсиз”, деб айтади. Аллоҳ таоло қуйидаги оятда шунга ишора қилган: **“Эр-хотин кундошлар ўртасидаги навбат ёки нафақа каби ишларда ҳар иккиси рози бўладиган ечимга келишиб олсалар, улар учун гуноҳ йўқ. Сулҳ яхшироқ ва афзалроқдир”** (Нисо, 128)¹.

Ибн Жарир Табарий раҳимаҳуллоҳ Ойша разияллоҳу анҳонинг сўзини тасдиқловчи бир қанча ривоятлар келтирган. Сўнг бундай деган: “Аллоҳ таоло бу оятда шуни назарда тутган: Аёл киши эрининг унга нисбатан эътиборсиз бўлиб қолганини ёки ёқтирмай қолганини сезса, бунга аёлнинг хунуклиги ёки ёши катталиги ё бошқа сабаблари бўлса ва эр аёлига рўйхуш бермай қўйса, яхшиликларини дариғ тутса: **“Эр-хотин кундошлар ўртасидаги навбат ёки нафақа каби ишларда ҳар иккиси рози бўладиган ечимга келишиб олсалар, улар учун гуноҳ йўқ”**, яъни бундай ҳолга тушган аёл эридан ажраб қолмаслик, унинг кўнглини юмшатиб, никоҳида қолиши учун навбати ва эрига вожиб бўлган нафақадан кечиб бўлса ҳам келишиб олишининг зарари йўқ. Балки **“Келишиб олиш яхшироқ ва афзалроқдир”**, яъни никоҳ бузилиб, ўртага талоқ тушишидан кўра ён бериш ва айрим ҳақлардан воз кечиш икки тараф учун ҳам яхшидир.

Аллоҳ таолонинг: **“Нафслар табиатан қизғанчиқ ва бахил қилиб яратилган”** деган сўзига келсак, Ибн Жарир бу ҳақда қуйидаги маънони ихтиёр этган: “Кундошлар навбат ва нафақада эрларидан оладиган улушларига қизғаниши аёллар табиатида бор. Қизғаниш ва бахиллик деб бирон нарсага ҳирс қўйишда ҳаддан ошишга айтилади. Бу ўринда хотиннинг эри уникига келадиган кунга ва у берадиган нафақадаги улушига меъёрдан ортиқ ҳирс қўйиши назарда тутилган. Яъни аёлларнинг нафс-ҳавоси эрларининг зиммасида бўлган ҳақ-ҳуқуқларини кундошларидан ҳаддан зиёд қизғанишга табиатлангандир”.

Ибн Жарир яна дейди: “Аллоҳ таолонинг: **“Хотинларингизга чиройли муомала қилсангиз, улар хусусида Аллоҳдан қўрқсангиз”** деган сўздан мурод шуки, ҳой эрлар, агар хотинларингизнинг хунуклигини ё бирон хулқини ёқтирмасангиз ҳам уларга яхшилик қилсангиз, гўзал муомалада бўлсангиз, сабр қилсангиз, ҳақларини тўлиқ ўтасангиз ва улар хусусида Аллоҳдан қўрқиб,

1 Бухорий ривояти, 5206.

уларга зулм қилмасангиз, ёқтирмаган аёлингизнинг навбати келганда уникида тунасангиз, нафақасини берсангиз, яхшилик билан ҳаёт кечирсангиз: **“Албатта Аллоҳ таоло сизлар қилаётган ишларни билиб турувчидир”**, яъни хотинларингизга қилаётган яхшиликларингиз, чиройли муомалангиз ва зулм қилмаётганингизни Аллоҳ билади, Унга ҳеч бир иш махфий қолмайди. Аллоҳ қилган яхшилигингизни муносиб тақдирлайдиган Зот. Ёмонлик қилганларга эса жазо беради, буни ҳам ёдда тутинг”.

Ибн Касир раҳимаҳуллоҳ эса бу оят тафсирида бундай деган: “Хотин эри уни ёқтирмай қолганидан ва ундан юз буриб кетишидан қўрқса, ўз ҳаққидан бутунлай ёки қисман воз кечса зарари йўқ. Шунда эрига вожиб бўлган едириб-ичириш, кийинтириш, навбати кунни уникида тунаш ва бошқа ҳақлардан эрини озод қилади. Эри бу ён беришни қабул қилиш ихтиёрига эга. Хотин ўз ҳақларидан кечиб, уни эрига бағишлашида, эр бу тортиқни қабул қилишида икки тарафга ҳам гуноҳ йўқ. Шунинг учун Аллоҳ таоло: **“Эр-хотин кундошлар ўртасидаги навбат ёки нафақа каби ишларда ҳар иккиси рози бўладиган ечимга келишиб олсалар, улар учун гуноҳ йўқ”** деб, кетидан: **“Келишиб олиш яхшироқ ва афзалроқдир”**, деган. Яъни ажрашиб кетгандан кўра шундай йўл тутган яхши. **“Нафслар табиатан қизғанчиқ ва бахил қилиб яратилган”**, яъни қизғанган нарсасидан воз кечиб, сулҳ қилиш ва оила бузилиб кетиши олдини олиш ажралишдан яхшидир”. Сўзининг давомида Ибн Касир раҳимаҳуллоҳ бунга далил бўладиган бир қанча ривоятларни келтиргач: “Оятдан кўзда тутилган мақсад айна шу эканига хилоф борлигини билмайман”, деди. Валлоҳу аълам.

Сўнг Ибн Касир раҳимаҳуллоҳ оят давомидаги: **“Хотинларингизга чиройли муомала қилсангиз, улар хусусида Аллоҳдан қўрқсангиз, албатта Аллоҳ таоло сизлар қилаётган ишларни билиб турувчидир”** ибораси ҳақида бундай деди: “Хотинларингиздаги ёқимсиз хулқларга сабр қилиш машаққатини кўтарсангиз ва бошқа хотинларингиз каби унга ҳам тўлиқ насиба ажратсангиз, Аллоҳ таоло бу ишингизни билувчи Зот, қилган яхшилигингизга муносиб мукофот беради”.

Қуртубий раҳимаҳуллоҳ ҳам шунга яқин сўзларни айтиб, бироз қўшимча қилган: “Уламоларимиз айтишган: Бундай ҳолатда сулҳнинг ҳар қандай кўриниши жоиздир. Яъни хотин сабр қилиши учун эр нимадир бериб туриши, ёки эр сабр қилиб, ажрашмай никоҳида қолдириши учун хотин нимадир бериши, ёки ҳеч бир эвазсиз шу ҳолатга сабр қилишга келишиб олишлари – буларнинг бари мубоҳдир.

Имом Қуртубий раҳимаҳуллоҳ айтади: **“Нафслар табиатан қизғанчиқ ва бахил қилиб яратилган”** оятида ҳар бир инсонда бахилликдан ўзига яраша насиба борлиги маълум қилинмоқда. Инсон борки, хилқати ва табиатидан келиб чиқиб бахиллик қилади, ҳатто бу бахиллик уни ўзи ёқтирмаган айрим ишларга ундаши мумкин. Ибн Жубайр раҳимаҳуллоҳ: “Оятдаги бахиллик

хотиннинг эр зиммасидаги нафақасига ва навбатига бахиллигидир”, деган бўлса, Ибн Зайд: “Оятдаги бахиллик эрга ҳам, хотинга ҳам тегишлидир”, деб айтган. Ибн Атийя раҳимахуллоҳ шу фикрни маъқуллаб: “Шу гап тўғрироқ, сабаби, кўпинча хотин эридан оладиган насибасига бахиллик қилса, эр ёшроқ хотинидаги улушига қизғанади”, дейди.

Юқорида зикр қилинган тадбирлар кор қилмай, ҳолат эр-хотин ажралишига, оила бузилишига қараб кетса, мусулмон раҳбарлар уларнинг ораларини ислоҳ қилиш учун эр хонадонидан бир, аёл хонадонидан бир адолатли кишини ҳакам қилиб юборсинлар¹. Келишиб олсалар алҳамдулиллаҳ, аммо келиша олмай муаммо боши берк кўчага кириб қолса, шу сабабли эр-хотин Аллоҳнинг буйруқларини бажаришга қодир бўла олмасалар, яъни хотин эрининг ҳақларини ўтай олмайдиган бўлса, эр хотиннинг ҳақларини бажара олмаса, шу сабабли Аллоҳ жорий қилган эр-хотинлик ҳақлари зое бўладиган бўлса, Аллоҳ айтганидек бўлади: **“Эр-хотин ажрашса, Аллоҳ таоло улардан ҳар бирини Ўз фазлу марҳамати билан беҳожат қилиб қўяди. Шубҳасиз, Аллоҳ таоло фазлу марҳамати кенг, ҳикмат соҳиби бўлган зотдир”** (Нисо, 130).

Мўминлар онаси Зайнаб бинти Жаҳш разияллоҳу анҳони ҳам эри Зайд ибн Ҳориса разияллоҳу анҳу талоқ қилган эди. Ҳолбуки, бу икки улўф саҳобийнинг фазилати ва тақвоси ҳеч кимга сир эмас. Аллоҳ таоло деди: **“Зайд аёлини талоқ қилгач ва унинг иддаси тугагач, Биз сизни унга ўйлантирдик. Асранди ўғилнинг талоқ қилган хотинига ўйланиш ҳаромлиги одатини бекор қилишда ўрнатилган бўлишингиз учун ва мўминларга асранди ўғиллари талоқ қилган хотинларга ўйланишда гуноҳ йўқлигини билдириш учун шундай қилдик”** (Аҳзоб, 37).

Шунингдек, эр-хотиннинг бири Аллоҳнинг буйруқларини бажармайдиган ё унга бепарво, Аллоҳнинг неъматларига шукр қилмайдиган ношукр бўлса, бошқаси эса бунинг акси, яъни шариятга амал қилувчи тақводор бўлса, бундай ҳолатда ҳам ажралиб кетиш афзал бўлади. Мана, Иброҳим алайҳиссалом ўғли Исмоил алайҳиссаломга остонасини алмаштиришни насиҳат қилган. Ўғли Исмоил алайҳиссаломнинг уйига келганида унинг хотини Аллоҳнинг неъматларига шукр қилмаётганини кўргач, бундай ношукр хотинни қўйиб юборишни айтган.

Бу ҳақда Абдуллоҳ ибн Аббосдан ривоят қилинган саҳиҳ ҳадис бор. Ибн Аббос разияллоҳу анҳумо Ҳожар алайҳиссаломнинг ҳолати ва Иброҳим алайҳиссалом қиссасини айтиб берган. Иброҳим алайҳиссалом ўғли Исмоил алайҳиссалом ўлангач, оиласидан хабар олгани келади, аммо Исмоилни топа

1 Жумҳур уламолар Аллоҳ таолонинг **“ҳакам юборинглар”** сўзидаги хитоб мусулмон раҳбарларга деб айтган бўлса, бошқа айрим олимлар хитоб эр ва хотинга қаратилган деб айтишган.

олмайди. Келинидан унинг қаерга кетганини сўрайди. Келин: “Бизга ул-бул олиб келгани чиқиб кетди”, дейди. Иброҳим алайҳиссалом уларнинг турмуш тарзи, қандай яшаётганларини сўраганида келин: “Биз жуда ёмон ҳолатдамиз, қийинчилик ва машаққатда кун кечиряпмиз”, деб нолиди. У зот келинга: “Эринг келганда мендан унга салом айт ва яна унга айтиб қўй, эшигининг остонасини ўзгартирсин”, деди. Исмоил алайҳиссалом келгач, ниманидир пайқагандек бўлди ва хотинидан: “Уйга биров келдими?” деб сўради. Хотини: “Ҳа фалон кўринишдаги бир қария келди ва мендан сиз ҳақингизда сўради. Мен тирикчилик учун чиқиб кетганингизни айтдим. Яна мендан турмушимиз ҳақида сўради. Мен унга қийинчиликда яшаётганимизни айтдим”, деди. Исмоил алайҳиссалом: “Сенга бирон нарсани тайинладими?” деб сўраган эди: “Ҳа, сизга саломини етказишимни айтди ва: “Унга айтиб қўй, эшигининг остонасини ўзгартирсин”, деди”, деб жавоб берди хотини. Исмоил алайҳиссалом: “У киши менинг отам бўладилар. Сен билан ажрашишимни буюрибдилар. Сенга жавоб, уйингга кетавер”, деб, хотинини талоқ қилди”¹.

Хотин эрига хизмат қилиши ва эр уй ишларида хотинига ёрдам бериши

Аёл киши уйда имкони борича эрининг хизматини қилиши ва фарзандлар тарбияси билан шуғулланиши лозим. Зеро, аёл киши хонадон бекаси, эрга вафодор ёр, фарзандларига масъул онадир. Саҳобаларнинг аёллари ана шундай бўлишган.

Абу Бакр разияллоҳу анҳунинг қизи Асмо эри Зубайр ибн Аввомининг отини боқиш учун ем-хашагини елкасида кўтариб келар, суғориш учун сувини ташир эди. Асмо бинти Абу Бакр разияллоҳу анҳумо айтади: “Зубайрга турмушга чиққанимда унинг мол-дунёси ҳам, қул-чўриси ҳам бўлмай, фақатгина сув ташийдиган битта туяси ва бир дона оти бор эди. Эримнинг отини боқардим, суғорардим, катта пақири бор эди, тешилса ямардим. Хамир қорардим, лекин нон ёпишни қойиллата олмасдим. Шунинг учун нонни ансорий қўшниларим ёпиб беришар эди. Улар жуда самимий аёллар эди. Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам Зубайрга берган ердан хурмо данакларини териб, бошимда кўтариб олиб келардим. Ер эса уйимиздан тўрт чақиримча узоқда эди”².

Фотима разияллоҳу анҳо қўл тегирмонда ун чиқариб, қийналиб кетгани боис хизматчи сўраб Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам хузурларига келганида у зот: *“Сизлар сўраётган нарсадан кўра ўзингиз учун яхшироқ бўлган нарсани айтайми? Ухлашдан олдин ё тўшакка ётгач ўттиз уч бор “Субҳоналлоҳ”, ўттиз уч бор “Алҳамдулиллаҳ” ва ўттиз тўрт бор “Аллоҳу*

¹ Бухорий ривояти, 3364.

² Бухорий (5224) ва Муслим (2182) ривояти.

акбар” деб айтишингиз сизлар учун хизматчидан кўра яхшидир”, деган эдилар”1.

Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳумо жувонга ўйланганида Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам унга: *“Бокирага ўламабсан-да, бир-бирингиз билан ўйнашиб-кулишиб, вақтичоғлик қилар эдингиз”,* дедилар. Шунда Жобир разияллоҳу анҳу: *“Отам Абдуллоҳ вафот этди, ортидан бир неча сингилларим қолди. Мен шу сингилларим ёнига ўзларига ўхшаш яна бир қизни олиб келишни хуш кўрмадим. Шунинг учун уларни ювиб-тараб, парвариш қиладиган жувонга ўйландим”,* деб жавоб берган эди”2.

Қурайш аёлларини мақтаб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар: *“Туя минган энг яхши аёллар Қурайшнинг солиҳа аёлларидир. Улар ёш болаларига меҳрибон ва эрининг топган мол-мулкини асраб-авайловчидир”3.*

Ўз навбатида эр ҳам хотинига ўй ишларида ёрдамлашиши керак. Имом Бухорий Асвад ибн Язиддан ривоят қилган ҳадис юқорида ўтган эди. Унда Ойша разияллоҳу анҳо Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам ўйда нима қилишлари ҳақида сўралганида: *“Хотинларига қарашар, азонни эшитсалар намозга чиқар эдилар”,* деган4.

Ўрнатилган арзигулик мисоллар

Фозила, оқила, ўзида кўп яхши хислатларни жамлаган, жаннат аҳлидан бўлган, Аллоҳнинг динига даъват қилувчи, Унинг йўлида жиҳод қилувчи, мусибатларга сабрли, динига ўрганишга иштиёқли, ўйида саховатли бека, Аллоҳ ва Расулига берган аҳдига вафодор саҳоба аёл... Бу Умму Сулайм деб танилган, Анас ибн Моликнинг онаси, Абу Талҳа разияллоҳу анҳунинг хотини Ғумайсо бинти Милҳон разияллоҳу анҳодир.

Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинган ҳадисда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб айтганлар: *“Менга жаннат кўрсатилди. У ерда Абу Талҳанинг хотинини кўрдим”5.*

Бошқа ривоятда: *“Жаннатга кирганимда оёқ товушини эшитдим. “Бу (товуш эгаси) ким?” деб сўраган эдим, (малоикалар): “Бу Анас ибн Моликнинг онаси Ғумайсо бинти Милҳон”,* дедилар”6.

1 Бухорий (5361) ва Муслим (2091) ривояти.

2 Бухорий (5367) ва Муслим (1087) ривояти.

3 Бухорий (5365) ва Муслим (2527) ривояти.

4 Бухорий ривояти, 5363.

5 Муслим ривояти, 2457.

6 Муслим ривояти, 2959.

Бу аёлнинг Аллоҳ йўлида даъватчилиги турмуш қуриши воқеасида яққол кўринади.

Анас разияллоҳу анҳу айтади: “Абу Талҳа Умму Сулаймнинг қўлини сўраб, совчи қўйди. Шунда Умму Сулайм: “Аллоҳга қасамки, сиздек йигитнинг совчилиги рад этилмайди. Лекин сиз кофир, мен эса муслимаман. Сизга турмушга чиқиш менга ҳалол эмас. Аммо Исломни қабул қилсангиз, шу маҳрим бўлишига розиман. Сиздан бошқа нарса талаб қилмайман”, деди. Абу Талҳа Исломни қабул қилди ва шу унинг Умму Сулаймга берган маҳри бўлди”. Собит Буноний деди: “Умму Сулаймнинг маҳридан кўра қимматроқ маҳрга эга аёлни эшитмадим. Унинг маҳри Ислом бўлган эди. Шундан сўнг Абу Талҳа унга уйланди ва ундан фарзанд кўрди”¹.

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳудан ривоят қилинган бошқа бир ривоятда: “Абу Талҳа Умму Сулаймнинг қўлини сўраб келганида у: “Мен мушрик кишига эрга тега олмайман. Эй Абу Талҳа, сизлар ибодат қилаётган бутларни фалон қабиланинг қули бўлган бир дурадгор йўниб ясайди. Агар у бутларга ўт қўйсангиз ёниб кетади, шуни билмайсизми?” деди. Абу Талҳа Умму Сулайм олдидан кетди, лекин унинг гапидан қалбининг бир четига нимадир қадалди. Ҳар қачон унинг олдига келганида шу гапни такрор айтаверди. Ниҳоят, бир кун унинг олдига келиб: “Менга айтган гапларингни ўйлай-ўйлай, уни қабул қилишга қарор қилдим”, деди (ва Исломни қабул қилди). Умму Сулаймнинг маҳри Абу Талҳанинг Исломни қабул қилиши бўлди”².

Умму Сулаймнинг Аллоҳ йўлидаги жиҳод майдонида қилган хизматига келсак, у Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бир нечта ғазотларда қатнашган.

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу айтади: “Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ғазотга чиққанларида Умму Сулайм ва ансорий аёллардан бир нечталари ҳам у зот билан бирга чиқиб, саҳобаларга сув бериб туришар ва жароҳат олганларни даволашар эди”³.

Бошқа ҳадисда Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу бундай деган: “Умму Сулайм разияллоҳу анҳо Ҳунайн ғазоти кунини ёнига ханжар олди. Буни кўрган Абу Талҳа Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга: “Эй Расулulloҳ, мана бу Умму Сулайм ёнига ханжар олибди” деди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Бу ханжарни нима қиласиз?” деб сўраган эдилар, Умму Сулайм: “Мабодо биронта мушрик менга яқинлашгудек бўлса, шу ханжар билан қорнини ёриб ташлайман”, деди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам кулиб қўйдилар. Умму Сулайм сўзида давом этиб: “Эй Расулulloҳ,

1 Насоий ривояти, 6/114.

2 Ибн Саъд “Табақот” да (8/312) келтирган.

3 Муслим ривояти, 1810.

ортимиздаги анави “озод қилинган”ларни¹ ҳам ўлдиришга буюринг, улар сизни ташлаб қочиб кетишди”, деди. Шунда Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: “*Эй Умму Сулайм, Аллоҳ бизга кифоя, Ўзи биздан ёмонликни даф қилди ва бизга яхшилик қилиб, нусрат берди*”, дедилар”².

Умму Сулаймнинг мусибатларга сабрли экани Абу Талҳадан бўлган ўғли вафот этган воқеада яққол намоён бўлган.

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу айтади: “Абу Талҳанинг ўғли касал бўлиб ётган эди. Абу Талҳа бир жойга кетганида ўғли вафот этди. У уйига қайтгач: “Боламнинг ҳоли қандай?” деб сўраганида хотини: “Аввалги ҳолидан кўра тинчланди”, деди ва унга кечки овқатини келтирди. Абу Талҳа овқатланиб бўлгач, хотини билан қўшилди. Хожатини ўтаб бўлганидан сўнг хотини: “Боламиз вафот этган, уни дафн қилиб келинг”, деди. Тонг отгач, Абу Талҳа тўғри Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига бориб, бўлиб ўтган ишни айтиб берди. Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: “*Шу кеча аёлнинг билан қўшилдингми?*” деб сўраган эдилар, у: “Ҳа”, деб жавоб берди. Шунда Пайғамбар саллalloҳу алайҳи ва саллам: “*Парвардигоро, буларнинг бу кечасига Ўзинг барака ато эт*”, деб дуо қилдилар. Умму Сулайм ўғил туғди. Абу Талҳа менга: “Чақалоқни Расулulloҳнинг олдиларига олиб боргунимизча унга бирон нарса бермай тур”, деди. Тонг отгач, уни Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг олдиларига олиб борди. Умму Сулайм болага қўшиб бир нечта хурмо ҳам бериб юборган эди. Расулulloҳ болани қўлларига олдилар. “*Бирон нима борми?*” деб сўраган эдилар: “Ҳа, бир нечта хурмо бор”, дейишди. Хурмони олиб чайнадилар, сўнг уни муборак оғизларидан олиб, боланинг оғзига солдилар ва у билан боланинг танглайини кўтардилар. Чақалоққа Абдуллоҳ деб исм қўйдилар”³.

Бу ҳадис бундан бошқа лафзлар билан ҳам ривоят қилинган, қуйида шуларни келтириб ўтамыз:

“Умму Сулайм эрига деди: “Эй Абу Талҳа, бир оила бошқа оилага омонатга бирон нарса бериб турган бўлса, сўнг шу омонат эгалари уни талаб қилишса, омонатни олганлар қайтариб берадиларми ё бермай ўзларида олиб қоладиларми?”. Абу Талҳа: “Албатта қайтариб берадилар”, деди. Шунда Умму Сулайм: “Боладан жудо бўлдик, эй Умайрнинг отаси”, деди.

Яна бир ривоятда Умму Сулайм: “Абу Талҳага ўғли вафот этганини айтманглар”, деди. Абу Талҳа масжиддан қайтгач, одатига кўра унга кечки

1 Макка фатҳи кўни Исломига кирган маккаликларга Пайғамбар алайҳиссалом илтифот кўрсатиб, озод қилиб юборган эдилар. Шу боисдан улар “озод қилинганлар” деган ном олишган. Ҳали иймонлари заиф бўлгани учун жанг майдонидан қочиб кетганлар. Умму Сулайм уларни мунофиқ бўлсалар керак деб ўйлаган эди.

2 Муслим ривояти, 1809.

3 Бухорий (5470) ва Муслим (1690) ривояти.

овқатни ҳозирлади. Абу Талҳа: “Боланинг аҳволи қандай?” деб сўраган эди: “Аввалгидан яхши”, деди ва олдиға таом қўйди. Абу Талҳа ва у билан бирга келган меҳмонлар овқатланишди. Сўнг Умму Сулайм одатда хотин эрига кўрсатадиган хизматларни бажарди, ҳатто Абу Талҳа у билан қовушди. Кечанинг охирги қисми бўлганида Умму Сулайм: “Эй Абу Талҳа, айтингчи, бир оила омонатга бир нарса олса, ундан фойдаланса, сўнг омонат эгаси омонатни қайтаришларини сўраганида бу уларга оғир ботса, тўғри қилишган бўладими?” деди. Абу Талҳа: “Шундай қилсалар, инсоф қилмаган бўладилар”, деб жавоб берди. Шунда Умму Сулайм: “Ўғлингиз Аллоҳнинг сизга берган омонати эди, Ўзи яна қайтариб олди”, деди. Абу Талҳа мусибатда айтиладиган дуони ўқиди, тақдирга рози бўлиб, Аллоҳға ҳамд айтди”.

Бошқа бир ривоятда бундай келган: Умму Сулайм деди: “Эй Абу Талҳа, бир оила бошқа бир оиладан омонат олган бўлса, вақт ўтиб омонат берган оила омонатни талаб қилиб одам юборса, омонатни олган оила қайтаришдан бош тортибди”. Абу Талҳа: “Уларнинг бундай қилишга ҳақлари йўқ. Омонат эгасига қайтарилиши керак”, деган эди, Умму Сулайм: “Ўғлингиз Аллоҳ берган омонат эди, Аллоҳ омонатини қайтариб олди”, деди. Абу Талҳа мусибат етганда айтиладиган дуони айтди.

Яна бир ривоятда: “Абу Талҳа хотинидан: “Ўғлимнинг ҳоли қандай?” деб сўради. Умму Сулайм: “Яхши”, деб жавоб берди ва ҳар доимгидек эрига иззат-икром кўрсатиб, дастурхон ёзди. Абу Талҳа таомланиб бўлгач, аёл киши эридан хоҳлайдиган ишга чорлади. Эри у билан қўшилиб бўлгач, унга: “Айрим қўшниларишимиз қилган ишга нима дейсиз? Уларда бир омонат бор экан, эгалари қайтаришни талаб қилсалар, бош тортишибди”, деди. Абу Талҳа: “Ёмон иш қилишибди”, деди. Умму Сулайм: “Мен сизни назарда тутиб айтяпман. Ўғлингиз Аллоҳ берган омонат эди, Аллоҳ омонатини қайтариб олди”, деди. Шунда Абу Талҳа: “Аллоҳға қасамки, бу кеча сабрда менга ғолиб келолмайсан”, деди.

Бу ривоятларнинг барини Ибн Саъд “Табақот” номли китобида келтирган бўлиб, барчаси ҳеч шак-шубҳасиз саҳиҳ ривоятлардир.

Умму Сулаймнинг динини ўрганишга бўлган иштиёқи, сўраб-суриштириши ҳақида Имом Бухорий ва Муслимда келган ҳадис етарли мисол бўла олади. Мўминлар онаси Умму Салама разияллоҳу анҳо айтади: “Абу Талҳанинг аёли Умму Сулайм Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келиб: “Эй Расулulloҳ, Аллоҳ таоло ҳақни баён қилишдан ҳаё қилмайди. Аёл киши эҳтилом бўлиб қолса, ғул қилиши вожиб бўладими?” деб сўради. Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: “Ҳа, агар сувни (манийни) кўрса ғул вожиб бўлади”, деб жавоб бердилар”¹.

¹ Бухорий (282) ва Муслим (1/608) ривояти.

Имом Муслимнинг ривоятида бундай келган: “Умму Сулайм Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламдан аёл киши уйқусида эркаклар каби эҳтилом бўлиши ҳақида сўради. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: *“Бундай аёл (манийни) кўрса, ғул қилсин”*, дедилар. Умму Сулайм айтади: “Бундан уялдим ва: *“Шундай ҳам бўладими?”* дедим”. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам: *“Ҳа, албатта. Бўлмаса, боласи қайдан унга ўхшайди? Эракнинг суви қуюқ ва оқ, аёлнинг суви суюқ ва сариқ бўлади. Қай бирларининг суви устун ва биринчи келса, бола ўшанга ўхшайди”*, дедилар”¹.

Умму Сулаймнинг сахийлиги ва садақанинг ўрнини Аллоҳ тўлдириб қўйишини яхши билгани Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир қанча саҳобалар билан унинг уйига келганларидаги воқеада яққол кўринади.

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу айтади: “Абу Талҳа Умму Сулаймга: “Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг овозларини эшитдим, овозлари заиф чиқяпти. Бу очликдан, у зотнинг оч эканларини биламан. Уйингда егулик бирон нима борми?” деди. Умму Сулайм: “Ҳа”, деди-да, арпа унидан қилинган бир нечта нонни олиб чиқди. Кейин рўмолини олиб, унинг чети билан нонни ўради, сўнг уни менинг қўлим остига яшириб, рўмолнинг бошқа бир томонини менга ташлади. Кейин мени Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг олдиларига юборди. Нонни олиб йўлга тушдим. Расулulloҳни масжидда топдим. Бир неча саҳоба билан ўтирган эканлар. Мен Расулulloҳнинг ёлғиз қолишларини кутиб турдим. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам тик турганимни кўриб, менга: *“Сени Абу Талҳа юбордимми?”* дедилар. Мен: “Ҳа”, дедим. *“Таом биланми?”* дедилар. “Ҳа”, дедим. Шунда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирга ўтирган саҳобаларга: *“Туринглар”*, дедилар-да, юра бошладилар, мен ҳам уларнинг олдиларига тушиб тез-тез юриб кетдим. Улардан олдинроқ келиб, Абу Талҳага меҳмонлар келаётганини хабар бердим. Абу Талҳа: “Эй Умму Сулайм, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам одамлар билан келибдилар. Бизда эса уларга берадиган таом йўқ”, деди. Умму Сулайм: “Аллоҳ ва Расули билувчироқдир”, деб қўйди. Абу Талҳа Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга пешвоз чиқиб, у зотни бошлаб келди. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Эй Умму Сулайм, ўзингда борини олиб кел”, дедилар. Умму Сулайм ҳалиги нонларни олиб келди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам уларни ушатишни буюрдилар. Нонларни кичик бўлақларга бўлишди. Умму Сулайм ёғ солинадиган мешни сиқиб, ичидаги бор нарсани чиқаришга уринди. Сўнг Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам таомга барака беришини тилаб Аллоҳга дуо қилдилар. Сўнг Абу Талҳага: *“Ўн кишини чақир”*, дедилар. Абу Талҳа ўн кишини чақирди, улар тўйгунларича еб, чиқиб кетдилар. Сўнг яна: *“Ўн кишини чақир”*, дедилар. Абу Талҳа ўн кишини чақирди, улар ҳам тўйгунларича еб, чиқиб кетдилар. Сўнг яна: *“Ўн кишини чақир”*, дедилар. Абу

¹ Муслим ривояти, 311.

Талха ўн кишини чақирди, улар ҳам тўйгунларича еб, чиқиб кетдилар. Сўнг яна: “Ўн кишини чақир”, дедилар. Абу Талха ўн кишини чақирди, улар ҳам тўйгунларича еб, чиқиб кетдилар. Шундай қилиб, келган одамларнинг ҳаммалари тўйгунларича едилар. Келган одамлар етмиш ёки саксон киши эди”¹.

Умму Сулаймнинг саботига, унинг Аллоҳга бўлган ишончига қаранг! У Аллоҳ таоло унинг таомига барака беришига ва меҳмонлар олдида уни хижолатга қўймаслигига тўлиқ ишонган эди. Шунинг учун ҳам: “Аллоҳ ва Расули билувчироқдир”, деди. Буни ҳар бир аёл доим ёдида тутсин!

Аллоҳга берган аҳду паймониغا вафодор экани қуйидаги ҳадисда кўринади. Умму Атийя разияллоҳу анҳо айтади: “Биз Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламга байъат қилдик. У зот бизга Аллоҳ таолонинг **“Аллоҳга ширк келтирмасликка”** (Мумтаҳана, 12) деган оятини ўқидилар. Бизни ўликка уввос солиб йиғлашдан қайтардилар. Ичимиздан бир аёл қўлини тушириб олди, яъни бунга байъат беришдан ўзини тортиб: “Фалон аёл уввос солиб йиғлашда менга ёрдам берган эди. Мен ҳам унинг бу ёрдамига муносиб жавоб қайтармоқчи эдим”, деди. Пайғамбар алайҳиссалом индамадилар. У аёл кетди, сўнг бир оздан кейин қайтиб келиб, байъат қилди. Уввос солиб йиғламаслик ҳақидаги байъатга Умму Сулайм, Умму Ало, Абу Сабранинг қизи ва Муознинг хотинигина вафо қилдилар”².

Сабр ва шукр орасида

Эр-хотин Аллоҳ билан бўлган алоқаларини мустаҳкамлашлари, доимо сабр ва шукр қилиб яшашлари лозим.

Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: *“Мўминнинг иши қизиқ, унинг барча ишлари яхшиликдир. Бу мўминдан бошқасига насиб бўлмайди. Агар унга бир хурсандчилик етса, шукр қилади ва бу унга яхшиликдир. Агар бирон кулфат етса, сабр қилади ва бу ҳам унга яхшиликдир”*³.

Фарзанд бериш ё бепушт қилиб қўйиш Аллоҳ таолонинг иродаси эканини эр ҳам, хотин ҳам билишлари лозим. Аллоҳ таоло айрим инсонларга фарзанд бермайди, бепушт қилиб қўяди. Шу билан уларни имтиҳон қилади. Баъзиларга фақат қиз беради, баъзиларга эса ҳам ўғил, ҳам қиз беради. Буларнинг бари Аллоҳнинг синов-имтиҳонидир. Муслмон киши ҳар қандай ҳолатда Аллоҳнинг қадарига рози бўлмоғи зарур. Аллоҳ таоло деди: **“Истаган бандасига фақат қиз фарзандлар, истаган бандасига фақат ўғиллар ато**

1 Бухорий (3578) ва Муслим (2040) ривояти.

2 Бухорий (7215) ва Муслим (645, 646-бетлар) ривояти.

3 Муслим ривояти, 2999.

этади. Истаган бандасига ўғил ва қизларни ато этади, Ўзи хоҳлаган кишини бепушт қилиб қўяди. У барча нарсани билувчи ва истаганини яратишга қодир зотдир” (Шўро, 49-50).

Бола кўриш бирон шахснинг тиришқоқлиги, маҳорати, эркаклик қуввати ва заковатига боғлиқ эмас. Не-не бақувват, кучли инсонлар бор, лекин бефарзанд, зурриёт неъматидан бенасиб. Қанчадан-қанча ақлли кишилар ҳам худди шундай, фарзанд неъматидан маҳрум қилинган.

Мўминлар оналари, Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хотинларини олайлик. Аллоҳ таоло у зотнинг аёллари Хадича разиялоҳу анҳо билан чўрилари Мориядан бошқа биронта аёлларига Расулulloҳдан бола кўриш неъматини бермади.

Сулаймон алайҳиссалом айтган сўз юқорида ўтган эди: “Бу кечада етмишта аёлим билан қўшилиб чиқаман. Уларнинг ҳар бири Аллоҳ йўлида жиҳод қиладиган полвонларни туғиб беради. Қарангки, биронта ҳам аёли бола туғмади, фақат бир аёли яримта (ногирон) бола туғди, холос”¹.

Оламлар Парвардигори Закариё алайҳиссаломга фарзанд берди, гарчи у қариган, суяклари мўртлашиб, соч-соқоли оқарган, устига-устак хотини бепушт бўлган бўлса ҳам ўғил берди.

Худди шундай, Иброҳим алайҳиссаломга ҳам ёши улғайган пайтда фарзанд неъматини ато этди. Ҳолбуки, унинг ҳам аёли бепушт эди. Ҳатто унга фарзандли бўласан деб хушxabар берилганида: **“Вой шўрим, қандай қилиб менда бола бўлсин?! Ўзим кампир бўлсам, эрим кексайиб қолган мўйсафид бўлса, бизга ўхшаган қарияларда фарзанд бўлиши жуда қизиқ иш-ку!”** деган эди².

Аллоҳ таоло одамлар учун Унинг қудратига далил бўлувчи белги қилиб эрсиз Марям алайҳиссаломга фарзанд берди.

Бу мисоллардан зурриёт ато этиш ёки этмаслик Аллоҳнинг қўлида экани билинади. Модомики шундай экан, қайси бир эр-хотинни Аллоҳ таоло бепуштлик билан синаган бўлса, тақдирга рози бўлишлари керак. Қанча-қанча фарзандлар бор, ота-онасини туғён ва кўфрга мажбур қиладилар. Масалан, Ҳизр алайҳиссалом қатл этган бола кўфрга табиатланган бўлган. Буни Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар. Ҳизр алайҳиссалом ўша бола ҳақида бундай деган: **“Мен қатл қилган болага келсак, Аллоҳнинг азалий илмида у кофир, ота-онаси эса мўмин эдилар. Биз, агар бола ҳаётда яшаса, албатта ўз ота-онасини кўфр ва туғёнга мажбурлайди, улар ҳам унга бўлган муҳаббатлари ёки унга эҳтиёжлари юзасидан шунга мажбур бўлишади, деб қўрқдик”** (Каҳф, 80).

1 Бухорий ривояти, 5242.

2 Ҳуд сураси, 72 оят.

Қанча-қанча ўғил-қизлар бор, онасининг қорнида бўлган чоғидаёқ унга бадбахтлик ёзиб қўйилган.

Аллоҳ таоло айтади: **“Эй Аллоҳ ва Расулига иймон келтирганлар, аёлларингиз ва фарзандларингиз ичида сизларни Аллоҳнинг йўлидан тўсадиган ва Унинг тоатидан сусайтирадиган душманларингиз бор. Улардан эҳтиёт бўлинг ва уларга итоат этманг”** (Тағобун, 14).

Бошқа оятда бундай деган: **“... ота-оналарингиз ва фарзандларингиздан қай бирлари сизларга дунё ва охиратингизда кўпроқ фойдаси тегувчи эканини билмайсиз”** (Нисо, 11).

Закариё алайҳиссаломнинг ўғли Яҳё алайҳиссалом ўз қавмининг саййиди, юксак обрў-эътиборли, гуноҳлар ва зарарли майллардан тийилувчи эди.

Фарзанд кўриш ҳаммиша ҳам яхшилик бўлавермайди. Фарзандлар ҳамма вақт ҳам ота-онасини бахтли қилавермайди. Нуҳ алайҳиссалом воқеасини эсга олинг: **“Нуҳ мўминлардан ажралиб, бир четда турган ўғлига хитоб қилди: “Эй болам, биз билан кемага мин, Аллоҳга кофир бўлган кимсалардан бўлма, ғарқ бўласан!” Ўғли деди: “Мени ғарқ бўлишдан асрайдиган тоққа чиқиб оламан”. Нуҳ деди: “Бугун Аллоҳнинг махлуқотларни ғарқ қилиш ва ҳалок қилиш ҳақидаги амру қазосидан асрай олувчи йўқдир. Фақат Аллоҳ ўзи раҳм қилган кишиларгина бундан мустасно. Шундай экан, иймон келтир ва биз билан бирга кемага мин”. Шу пайт Нуҳ билан ўғлининг ўртасини баланд тўлқин тўсиб қўйди ва ўғли ғарқ бўлиб ўлганлардан бўлди”** (Ҳуд, 42-43). **“Нуҳ Раббига хитоб қилиб деди: “Эй Раббим, Сен мени ва оиламни ғарқ ва ҳалок бўлишдан қутқаришни ваъда қилган эдинг, ўғлим менинг оиламдан, Сенинг ваъданг эса шубҳасиз, ҳақдир. Сен ҳукм қилувчиларнинг энг яхшиси ва энг одилисан”. Аллоҳ деди: “Эй Нуҳ, ҳалок бўлган ўғлинг Мен қутқаришга ваъда берган оилангдан эмас, бунга эса унинг кофирлиги ва ёмон амаллари сабабдир. Мен сени яхши билмаган нарсанг ҳақида Мендан сўрашдан қайтараман, бу ҳақда Мендан сўраш билан жоҳиллардан бўлиб қолмаслигини насиҳат қиламан”** (Ҳуд, 45-46).

Бундан хулоса шуки, қай бир эр-хотин тақдирига бепуштлиқ битилган бўлса, бефарзанд бўлсалар, сабр қилсинлар, солиҳ зурриёт тилаб, Аллоҳга кўп-кўп дуо-илтижолар билан ёлворсинлар, ўзларини қазо ва қадарга рози бўлишга тайёрласинлар.

Айрим эр-хотинларга Аллоҳ таоло фақат қиз фарзанд беради. Бу Аллоҳнинг хоҳиши. Аллоҳ истаганини яратади, хоҳлаган бандасига қиз ё ўғил беради: **“Истаган бандасига фақат қиз фарзандлар, истаган бандасига фақат ўғиллар ато этади”** (Шўро, 49). Эр-хотин Аллоҳнинг беришига рози бўлишлари ва шукр қилишлари, ҳолатлари қиз кўрган айрим жоҳилият аҳлининг ҳолига ўхшаб қолмаслиги керак. Аллоҳ уларнинг ҳолини баён қилиб бундай деган: **“Улардан бирортасига қиз фарзанд кўргани ҳақида хабар берилса, ўзи учун**

ёқимсиз бу хабардан ғам-ғуссага тўлиб, юзи қорайиб кетади. Туғилган қиз фарзанди сабабли ўзини чулғаб олган шармандалик ва ғам-алам билан қавмига йўлиқишдан қочиб, туғилган қизалоғини хору зор ҳолатда тирик қолдириш ёки тириклайин тупроққа кўмиш ҳақида боши қотиб, бир четга яшириниб олади. Огоҳ бўлингки, қизларни Аллоҳга, ўғилларни эса ўзларига нисбат бериб чиқарган бу ҳукмлари нақадар ёмон ҳукмдир” (Наҳл, 58-59).

Қизларига яхшилик қилган ота-онага бериладиган улуғ ажр-мукофот ҳақида гапириб, Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам: *“Ким икки қизни то балоғатга етгунларига қадар боқиб, қараб, уларга ғамхўрлик қилса, қиёмат кунини мен билан мана шундай ҳолда келади”* дедилар ва икки бармоқларини бирлаштирдилар”¹.

Яна бир ҳадисда Ойша разияллоҳу анҳо айтади: *“Уйимизга икки қизчаси билан бир аёл бирон егулик сўраб келди. Бир дона хурмо бор экан, шуни бердим. Аёл хурмони иккига бўлиб, қизларига берди ва чиқиб кетди. Расулulloҳ салаллоҳу алайҳи ва саллам келганларида аёлнинг қилган ишини у зотга айтиб берган эдим: “Кимга Аллоҳ таоло қиз фарзанд берган бўлса ва у уларга ғамхўрлик қилса, яхши тарбия берса, бу қизлар унга дўзахдан тўсувчи парда бўлади”, дедилар”*².

Айни шу ҳадис Имом Муслимнинг ривоятида бундай келган: Ойша разияллоҳу анҳо айтади: *“Уйимизга ночор бир аёл икки қизини кўтариб келиб қолди. Уларни уч дона хурмо билан меҳмон қилдим. Аёл икки қизига биттадан хурмо берди. Учунчисини энди ўзи емоқчи бўлганида қизлари сўраб қолишди. Ўзи емоқчи бўлиб турган бу хурмони ҳам икки қизига бўлиб берди. Унинг қилган бу иши мени ҳайратга солди. Аёлнинг бу ишини Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга сўзлаб берган эдим, у зот: “Қилган бу иши тўфайли Аллоҳ бу аёлга жаннатни вожиб қилди ёки уни дўзахдан озод этди”, дедилар”*³.

Эр-хотин бир-бирига ҳадя бериши

Ҳадя инсон қалбига қандай яхши таъсир этиши, гўзал из қолдириши ҳеч кимга сир эмас. Совға-саломлар инсонларни ва хусусан эр-хотинни бир-бирларига меҳр-муҳаббатли қиладиган, гина-кудуратларни кўтарадиган ва қалбларни улфатлаштирадиган сабаблардан экани ҳам кўпчиликка маълум.

Ҳадя бериш, совға-салом улашиш ўзаро илиқлик уйғонишига, дилларнинг софланишига олиб боради. Ҳадя олган томон унга меҳр кўрсатадиган инсон бор эканини, қадр-қиммати, ўз ўрни бор эканини ҳис этади.

1 Муслим ривояти, 5/486.

2 Бухорий (10/426) ва Муслим (2027) ривояти.

3 Муслим ривояти, 2027.

Шунинг учун Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам ҳадя олганлар. Ҳадяни муслмондан ҳам, кофирдан ҳам олаверардилар. Ҳадяни аёллардан ҳам, эркаклардан ҳам қабул қилар эдилар. Бир-бирларимизга ҳадя бериб туришга тарғиб қилганлар. Катта-кичик қандай ҳадя бўлишидан қатъи назар қабул этишни ўргатганлар.

Қанчадан-қанча хусуматлар, гина-адоватлар ҳадя сабабли барҳам топган.

Қанчадан-қанча муаммолар ҳадя сабабли ҳал бўлган.

Қанчадан-қанча дўстлик, биродарлик, севги-муҳаббатга ҳадя сабабли эришилган.

Юқорида айтганимиздек, Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳадя берилса қабул қилар ва ҳадя берувчига ҳадя бериб, чиройли жавоб қайтарардилар.

Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: *“Бир-бирингизга ҳадя беринг, ўзаро муҳаббатли бўласиз”*¹.

Бошқа бир ҳадисда: *“Мезбоннинг таклифини қабул қилинг, ҳадяни рад этманг”*, деганлар².

Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам катта ҳадяни қандай қабул қилсалар, арзимас ва кичик ҳадяни ҳам шундай қабул қилар эдилар.

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: *“Қўйнинг қўли ёки туюғини пишириб, мени чақиришса ҳам бораман, менга қўйнинг қўли ёки туюғини ҳадя қилинса ҳам қабул этаман”*, деган эдилар³.

Ҳофиз Ибн Ҳажар раҳимаҳуллоҳ ушбу ҳадис шарҳида айтади: “Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам қўйнинг қўли ва туюғини алоҳида айтиб ўтишларининг боиси, арзирли ва арзимас икки нарса ўртасини жамлаш учун бўлган. Зеро, қўйнинг қўл қисми у зот учун энг маҳбуб ери бўлган. Туюқнинг эса қадр-қиймати йўқдир”.

Дилларга меҳр-муҳаббат уруғини сепиш ва севги ҳис-туйғуларини ўстиришда эр-хотин бир-бирларига ҳадя беришларининг катта таъсири бор. Шунинг учун ҳам Аллоҳ таоло: **“Агар улар маҳрнинг бир қисмини ўз ихтиёрлари билан сизларга ҳадя қилсалар, бемалол олиб ишлатаверинглар, у сизлар учун ҳалолдир”**, деб айтган (Нисо, 4). Яъни аёл киши эри берган маҳрдан бирон қисмини ўзи хоҳлаб, чин дилдан эрига ҳадя қилса, эр бу ҳадяни қабул қилиши ва бемалол ишлатавериши мумкин.

1 Бухорий ривояти. “Ал-адаб ал-муфрад”, 594. Ҳасан ҳадис.

2 “Ал-адаб ал-муфрад”, 157; “Муснади Аҳмад”, 1/404.

3 Бухорий ривояти, 2568.

Ояти каримага диққат қаратсак, хотин эри берган маҳрнинг ҳаммасини эмас, бир қисмини ҳады қилиши айтилганини кўрамиз. Унинг бу иши ўзаро муҳаббатга сабаб бўлади ва хоссатан ҳады берар экан, ширин сўз ва самимий табассум ила, меҳр-муҳаббатини изҳор этган ҳолда берса, нур устига нур бўлади.

Ўз навбатида эр ҳам аёлига турли ҳадылар, хотини ёқтирадиган тухфалар билан унинг кўнглини олиши юқорида айтганимиздек, ўрталарида муҳаббат ҳосил бўлишига ёки муҳаббат ришталари мустаҳкамланишига сабаб бўлади. Хотинни эрига яхшилик, барака ва кенг ризқ сўраб дуо қилишга ундайди. Одамзотнинг табиати шундай. Кимни Аллоҳ ҳидоят қилса, шу одам тўғрилиққа муваффақ бўлади, ҳидоятга эришади.

Лекин...

Лекин асло миннат қилманг.

Аллоҳ таоло айтади: **“Тиланчини яхши гап билан қайтариш ва унинг қаттиқ туриб олиб тиланишини кечирish - садақа қилиб, ортидан миннат қилишдан яхшироқ. Аллоҳ таоло бандаларнинг садақаларидан беҳожат ва уларга дарҳол азоб бермайдиган ҳалим зотдир. Эй иймон келтирганлар, қилган садақаларингиз савобини миннат ва озор билан йўққа чиқарманг”** (Бақара, 263-264).

Ҳадылар, турли совға-саломлар, садақа ва эҳсонлар бериб, кейин миннат билан савобини йўққа чиқариб юборманг. Миннат қилиш садақа ва эҳсонлар савобини йўқ қилишдан ташқари миннатчини азобга лойиқ қилиб қўяди.

Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам: *“Уч тоифа одамлар бор, Аллоҳ қиёмат куни уларга гапирмайди, уларга қарамайди, уларни покламайди ва уларга аламли азоб бўлади”*, деб уч бор айтдилар. Абу Зар разияллоҳу анҳу: *“Улар тамом бўлдилар, расво бўлдилар. Улар кимлар, эй Расулulloҳ?”* деб сўраган эди, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: *“Кийимини узун қилиб ерга судраб юрувчи, миннатчи ва ёлғон қасам билан молини ўтказувчи кимсалар”*, дедилар¹.

Бошқа бир ҳадисда эса: *“Бирон нима берса, миннат қиладиган миннатчи”*, деб айтганлар².

Яхши амал ва гўзал хулқ фазилати ҳақида қимматли насиҳатлар

Киши уйига кирганида у билан бирга шайтон ҳам илашиб кирмаслиги учун Аллоҳ азза ва жаллани зикр қилиши мустаҳаб саналади. Жобир ибн Абдуллоҳ

1 Муслим ривояти, 106.

2 Муслим ривояти.

разияллоҳу анҳумо айтади: “Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бундай деганларини эшитдим: “*Киши уйига кираётганида Аллоҳ таолони зикр қилиб кирса, овқат еганида ҳам Аллоҳни зикр қилиб еса, шайтон малайларига: “Сизларга бу уйда қўноқ ҳам, таом ҳам йўқ”, дейди. Аммо уйига киришда Аллоҳни зикр қилмаса, шайтон малайларига: “Тунайдиган жой топдингиз”, дейди. Агар таомланишда ҳам Аллоҳни зикр қилмаса, шайтон: “Тунайдиган жой ва таом топдингиз”, дейди*”¹.

Уйга киришда оила аъзоларига салом бериш ва очиқ чеҳра билан кириш лозим. Бунинг ҳеч бир оғир ери йўқ, балки шу иши билан киши савобга эга бўлиб қолади. Мусулмон киши ҳар бир яхшиликдан фойдаланиб қолишга ҳаракат қилиши керак. Ҳатто хотинига табассум қилиш ҳам садақа саналади. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: “*Ҳеч бир яхшиликни, ҳатто биродарингга очиқ чеҳра билан юзланишни ҳам кичик санама*”².

Аллоҳ таоло деди: “**Уйларга кирсангиз, Аллоҳ ҳузуридан бўлган муборак покиза салом билан саломлашинглар.** (Исломиё салом «Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотух»дир)” (Нур, 61).

Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳумо айтади: “Уйингга кирганингда оила аҳлингга Аллоҳ ҳузуридан бўлган муборак покиза салом билан салом бер, яъни “Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотух” деб айтгин”³.

Уйингизга пешонангизни тириштириб, қовоқ уйиб, кўзни чақчайтириб, юзингизда зўравонлик акс этган ҳолда киришингиз дуруст бўлмайди. Нега энди кўчада бошқалар билан ҳазил-ҳузул қилиб, очиқ чеҳра ва хушмуомала билан муомала қиласиз-у, уйга киришингиз билан хўмрайиб оласиз, қовоқ-тумшук қилиб, асабий бўлиб қоласиз?! Кўча хандон, уй зиндон бўлиб оласиз?! Уйдаги ҳолатингизда кўзгуга бир қаранг, қай кўринишда эканингизга бир боқинг. Одам ҳурқади. Сизни бу қиёфада кўрган одам сиздан қочади. Оилангизни ҳам бездириб юборасиз. Шу яхшими, айтинг?! Яхшиликдан маҳрум одаммисиз, савобдан тўсилганмисиз, нима бало бўлган сизга?! Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: “*Сизларнинг энг яхшингиз аҳли-аёлига яхши бўлганингиздир*”.

Ҳой эркаклар!

Ҳой эрлар, уйга кирганингизда хотинингизга табассум қилсангиз, очиқ чеҳра билан кириб келсангиз нима бўлади, нима қийинчилиги бор бунинг?! Қийин иш эмас-ку ахир, балки шундай қилишингиз билан савобга эга бўласиз.

1 Муслим ривояти, 2018.

2 Муслим ривояти, 2626.

3 Бухорий ривояти. “Ал-адаб ал-муфрад”, 1095.

Оила-аҳлингиз ва фарзандларингизни кўрганингизда уларга очиқ чеҳра ва яхши кайфият билан қарашингиз сиздан пул талаб қиладими?

Аёлингизга ширин сўзлар айтиб, эркалаб, бағрингизга босиб, кўнглини олсангиз, бирон ерингиз камайиб қоладими?

Хотинингизга ўз қўлингиз билан ошми ё ширинликми, бирон егулик едиришингиз сизга шунчалик қийинми? Савоб-ку ахир! Оддий ва осон шу иш билан савоб топасиз.

Лоақал, уйга кирганингизда оила-аҳлингизга тўлиқ салом бериб: “Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотух” дейиш қийинми? Биргина шундай тўлиқ салом бериш билан ўттизта савобни қўлга киритасиз¹.

Аёлингизга хурсандчилик бахш этадиган бирон ширин сўз айтсангиз нима бўлади? Озгина қўшиб-чатиб бўлса ҳам кўнглини кўтарсангиз нима айб?

Уйга кирганда хотинингиздан ҳол-аҳвол сўранг, соғлиғи билан қизиқинг.

Ишдан қайтганингизда аёлингизга: “Маҳбубам, эрталаб олдиндан чиқиб кетганимдан то ҳозир қайтганимга қадар гўё бир йил ўтгандек бўлиб кетди-я”, дейишингиз сизни чарчатиб, ҳолдан тойдирмаса керак, деб ўйлайман.

Ишдан чарчаб келган бўлишингизга қарамай Аллоҳдан ажр умидида хотинингиз билан қўшилсангиз, сизга мўл-кўл ажру савоблар ёзилади. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ушбу сўзлари бунга далил бўлади: “*Хотинларингиз билан қўшилишингиз ҳам садақадир*”.

“Ё Аллоҳ, аёлимни солиҳалардан қил, бу аёлимда менга барака бер”, деб дуо қилинг.

Ширин сўз садақа.

Аёлингиз юзига очиқ чеҳра ва табассум билан боқшингиз садақа.

Салом беришингиз билан савобга мушарраф бўласиз.

Қўл бериб кўришганда гуноҳлар тўкилади.

Қўшилиш билан эжр-савоб ҳосил бўлади.

Ҳой хотинлар!

1 Бир киши Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келиб: “Ассалому алайкум”, деди. Саломига алик олдилар. Шундан сўнг у ўтирди. Пайғамбар алайҳиссалом: “*Ўнта*”, дедилар. Бироздан кейин бошқа бир киши келди ва “Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳ”, деди. Уни ҳам саломига алик олдилар. У ҳам ўтирди. Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “*Йигирмата*”, дедилар. Сўнг бошқа бир киши келиб: “Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотух”, деди. Унга ҳам жавоб қайтардилар. У ўтирди. Пайғамбар алайҳиссалом: “*Ўттизта*”, дедилар” (Абу Довуд ривояти, 5/379).

Эрингиз уйга кириб келганда табассум ва очиқ чеҳра билан кутиб олсангиз, сизга нима зарар етади?

Эрингиз юзидаги, сочидаги ва кийимидаги чанг-ғуборни қўлингиз билан силаб, тозалаб, қўл ё юзидан ўпиб қўйишнинг сизга нима қийин жойи бор?

Эрингиз уйга кириб юз-қўлини ювганда қўлига сочиқ тутиш, дастурхон атрофига ўтирмагунича ўтириб олмай кутиб туриш сизга шунчалик оғирми?

Эрингиз уйга келганида унга: “Сизни уйга соғ-саломат қайтарган Аллоҳга ҳамдлар бўлсин. Хуш келибсиз, яхши келдингизми?” дейиш сизга қийин бўлмаса керак деб ўйлайман.

Аллоҳдан ажр умид қилган ҳолда эрингиз келишига ясан-тусан қилинг. Хушбўйланиб, чиройли кийимларингизни кийиб олинг. Зеро, Аллоҳ гўзалдир ва гўзалликни яхши кўради.

Зинҳор-базинҳор норози бўлиб яшаманг, қош-қовоқ солиб олманг, ғамгин кўринишда юрманг.

Сизга эрингизни ёмон кўрсатиб, орангизни бузувчи кимсаларга қулоқ солманг.

Доим маҳзун, хафа бўлиб юрманг, балки Аллоҳ таолодан ташвишу ғамдан, ожизлик ва дангасалиқдан паноҳ беришини сўранг.

Бегона эркалар билан мулойим овозда сўзлашманг, токи қалбида фисқу фужур ва мараз бўлган кимса сиздан ҳаром ишни тама қилиб қолмасин.

Феълингизни кенг қилинг, хотиржам ва вазмин бўлинг, ҳар қандай ҳолатда ҳам Аллоҳни ёд этиб юринг.

Эрингизга етган қийинчилик, бошига тушган бало-мусибатни қўлингиздан келганича, имконингиз борича енгиллатишга ҳаракат қилинг. Жуда бўлмаганда таскин берувчи сўзлар билан кўнглини олинг.

Эрингизни ота-онасига яхшилик қилишга ундаб туринг, ўзингиз ҳам қайнота-қайнонангизга яхшилигингизни аяманг.

Фарзандларингиз тарбиясига жиддий эътибор беринг. Уларга гўзал тарбия беринг. Уйингизни тасбеҳ, таҳлил, такбир ва ҳамду санолар билан тўлдиринг. Кўп Қуръон ўқинг, хусусан Бақара сурасини кўп ўқинг, чунки бу сура шайтонни қувади, уйдан ҳайдайди.

Уйингиздан суратлар, мусиқа асбоблари ҳамда бузуқчиликка сабаб бўладиган ҳар қандай нарсаларни чиқариб ташланг.

Эрингизни таҳажжудга уйғотинг, нафл рўза тутишга унданг, садақа қилиш фазилатини эслатинг. Қариндошларини бориб кўриш, силаи раҳм қилишдан эрингизни тўсманг.

Гуноҳларингизни кечиритишни сўраб кўп истиффор айтинг. Нафақат ўзингиз учун, балки эрингиз, ота-онангиз ва барча мусулмонлар ҳаққига кўп-кўп истиффор айтинг. Солиҳ зурриёт беришни сўраб Аллоҳ таолога дуо-илтижолар қилинг. Нияту амалингизни ислоҳ қилишни ва икки дунё яхшилигини ато этишни тинмай сўранг. Раббингиз дуоларингизни эшитувчи эканини, Ундан ёлвориб сўровчи бандаларини яхши кўришни эсдан чиқарманг. Аллоҳ таоло айтади: **“Раббингиз деди: “Эй бандалар, фақат Менга дуо қилинг ва фақат Менга ибодат қилинг, Мен сизларнинг дуою ибодатларингизни қабул қиламан”** (Ғофир, 60).

Эр-хотинга бирдек тегишли гаплар

Маҳрум ким? Маҳрум савобдан қуруқ қолган кишидир.

Эр-хотин иккинги Аллоҳга яқинлаштирадиган ишларда бирга ҳаракат қилиб, мўл-кўл савобга эришиб, юксалиб боришингиз қандай ҳам яхши!

Эр-хотин бирга ўтириб, Аллоҳнинг китобини, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларини ўқиб-ўрганишингиз қандаям яхши!

Эр-хотин Аллоҳнинг динини ўрганиб, динда билимдон бўлсангиз нақадар гўзал иш бўларди!

Эр-хотин Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламга салават ва саломлар йўлласангиз, сизга Аллоҳнинг раҳмати ва мағфирати бўлади.

Аллоҳни кўп зикр қилувчи эркагу аёллар қаторида бўлсангиз, сизга Аллоҳнинг мағфирати ва улуғ ажр-мукофотлари бўлишидан севининг.

Эр-хотин иккинги ибодат қилишда, гуноҳлардан тийилишда ва бошингизга келадиган мусибатларга сабрли бўлсангиз, тўғрисиўз, тоат-ибодатли, тақводор, махфию ошкор садақалар қилувчи ва саҳар пайтларида истиффор айтувчи бўлсангиз, қандай ҳам яхши оила бўласиз.

Ҳар иккинги ота-онангизга совғалар бериб турунг, уларга тинмай яхшилик қилинг. Шунингдек, қариндошларга ва дўстларингизга ҳам ҳадялар бериб, кўнгилларини олишга интилинг.

Меҳмоннинг ҳурматини жойига қўйиб иззат-икром қилсангиз, қўшниларга таомлар улашиб турсангиз, қандай ҳам яхши иш қилган бўласиз!

Ғазабни ютиш ва одамларнинг хато ва камчиликларидан ўтиб юборишда салафи солиҳлардан ибрат олиб, уларнинг йўлини тутинг.

Эр-хотин бир-бирингизга тақво ва эзгуликларда ёрдам берсангиз ва аксинча, гуноҳ ва адоватда ёрдам бермасангиз, балки бундан бир-бирингизни қайтариб турсангиз, нақадар буюк савобга эга бўласиз.

Эр-хотин бир-бирингизни ҳақни маҳкам ушлашга чорласангиз ва бу йўлда сабрли бўлишга ундасангиз, Аллоҳ таоло сизни зиён-заҳматга тушиб қолишдан сақлайди.

Ислонинг беш устунни бўлган ибодатларни вақтида адо этсангиз ва Аллоҳ таоло сизни қачон ва қаерда бўлманг кўриб-кузатиб турганини ҳис қилиб ҳаёт кечирсангиз, мукофотига Аллоҳ сизни жаннатига мушарраф қилади.

Аллоҳ таоло мақтаган кишилардан ибрат олинг: **“Гарчи ўзларида эҳтиёж ва камбағаллик бўлса-да мол-мулк ва бошқа яхшиликларга ўзгаларни ҳақлироқ деб кўрадилар”** (Ҳашр, 9).

Тавба-тазарру ва ибодат билан Аллоҳга юзланган ҳамда Аллоҳ кўрсатган йўлда юрган зотлар йўлидан қадамма-қадам юринг.

Пайғамбарлар олиб келган Аллоҳнинг тўғри йўлига эргашинг.

Азиз эр-хотинлар, буларнинг барига қўшимча тарзда Аллоҳга дуо қилинг. Ислонга ва мусулмонларга нусрат беришини сўранг. Ўзингизни, фарзанду зурриётингизни, қолаверса барча муслим ва муслималарни Ўз ҳифзу ҳимоясида сақлашини Аллоҳдан сўраб, дуо қилинг. Фирдавс жаннатига киритишини ва у ерда Аллоҳнинг инъомига сазовор бўлган пайғамбарлар, сиддиқлар, Аллоҳ йўлидаги шаҳидлар ва солиҳ мўминлар билан бирга қилишини сўранг. Зеро, улар жаннатдаги энг яхши ҳамроҳлардир.

Фарзандлар ҳақида икки оғиз сўз

Ҳурматли ота-оналар, фарзандлар масаласига келсак, уларга гўзал тарбия беришингиз, одоб-ахлоқ билан бирга тавҳид, яъни Аллоҳнинг борлиги ва бирлигини, диннинг асослари ва устунларини, иймон ва эҳсон нима эканини таълим беришингиз зиммангиздаги бурчингиздир.

Болаларингизни олдингизга ўтқизиб, уларга жаннат ва унинг васфи ҳақида сўзлаб беринг. Жаннатга рағбатларини оширинг, жаннатга яқинлаштирадиган, унга киришга сабаб бўладиган амаллар ҳақида айтиб беринг.

Охиратда фақат жаннатгина бўлмай, дўзах деб аталмиш, кофирлар учун тайёрлаб қўйилган азоб борлигини ҳам билдиринг. Уларни дўзахдан огоҳ этинг, дўзахга олиб борадиган ишларни танитиб, улардан ҳазар қилишга унданг.

Луқмони Ҳакимнинг ўғлига қилган қисқа ва пурмаъно насиҳатини фарзандларингизга эслатинг. Унинг бу насиҳатини Аллоҳ таоло Қуръонда зикр қилган: **“Луқмон ўғлига насиҳат қилиб деди: “Эй ўғлим, Аллоҳга ширк келтириб, ўз жонингга зулм қилма. Зеро, ширк энг катта ва энг оғир гуноҳдир”** (Луқмон, 13).

Демак, фарзандларингизни ширкдан огоҳ этинг, ширк нима дегани, унинг қандай турлари бор, шуларни ўргатинг. Ширк турларидан бири Аллоҳдан бошқага дуо-илтижо қилишдир. Аллоҳ таоло айтади: **“Аллоҳни қўйиб, дуосига ижобат қилолмайдиган бут-санамларга сиғинаётган кимсалардан кўра адашганроқ ва жоҳилроқ кимса борми?! Бу бут-санамлар ўзига сиғинаётган кишиларнинг дуоларидан беҳабар, уларга фойда ёки зарар етказишдан ожиздир. Одамлар қиёмат куни йиғилган пайтда улар сиғинган худолар уларга душман бўлади, уларнинг ўзларига сиғинишганини билмаганликларини айтади”** (Аҳқоф, 5-6).

Қабрда ётган ўликлардан ҳожатини раво қилишини сўраб дуо-илтижо қилган ва шу қабрдаги кишидан мақсадининг ҳосил бўлишини умид қилган кимса Аллоҳга ширк келтирган бўлади. Нўъмон ибн Башир разияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: **“Дуо айни ибодатдир”**¹.

Фарзандларингизга тушунтирингки, мадад ва ёрдам фақат Аллоҳ таолодан сўралади, бошқа ҳеч кимдан эмас.

Бут-санамлар, тошлар, дарахтлар фойда ёки зарар етказа олмайди. Ўликлар эса бошқалар у ёқда турсин, ўзларига ҳам фойда етказишдан ожиздирлар.

Яна фарзандларингизга шуни билдирингки, назр фақат ва фақат Аллоҳга аталади. Қурбонлик ҳам Аллоҳ учун сўйилади. Байтуллоҳдан бошқа бирон ер тавоф қилинмайди. Руку ва сажда Аллоҳ учун қилинади. Қасам ичилса фақат Аллоҳнинг номи билан қасам ичилади. Амаллар Аллоҳнинг розилигини истаб бажарилади. Манфаат ҳосил қилиш ва зарарни даф қилиш Аллоҳдан бўлади.

Фарзандларга ўргатиш муҳим бўлган яна бир ҳақиқат – ҳукм ягона Аллоҳнинг ўзига хос эканидир. Мутлақ буйруқ Аллоҳнинг буйруғи, барча нарса Аллоҳнинг мулки, эргашиш вожиб бўлган шариат ва қонун Аллоҳ таоло жорий қилган шариат ва қонундир. Ер юзидаги барча махлуқотлар ҳалок бўлади ва буюклик, улуғлик, фазлу марҳамат ва саховат эгаси бўлган Раббингизнинг ўзигина қолади.

Фарзандларга риё нима эканини ўргатинг, токи улар риё махфий ширк эканини билсинлар ва ундан ҳазир бўлсинлар. Нимаики амал қилсалар хўжакўрсинга эмас, балки холис қилсинлар.

Аллоҳ таоло деди: **“Биз инсонга ота-онасига яхшилик қилишни буюрдик. Онаси унга заифлик устига заифлик билан ҳомиладор бўлди. Унинг сутдан ажралиши икки йил муддат ичида бўлади. Биз унга дедик: “Аллоҳга шукр қил, сўнгра ота-онанга шукр қил. Албатта Менинг ҳузуримга қайтилади ва Мен ҳар кимга ўзига муносиб жазо ё мукофот бераман”** (Луқмон, 14).

¹ Термизий ривояти, 5/374.

Ҳар бир инсон шуни яхши билсинки, Аллоҳ таоло ота-онага яхшилик қилишга буюрган. Хоссатан, машаққат устига машаққат билан ҳомилани кўтариб юрган, туққан ва эмизган онани алоҳида зикр қилган. Шундай экан, ота-онангизга бор яхшилигингизни сарфланг. Аллоҳга шукр қилинг, сўнгра ота-онангизга шукр қилинг. Уларга бирор ножўя сўз айтманг, ҳатто “уф” деманг. Улардан аччиқланманг ва оғринманг. Аксинча, уларга доим мулойим ва яхши сўзларни сўзланг. Ота-онангизга меҳр кўрсатиб, хокисор ва тавозели бўлинг. Уларнинг ҳақларига: **“Парвардигоро, ота-онам гўдаклик чоғимда, куч-қувватим йўқ пайтида мени тарбия қилишда сабр қилганлари каби, Сен ҳам уларга кенг-мўл раҳматинг билан раҳм қил”**, деб дуо қилинг.

Фарзандлар ота-оналарига, хусусан, улар кексайган пайтларида янада кўпроқ яхшилик қилсинлар. Чунки гоҳида улардан бири ё ҳар иккиси кексайиб, ўзи ҳожатга чиқолмайдиган бўлиб қолади. Ўтирган ёки ётган жойларида булғаниб қолган бўлсалар, фарзандлар жирканмай, оғринмай хизматларига киришсинлар. Мабодо инсончилик тўфайли ирганиш қалбларига келиб қолгудек бўлса, дарҳол ўзларини ўнглаб олишга, бундай ёмон ўй ва хатодан узоқ бўлишга ҳаракат қилсинлар. Аллоҳ таоло айтади: **“Эй одамлар, Раббингиз дилингиздаги барча яхшилигу ёмонликни билади. Агар ният ва мақсадингиз Аллоҳнинг розилиги ва Унга яқинлашиш бўлса, албатта Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло ҳамма вақт ўзига қайтувчи кишиларни мағфират қилувчи зотдир. Аллоҳ таоло кимнинг қалбида фақат Унга қайтиш ва Унинг муҳаббати борлигини билса, албатта ўша бандасини афв қилади ва ундан инсоний табиат тақозоси билан содир бўлаётган кичик гуноҳларни мағфират қилади”** (Исро, 25). Яъни гуноҳларидан қайтган, хатолардан узоқлашган кишиларни кечиради.

Ота-онага яхшилик қилиш дегани улар ширкка буюрсалар ҳам итоат қилиш керак дегани эмас. Балки бундай ишларда уларга қарши чиқиш, итоат этмаслик лозим. Итоат яхши ишларда бўлади. Аллоҳ таоло деди: **“Биз қалбини зикримиздан ғофил қилиб қўйган ва хоҳиш-ҳавосини Аллоҳнинг тоатидан афзал билган, қилган барча ишлари зое ва бекор кетган кимсаларга итоат қилманг”** (Каҳф, 28).

Гуноҳидан тавба қилиб, Аллоҳга қайтган ва Унинг йўлини тутган кишиларга итоат қилинади, эргашилади. Барчанинг борар ери, қайтар жойи ёлғиз Аллоҳнинг ҳузуригадир.

Ота-она мушрик бўлса ҳам дунёда уларга яхшилик қилиш фарзандлик бурчидир. Аллоҳ таоло айтади: **“Сен дунёда гуноҳ бўлмаган ишларда ота-онангга яхши муносабатда бўл”** (Луқмон, 15).

Инсон дунёда тавҳидда яшаб, тавҳидда вафот этишга ўзи ҳам, хотини ҳам, фарзандлари ҳам, ота-онаси ҳам интилиши лозим ва лобиддир.

Яъқуб пайғамбарни эсланг, у вафоти яқинлашганида фазандларини йиғиб, нима деди? Аллоҳ таоло айтади: **“Эй яҳудийлар, Яъқубга ўлим соати келганида ҳозир бўлганмисиз, ўшанда у болаларини йиғиб: “Мендан кейин нимага ибодат қиласизлар?” деб сўраганида улар: “Сенинг илоҳинг ва оталаринг Иброҳим, Исмоил ва Исҳоқнинг илоҳи бўлмиш ягона илоҳга ибодат қиламиз ва Унга ихлос билан бўйсунамиз”, деб жавоб беришди”** (Бақара, 133).

Яъқуб алайҳиссаломдан олдин бобоси Иброҳим алайҳиссалом ботил қонун-қоидалардан четланган, ўта ҳалим, Аллоҳга кўп тазарру қиладиган, барча ишларида Аллоҳга қайтадиган сертавба киши эди. Аллоҳ таоло у зотни дунёда пайғамбар этиб танлади, охиратда эса у солиҳлар сафида бўлади. Аллоҳ таоло деди: **“Парвардигори унга: “Аллоҳга бўйсуниб, ихлос билан ўзингни Унга топшир”, деб буюрганида ҳеч иккиланмай бўйсунингга шошилди ва: “Ихлос ва тавҳид, муҳаббат ва инобат ила оламлар Раббига бўйсундим”, деди. Иброҳим ва Яъқуб ўз фарзандларини Исломда собитқадам бўлишга чорлаб: “Болаларим, Аллоҳ сизларга шу динни – Исломни танлади. Энди сизлар умрбод ундан ажралманг ва фақат мусулмон бўлган ҳолда дунёдан ўтинг”, дедилар”** (Бақара, 131-132).

Луқмони Ҳаким ўғлига насиҳат қилар экан, унга Раббини танитди. Аллоҳга ҳеч нарса махфий қолмаслигини, Унинг ҳузурда бирон бир амал зое бўлмаслигини баён қилиб деди: **“Эй ўғлим, билгинки, ёмонлик ёки яхшилик гарчи хантал уруғича ўта кичик бўлиб, харсангтош ичида бўлса ҳам ёки еру осмонлардаги қай ўринда бўлса ҳам, албатта Аллоҳ қиёмат куни уни келтиради ва у ҳақда сўроқ-савол қилади. Шубҳасиз, Аллоҳ бандаларининг энг майда ишларини ҳам билувчи, уларнинг барча амалларидан хабардор зотдир”** (Луқмон, 16).

Сўнг ўғлини намоз ўқишга, амри маъруф ва наҳий мункар қилишга ундади: **“Эй ўғлим, намозни тўқис адо эт. Яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтар ва ўзингга етадиган азиятларга сабр қил. Билгинки, бу насиҳатлар Аллоҳ буюрган ва қаттиқ аҳамият берилиши керак бўлган ишлардандир”** (Луқмон, 17).

Нақадар пурмаъно насиҳатлар

Луқмони Ҳаким жигаргўшаси, кўзининг қувончи бўлган ўғлига қилган насиҳатларга бир-бир назар солинг-а, ҳар бири нақадар гўзал ва бебаҳо насиҳатлар эканига шоҳид бўласиз.

Авалло у зот ўғлини диннинг устуни бўлган намозга ундади. Дарҳақиқат, намоз диннинг устунидир. Намозни тўқис адо этиш билан дин барпо бўлади, намоз ўқимаслик билан дин вайрон бўлади.

Намозга ундашнинг сабабларидан яна бири - намоз Ислом рукнларининг иккинчиси эканидир. Намоздан олдин фақатгина шаҳодат келтириш бор, холос.

Жаннатнинг калити, жаннатга эриштирувчи ҳам намоз.

Намоз нур, дунёда ҳам нур, охиратда ҳам. Нури бор одам зулматларда йиқилиб, туртиниб-суртиниб юрмайди.

Намозга ундашнинг яна бир боиси - намозга бўлган буйруқ Парвардигори оламнинг буйруғи эканидир: **“Аҳли оилангизни намозга буюринг ва намозни адо этишда сабрли бўлинг. Биз сиздан мол-мулк сўрамаймиз. Сизга Биз ризқ ва мол-мулк ато этамиз. Дунёда ҳам, охиратда ҳам яхши оқибат тақводорлар учундир”** (Тоҳа, 132).

Намозга пайғамбарлар ҳам буюришган: **“Исмоил пайғамбар аҳлини намозни тўқис адо этишга ва закотни ўташга буюрарди ва Парвардигори ундан рози бўлган банди эди”** (Марям, 55).

Расулимиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: **“Фарзандларингизни етти ёшидан бошлаб намоз ўқишга буюринглар. Ўн ёшида намоз ўқимаса уринглар”**¹.

Яна намоз дўзахдан нажот бўлгани учун ҳам Луқмони ҳаким ўғлини намозга ундади. Аллоҳ таоло деди: **“Намозларига бепарво бўлган, уни мукамал кўринишда ва ўз вақтида адо этмайдиган намозхонларга қаттиқ азоб бор”** (Моун, 4-5).

“Кейин у зотлар ортидан ёмон авлодлар келди. Улар намозни зое қилдилар ва нафси ҳаволарига мос келадиган нарсаларга эргашиб кетдилар. Улар яқинда жаҳаннам ичра ёмонлик ва умидсизликка йўлиқадилар. Фақат гуноҳларига тавба қилган, Раббига иймон келтирган ва солиҳ амаллар қилган кишиларнинг тавбаларини Аллоҳ қабул этади ва улар жаннатга кирадилар” (Марям, 59-60).

Намоз ўқиш мусибатлар аришига ёрдамчи бўлади, гуноҳ ва ёмон ишларга қўл уришдан қайтаради. Намозни рукнлари ва шартлари билан тўла-тўқис адо этувчи кишининг қалби мунаввар бўлади, иймони зиёда бўлади, эзгу ишларга рағбати ортади, ёмон ишларга қизиқиши камаяди ёки бутунлай йўқолади.

Намозга ундаш сабабларидан яна бири намознинг фазли умумий, яхшилиги мўл, савоби кўп ва ажр-мукофоти улўф эканидир.

¹ Абу Довуд ривояти, 495.

Шунингдек, фарзандларни амри маъруф ва наҳий мункар қилишга, бу йўлда етадиган озор ва машаққатларга сабр қилишга ўргатиш ва қизиқтириш ҳам муҳим ишлардан саналади. Чунки кўпинча одамларни яхшиликка буюрган ва ёмонликдан қайтарган кишиларга ҳар тарафдан турли озорлар етиб қолади, ана шунда сабр-матонатли бўлиш талаб қилинади. Аллоҳ таоло айтади: **“Аллоҳ таоло асрга – замонга қасам ичиб айтмоқдаки, одамзод зиёнда ва йўқотишдадир. Фақат Аллоҳга иймон келтирган ва яхши амаллар қилган, бир-бирларига ҳақни маҳкам ушлашни, Аллоҳга итоат қилишни ва бунда сабрли бўлишни тавсия қилган кишилар бундан мустаснодир”** (Аср, 1-3).

Шундан сўнг Луқмони Ҳаким ўғлини одамлар билан муомалада гўзал хулқли бўлишга ундади:

“Одамларга гапирган пайтингда ёки одамлар сенга мурожаат қилишганда уларни камситиб, кибр билан юз ўгирма. Ерда одамлар ичида кеккайиб, кибру ҳаво билан юрма. Чунки Аллоҳ таоло ўзига бино қўйган ҳар қандай мутакаббир, мақтанчоқ кимсани ёқтирмайди” (Луқмон, 18).

Яъни: “Эй ўғлим, одамлар билан гаплашганингда юзларига қараб гаплашгин, улардан юзингни буриб, энсангни қотириб муомала қилмагин. Балки табассум ва очиқ чеҳра билан муомала қил. Юрганингда ҳам гердаймай юр, ўзингга ё гавданга ёки гап-сўзингга бино қўйма. Аллоҳ таоло манманларни, ўзига бино қўйган мақтанчоқларни суймайди”.

“Шошмасдан, виқор билан юр. Овозингни паст қил, баланд кўтарма. Зеро, энг хунук ва энг ёқимсиз овоз ўзининг бефаросатлиги ва баланд овозда ҳанграши билан машҳур бўлган эшаклар овозидир” (Луқмон, 19).

Ҳурматли ота-оналар, сиз ҳам фарзандларингизга Луқмони Ҳаким ўғлига қилган бебаҳо, икки дунё яхшилигини ўзида жамлаган насиҳатларни таълим беринг. Бунга қўшимча ота-оналар Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам жиянлари Абдуллоҳ ибн Аббосга ўргатган ўта фойдали ва муҳим сўзларни таълим беришлари лозим. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам жиянларига бундай деган эдилар: *“Эй жиян, сенга шу сўзларни ўргатаман: “Аллоҳнинг буйруқларига риоя қилсанг, Аллоҳ сени дунёда ҳам, охиратда ҳам сақлайди. Аллоҳнинг буйруқларига риоя қилсанг, Уни рўпарангда топасан. Сўрасанг Аллоҳдан сўра. Ёрдам сўрасанг ҳам Аллоҳдан сўра. Билгинки, агар одамларнинг бари сенга фойда етказиш учун йиғилсалар ҳам, фақат Аллоҳ тақдир қилганича наф бера оладилар. Худди шундай, агар уларнинг бари сенга бирон зарар етказиш учун жамлансалар ҳам, Аллоҳ сенга тақдир қилганидан ортиғига эриша олмайдилар. Қаламлар кўтарилган, саҳифалар қуриган”*¹. Яъни Лавҳул-маҳфўзда тақдир қилиб

¹ Термизий ривояти, 2516.

битилгани битиб бўлинди. Энди бунга бирон нима қўшилмайди ҳам, ундан камайтирилмайди ҳам.

Ота-она болаларни ёшлик чоғиданоқ ибодат ва итоат руҳида ўстириши, уларга ҳалол-ҳаромни ўргатиши, оқ-қорани танитиши керак. Бирдан эмас, оздан, босқичма-босқич. Шоир айтганидек:

*“Биз томонда ўспирин ёшлар
Отасида кўрганин қилар.
Ота нега одатлантурса
Боласи ҳам шундайин бўлар”.*

Бизда ҳам айтишади-ку: “Қуш уясида кўрганини қилади”, деб.

Оталар ўғилларини ўзлари билан масжидга олиб боришлари, уларга Қуръон ва суннатни ўргатишлари, намоз қандай амал экани, неча маҳаллиги, қандай ўқилиши, ўқимаса нима бўлиши ҳақида билдиришлари, намоз ўқишга ёшлик чоғиданоқ одатлантиришлари лозим. Бу ҳақда Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтган сўз юқорида ўтган эди, яна қайтарсак фойдадан холи бўлмас: *“Фарзандларингизни етти ёшидан бошлаб намоз ўқишга буюринглар. Ўн ёшида намоз ўқимаса уринглар”*¹.

Салафи солиҳлар фарзандларини ёшлигидан рўза тутишга одатлантиргани каби ҳар бир ота-она фарзандини рўза тутишга одатлантириши керак.

Рубайёеъ бинти Муаввиз айтган: “Биз Ошуро рўзасини тутар ва ёш болаларга ҳам рўза тутдирар эдик. Уларга жундан ўйинчоқ ясаб, овқат ейман деб йиғласа, қўлига ўша ўйинчоқни тутқазар ва шу тариқа оғиз очиш вақтига қадар уларни овунтирар эдик”².

Ота-она болаларини ҳаром еб қўйишидан сақлаши лозим. Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Ҳасан ибн Али садақа хурмоларидан бир дона олиб оғзига солди. Шунда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: *“Қих-қих, ташла, билмайсанми, ахир биз пайғамбар оиласи садақа емаймиз”,* дедилар”³.

Ота-она фарзандларга ейиш-ичиш ва сўзлаш одобларини ўргатишлари ҳам зарур. Имом Бухорий ва Муслим ривоят қилган ҳадисда Умар ибн Абу Салама разияллоҳу анҳу айтади: “Болалик чоғимда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг тарбиялари остида эдим. Қўлимни товоқнинг у ер-бу ерига чўзганимда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам менга: *“Ҳой бола, бисмиллаҳ деб, ўнг қўлинг билан ва ўз олдиндан егин”,* дедилар”⁴.

1 Абу Довуд ривояти, 495.

2 Бухорий ривояти, 1960.

3 Бухорий (1491) ва Муслим (1069) ривояти.

4 Бухорий (“Фатҳ ал-Борий”, 9/521) ва Муслим (13/192) ривояти.

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Ҳузайфа разияллоҳу анҳу айтади: “Биз Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бир дастурхонда ўтирсак, у зот таомга қўл узатмагунларича қўл узатмас эдик. Бир куни Пайғамбар алайҳиссалом билан таомга ҳозир бўлганимизда ёшгина бир қизча худди биров итариб юборгандай тезликда келиб, таомга қўл узатмоқчи бўлди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам унинг қўлидан тутиб қолдилар. Кейин бир бадавий киши худди биров итариб юборгандай тезликда келганида Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам унинг ҳам қўлидан тутиб қолдилар ва: *“Шайтон Аллоҳнинг номи зикр қилинмай ейилган таомдан насиба олиш имконига эга бўлади. Шайтон мана бу қизча билан келиб овқатдан насиба олмоқчи эди, шунинг учун унинг қўлидан тутиб қолдим. Бу аъробий билан келиб таомдан насиба олмоқчи бўлганди, шунинг учун унинг қўлидан тутдим. Аллоҳга қасамки, шайтоннинг қўли менинг қўлимда бу қизчанинг қўли билан бирга эди”*¹.

Икки киши Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келишди. У иккиси ичида ёшроқ бўлгани гапирмоқчи бўлганида Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: *“Аввал катта гапирсин”*, дедилар².

Демак, ота-она фарзандларига катталарни ҳурмат қилиш, кичикларга меҳр-шафқат кўрсатишни, қўни-қўшни ва қариндош-уруғлар ҳаққини ўргатишлари лозим.

Энг муҳим нуқталардан бири: ота-она фарзандлар ҳаққига кўп дуо қилишлари, уларни тўғри йўлда юришга ва солиҳ амаллар қилишга тавфиқ беришини сўраб Аллоҳга илтижо қилишлари керак.

Солиҳ кишилар ана шундай йўл тутган эдилар. Улар Аллоҳга дуо қилиб дейдилар: **“Мен учун зурриётимни ҳам ислоҳ қил”** (Аҳқоф, 15).

Яна улар Аллоҳ таолога дуо қилиб сўрайдилар: **“Эй Раббимиз, бизга жуфтларимиз ва зурриётларимиздан кўзимизни қувнатадиган ва бизга шодлик бахш этадиган ҳолатларни ато эт”** (Фурқон, 74).

Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дуо қилган эдилар: *“Парвардигоро, хонадон аҳлимдан ҳар қандай озор ва ёмонликни узоқ қил ва қалбларини ғоят даражада покла”*³.

Ота-она худди Пайғамбар алайҳиссалом қилганларидек ўғил-қизларига паноҳ тилашлари керак. Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу анҳумо айтади: Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Ҳасан ва Ҳусайнга паноҳ тилаб айтардилар: *“Бобонгиз Иброҳим алайҳиссалом Исмоил ва Исҳоққа паноҳ тилаб бундай дердилар: “Аллоҳнинг мукаммал калималари билан ҳар бир*

1 Муслим ривояти, 13/187.

2 Бухорий (6142, 6143) ва Муслим (1294) ривояти.

3 “Муснади Аҳмад”, 6/298; “Саҳиҳи Муслим”, 1294.

*шайтондан, зарарли ҳашаротдан ва ёмон кўз тегишидан сизларга паноҳ тилайман”*¹.

Кўпчилик инсонлар унутган ва амал қилмай қўйган бир суннатни эслатиб ўтмоқчиман. У Имом Бухорий ва Муслим ривоят қилган ҳадисда келган. Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу айтади: Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: *“Қоронғи тушса, болаларингизни уйда ушлаб туринг, ташқарига чиқарманг. Чунки бу пайтда шайтонлар тарқалган бўлади. Кечадан бир муддат ўтгач, уларни ўз ҳолига қўяверинг. Ётишдан олдин Аллоҳнинг исмини зикр қилиб, эшикларни беркитинг. Чунки шайтон берк эшикни очолмайди. Аллоҳнинг исмини зикр қилиб, сув идишлар оғзини ёпинг. Аллоҳнинг исмини зикр қилиб, бошқа идишларни ҳам устига (чўп ё бошқа) бирон нарса ташлаб бўлса-да ёпинг ва чироқларингизни ўчиринг”*².

Болангиз гоҳида озиб-тўзиб кетганини кўрасиз, дўхтирга олиб борсангиз текшириб кўриб ҳеч қандай касал топмайди. Боланинг касали бошқа турдан бўлади. Унга кўз теккан бўлиши мумкин. Гоҳо ҳасадчининг кўзи боланинг озиб кетишига сабаб бўлади. Бу ҳақда Набий алайҳиссаломдан ҳадис келган. У зот Жаъфарнинг уйига борганларида унинг фарзандлари озиб, нимжон бўлиб қолганини кўрадилар. Уларнинг онаси Асмо бинти Умайдан: *“Амакиваччамнинг болаларини жуда ҳам озиб, нимжон бўлиб қолишганини кўряпман. Шу қадар муҳтожмилар?”* деб сўрадилар. Асмо: *“Йўқ, муҳтожликдан эмас. Уларга кўз тегиб туради”*, деди. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам: *“Уларга дам сол”*, дедилар. Асмо айтади: *“Мен ўзим билган руқяларни айтиб берган эдим, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салам: “Уларга дам сол”, дедилар”*³.

Ота-она фарзандлари орасида адолат қилишлари лозим. Бирига бериб, бирига бермаслик ака-укалар, опа-сингиллар ичида бир-бирига нисбатан адоват урчишига, ҳасад ва нафрат пайдо бўлишига сабаб бўлади.

Нўъмон ибн Башир разияллоҳу анҳу айтади: *“Отам менга бир қулни ҳадя қилган эди, онам Амра бинти Равоҳа: “Бу ҳадяга Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламни гувоҳ қилмасангиз рози бўлмайман”*, деди. Шундан сўнг отам Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг олдиларига бориб: *“Эй Расулulloҳ, мен Амра бинти Равоҳадан бўлган ўғлимга бир ҳадя берган эдим. Шунга сизни гувоҳ қилишимни талаб қилиб туриб олди”*, деди. Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: *“Худди шундай ҳадяни бошқа фарзандларингга ҳам бердингми?”* деб сўрадилар. Отам: *“Йўқ”*, деди. Расулulloҳ саллаллоҳу

1 Бухорий ривояти. “Фатҳ ал-Борий”, 6/408.

2 Бухорий (“Фатҳ ал-Борий”, 10/88) ва Муслим (13/183) ривояти.

3 Муслим ривояти. “Шарҳи Нававий”, 14/185.

алайҳи ва саллам: “Аллоҳдан қўрқинглар. Фарзандларингиз ўртасида адолат қилинглар”, дедилар. Отам ҳадясини қайтариб олди”¹.

Тўғри, муҳаббат Аллоҳнинг қўлида. Кимнинг қалбига кимга нисбатан муҳаббат солади, бу Аллоҳнинг иродаси. Гоҳида ота ё она бир боласини бошқаларидан кўра ортиқроқ яхши кўриши мумкин. Юсуф алайҳиссаломнинг ота бир оғалари бундай деган эдилар: **“Юсуф ва унинг туғишган иниси отамизга биздан кўра суюқлидир. У иккаласини биздан ортиқ кўради. Ҳолбуки, биз кўпчиликмиз”** (Юсуф, 8).

Лекин ота-она ҳикмат билан иш юритишлари, фарзандларнинг сиқилишига, уларнинг орасига адоват оралашига йўл қўймасликлари, дилдагини яширишлари лозим бўлади.

Аллоҳ таоло оилада риоя қилиниши керак бўлган одобларни жорий қилди. Ҳар бир ота-она бу одобларни оиласида татбиқ этиши, фарзандларига таълим бериши матлубдир. Аллоҳ таоло айтади: **“Эй иймон келтирганлар, қулларингиз, чўриларингиз ва балоғат ёшига етмаган озод болаларингизни қўйидаги уч вақтда ҳузурингизга киришда сизлардан изн сўрашга буюринглар: Биринчиси бомдод намозидан илгари; чунки бу уйқу либосларини ечиб, одатий либосларни кийиш пайтидир. Иккинчиси туш пайтида қайлула (кундүзги уйқу) учун кийимларни ечиш вақти. Учунчиси хуфтон намозидан сўнг; чунки у ухлаш пайтидир. Бу уч вақт кўпинча авратларингиз очиқ бўладиган вақтлардир. Аммо бундан бошқа пайтларда ҳузурингизга киришга эҳтиёжлари бўлгани учун изнсиз кирсалар, уларга ҳам, сизларга ҳам гуноҳ йўқ. Чунки улар хизмат учун ҳузурингизга кириб-чиқиб турадилар. Хусусан, ҳожат юзасидан бир-бирингизнинг олдингизга кириб-чиқиб туришингиз одатий ҳолдир. Аллоҳ таоло изн сўраш ҳукмларини сизларга баён қилиб бергани каби Ўзининг оятларини, аҳкомларини, далил-ҳужжатларини, динидаги вазифаларни баён қилиб беради. Аллоҳ бандаларини ислоҳ қиладиган нарсани яхши билувчи ва уларнинг ишларини бошқаришда ҳикмат соҳиби бўлган зотдир. Ёш болаларингиз балоғат ёшига етсалар, ҳузурингизга кирмоқчи бўлганларида ҳамма вақт катталар изн сўраганидек изн сўрасинлар. Аллоҳ таоло изн сўраш одобларини баён қилиб бергани каби сизларга Ўзининг оятларини баён қилади. Аллоҳ бандаларини ислоҳ қиладиган нарсани яхши билувчи ва уларга жорий қилаётган аҳкомларида ҳикмат соҳиби бўлган зотдир”** (Нур, 58-59).

Аллоҳ таоло ота-онага юксак одоб-ахлоқ ҳақида йўл кўрсатди. Бу юксак одоб ота-она балоғат ёшига етмаган фарзандларга куннинг уч вақтида уларнинг олдига киришдан олдин эшикни тақиллатиб, рухсат сўраб кириш кераклигини ўргатишларидир. Чунки кўпинча бу вақтларда кийимлар

¹ Бухорий (2587) ва Муслим (148-149 бет) ривояти.

ечилгани туфайли авратларга кўз тушиб қолиши мумкин. Бу уч вақт: бомдод намозидан илгари, туш пайтида қайлула учун кийимларни ечадиган пайт ва хуфтон намозидан сўнгдир.

Кўпинча мана шу уч вақтда эр ва хотин кийимларини ечиши ё яқинлик қилиши эҳтимоли кучли бўлади. Шунинг учун ҳам ота-она балоғат ёшига етмаган фарзандларга ушбу уч вақтда уларнинг олдига киришдан олдин эшикни тақиллатиб, рухсат сўраб кириш кераклигини ўргатишга буюрилдилар. Бу юксак одоб-ахлоқдан беҳабар ўғил ё қиз шу вақтларда ота-онасининг хонасига рухсат сўрамай кириб келса, ота-онасини кийимсиз, уятли ҳолда кўриб қолиши мумкин. Кейин нима бўлади? Боланинг миясида бу манзара ўрнашиб қолади ва хаёли бузилади. Ота-онасида кўрган ишни ўзи ҳам қилишга ҳаракат қилиб кўради. Қўшни қиз билан, синфдоши билан ва ҳатто опа-синглиси билан шу ишни амалга оширмоқчи бўлади. Ўғил-қизлар ётоғи ажратилмаган, алоҳида қилинмаган хонадонларда бундай ҳолатлар учраб қолиши мумкин. Ўғил-қизларни бошқа-бошқа хонада ётқизиш керак. Шайтон бузғунчилик ёйилишига ҳарисдир, у катта-кичикни фасод ва разилликка етаклайди. Хусусан, синглиси билан бир тўшақда ётган болани фасод ва бузуқликка етаклаши аниқ. Аллоҳ сақласин.

Динимиз поклик дини, у болаларнинг тасаввурларини, ақлларини, дилларини ва тилларини поклик ва софликда сақлайди. Шундай бўлгач, ота-оналар Аллоҳ ва Расулининг амрларига бўйсунушлари, тақиқлаган ишлардан тийилишлари лозим.

Она уйда, балоғатга етган ўғиллари олдида юрганида очиқ-сочиқ юрмай, сипороқ кийиниши, ортиқча ясан-тусан қилмаслиги керак. Чунки шайтон ўсмир ёшдаги йигитларга ҳаромни зийнатли қилиб кўрсатади.

Ота ҳам уйда қизларининг олдида уларни жунбушга келтирадиган кийимда юрмаслиги керак. Шортик-майкада, авратларини билдирадиган тор кийимда юриши қизларига салбий таъсир кўрсатиши ва оқибати хунук бўлиши мумкин.

Уйга рухсат сўраб кириш кўз ҳаромга тушмаслиги учун буюрилган. Бунга далил Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ушбу ҳадисларидир: *“Рухсат сўраб кириш кўз ҳаромга тушмаслиги учун жорий қилингандир”*¹.

Шундай экан, ота-оналар фарзандларни фисқ-фужур, разолат ва фаҳш-мункарни намоиш этувчи бузуқ кинолар кўришдан сақласинлар. Сақловчи Аллоҳ субҳонаҳу ва таолодир. Аллоҳ сақласин. Вояга етган ўғил-қизларни асло ўз ҳолига ташлаб қўймаслик керак. Интернетга уланган компьютер ё телефонни қўлига бериб қўйиб, назоратсиз ташлаб қўймасинлар. Балоғат ёшига етган

1 Бухорий (“Фатҳ ал-Борий”, 12/243) ва Муслим (2156) ривояти.

Ўсмир эркак-аёл қучоқлашиб, ўпишиб турганини кўрса қандай аҳволга тушади?! Бу манзара унинг ҳирсини қўзғатиб, бузуқликка бошламайдими?

Балоғатга етган қиз келишган бир йигит бир қизни қучоқлаб, ўпиб турганини кўрса, ўзини ўша қиз ўрнида бўлиб қолишини истамайди деб ўйлайсизми? Адашасиз, унинг ҳам шаҳвати қўзиб, ҳаром ишга етаклайди. Аллоҳ сақласин. Огоҳ бўлайлик!

Уламолар айтадилар: Аёл киши айғир от бияга сакраётганини кўрса ёки эркак мушукни урғочи мушукнинг устида кўрса, ҳис-туйғулари уйғониб, жунбушга келиб, у ҳам яқинлик қилгиси келиб қолар экан. Шунинг учун ҳар бир ота-она ўғил-қизларини ҳозирги кунда кенг тарқалган ёмонлик – бузуқлик ва фаҳш балосидан асраб-авайлашлари керак.

Ҳар бир ота-онани ўғил-қизларини сақлаш ва асраб-авайлаш борасидаги вазифаларини ўташга, Аллоҳ таоло уларга юклаган омонатни адо этишга чақириб қоламиз.

Аллоҳ таоло солиҳ фарзандни ота-онасига дунёда ҳам, охирада ҳам манфаат етказадиган қилиб қўяди. Бу ҳақда Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар: “Қиёмат куни бир кишининг мартабаси юқори бўлиб кетади. У: “Менга бундай мартаба қайдан келди?” деб сўраса: “Фарзандининг сенинг ҳаққингга айтган истифори сабабидан”, деб айтилади”.

Ҳамиятли ҳар бир эркакни оиласига ғамхўр, уларга назоратчи бўлишга ундаймиз, оиласига фаҳш-мункар кириб келишига рози бўлган даюс бўлиб қолишдан қаттиқ огоҳ этамиз.

Фарзандларингизни яхши жойларга олиб боринг, фасод, бузуқлик тарқаган ерлардан узоқ қилинг.

Болангиз мактабда яхши ўқиса-ю, аммо намоз ўқимаслиги, бетавфиқ кимсалар билан ножўя ва беҳуда сўзларни гаплашиб ўтириши ва бузғунчи кимсалар билан бузуқлик қилиши сабабли жаҳаннамга ўтин бўлишига рози бўласизми?!

Фарзандларингизга Аллоҳ таолонинг ушбу сўзини эслатинг. Аллоҳ таоло деди: “Дунёда сизларни қандай яратган бўлсак шундай, битта-битта, яланғоч ва ялангоёқ ҳолда ҳузуримизга ҳисоб-китоб бериш учун келдингиз. Биз сизларга берган мол-дунёларнинг ҳаммасини ортингизга қолдириб келдингиз. Охирада сизлар Аллоҳ ҳузурини воситачи бўлишини эътиқод қилган ва ибодатда Аллоҳнинг шериклари деб даъво қилган бут-санамларингизни сизлар билан бирга кўрмаймиз! Дунёда улар билан ўртангизда бўлган алоқаларингиз тамоман узилди, ибодатда Аллоҳга шерик деб даъво қилган худоларингизнинг ҳаммаси сиздан ғойиб бўлди” (Анъом, 94).

Фарзандларга

Аллоҳ таоло барчангизни Ўз ҳифзу ҳимоясида сақласин.

Эй фарзанд, ота-онангга яхшилигингни аяма, тинмай яхшилик қил. Ота-онангга яхшилик қияпсанми, йўқми, Аллоҳ кўриб, кузатиб турганини доим ёдингда тут. Зеро, уларга яхшилик қилишни Парвардигори олам буюрган. Аллоҳ таоло айтади: **“Эй инсон, Раббинг ибодатни ёлғиз Унга қилишга ҳамда ота-онангга яхшилик қилишга буюрди. Хусусан, уларнинг бири ёки ҳар иккови кексалик ёшига етсалар, уларга бирор ножўя сўзни айта кўрма, ҳатто “уф” дема. Уларнинг сўзларини қайтарма. Балки уларга доим мулойим ва яхши сўзларни сўзла. Ота-онангга меҳр кўрсатиб, хокисор ва тавозели бўл. Парвардигорга дуо қилиб, ота-онанг гўдаклик чоғингда сени тарбия қилишда сабр қилганлари каби, Раббингдан уларни ҳаётлик пайтларида ҳам, вафотларидан кейин ҳам Ўзининг кенг-мўл раҳмати билан раҳм қилишини сўра”** (Исро, 23-24).

Ота-онага яхшилик қилиш борасида бир қанча оятлар келган:

“Аллоҳга ибодат қилинглар ва Унга ҳеч кимни шерик қилманглар. Ота-онага яхшилик қилинглар ва уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини адо қилинглар” (Нисо, 36).

“Эй Пайғамбар, уларга айтинг: “Келинглар, мен сизларга Раббингиз сизлар учун ҳаром қилган нарсаларни ўқиб берай: ибодатда маҳлуқотларидан бирор нарсани Унга шерик қилманг. Ота-онангизга яхшилик қилинг” (Анъом, 151).

“Биз инсонга ота-онасига яхшилик қилишни буюрдик. Онаси унга машаққат устига машаққат билан ҳомиладор бўлди. Унинг сўтдан ажралиши икки йил муддат ичида бўлади. Биз унга дедик: “Аллоҳга шукр қил, сўнгра ота-онангга шукр қил. Албатта Менинг ҳузуримга қайтилади ва Мен ҳар кимга ўзига муносиб жазо ё мукофот бераман” (Луқмон, 14).

“Биз инсонни ота-онасига яхши муомала қилишга, ҳаётлик чоғларида ҳам, вафотларидан кейин ҳам уларга яхшилик қилишга буюрдик. Онаси қийналиб унга ҳомиладор бўлди, қийналиб дунёга келтирди” (Аҳқоф, 15).

Ота-онага яхшилик қилиш ҳақида Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламдан бир қанча ҳадислар келган, шулардан айримларини келтириб ўтамиз.

Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан: **“Қайси амал энг афзалдир?”** деб сўралганида Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Вақтида ўқилган**

намоз”, дедилар. “Ундан кейин қайси амал?” дейилганда: “*Кейин ота-онага яхшилик қилиш*”, деб жавоб бердилар”¹.

“Яхшилик қилишимга энг ҳақли бўлган ким, кимга кўпроқ яхшилик қилай?” деб сўраган кишига Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “*Онангга*”, деб жавоб бердилар. “Кейин кимга?” деган эди, яна: “*Онангга*”, дедилар. “Кейинчи?” деб сўраганида ҳам: “*Онангга*”, деб айтдилар. Тўртинчи бор: “Кейин кимга?” деган эди, “*Кейин отангга*”, дедилар”².

Эй фарзанд, шунини яхши билиб ол: ота-онага яхшилик қилиш, уларга итоат этиш яхши ишларда бўлади. Аммо Аллоҳга осий бўлинадиган ва ширк бўлган ишларда итоат қилинмайди. Аллоҳ таоло айтган: “**Эй фарзанд, ота-онанг ўзинг билмайдиган нарсаларни Менга шерик қилишга зўрласалар, уларга итоат қилма ва дунёда гуноҳ бўлмаган ишларда уларга яхши муносабатда бўл**” (Луқмон, 15).

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ота-онангизга кўп яхшилик қилинг, уларга ширин сўзлар айтинг, ҳадялар беринг, чарчамай, зерикмай хизматларида бўлинг, хусусан кексайган пайтларида. Агар ота-онангиз оламдан ўтиб кетишган бўлса, улар ҳаққига кўп-кўп истиғфор айтинг, тириклик чоғларида борди-келди қилган яқинлари ва дўстлари ҳолидан хабар олиб туринг, сиз ҳам улар билан борди-келди қилинг.

Оиланинг барча аъзосига

Ҳурматли ота-оналар ва азиз фарзандлар, барчангиз Аллоҳнинг китоби Қуръонни ва Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг йўлларида маҳкам тутинг, бўлиниш ва тарқоқликка олиб борадиган ишларга қўл урманг.

Аллоҳ учун яхши кўринг, Аллоҳ йўлида жамланинг ва Аллоҳ йўлида юрмайдиганлардан узоқ бўлинг. Жамланишингиз ҳам, ажралишингиз ҳам Аллоҳ учун бўлсин.

Яхши ишларни қилишда ва Аллоҳдан тақво қилишда ўзаро ҳамкорлик қилинг, бир-бирингизга кўмаклашинг. Гуноҳ ва маъсият қилишда, Аллоҳнинг чегараларидан чиқишда ҳамкорлик қилманг. Аллоҳнинг амрига хилоф қилишдан ҳазир бўлинг.

Дуоларингиз ижобат бўлиши учун еяётган таомингиз, ичаётган ичимлигингиз ва кияётган кийимларингиз ҳалолдан бўлишига эътибор беринг. Ҳаром еманг, ҳаром ичманг, ҳаром кийманг. Ҳалолдан топиб, ҳалолга сарфланг.

¹ Бухорий (“Фатҳ ал-Борий”, 10/400) ва Муслим (85) ривояти.

² Бухорий (“Фатҳ ал-Борий”, 10/401) ва Муслим (5/41) ривояти.

Уйингизни тиловат, зикр, ҳамд-сано, такбир ва таҳлиллар билан обод этинг.

Биродарингиз золим бўлса ҳам, мазлум бўлса ҳам ёрдам беринг. Золимга ёрдам бериш уни зулмдан қайтариш билан бўлади. Мазлумга эса ҳақини олиб бериш, шунга ҳаракат қилиш билан бўлади.

Вафот этган ака-укалар ҳаққиға истиғфор айтинг, охиратни эслаш мақсадида қабрларни зиёрат қилинг. Бир кун келиб ҳаммамиз ҳам бу дунёдан ўтиб кетамиз. Зеро, ер юзидаги барча махлуқотлар фонийдир. Буюклик ва саховат эгаси бўлган Раббингизгина қолади.

Аллоҳ таоло сизларни бир оилада, бир том остида Ўзининг тоати ва ибодатида жамлаганидек Фирдавс жаннатида, Аллоҳнинг ҳузурида беҳуда ва гуноҳ сўзлар бўлмаган ҳақ мажлисда ҳам жамлашини сўраб, дуолар қилинг.

Раббингиздан гуноҳларингизни кечиришини сўранг, тавба қилинг, У тавба қилган бандаларининг гуноҳларини кечирувчи зотдир.

Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламга салавот ва саломлар йўлланг, Аллоҳ таоло сизларга раҳматини ёғдиради.

Хотима

Аллоҳга ҳамдлар бўлсин, Унинг фазли-марҳамати билан ушбу мўъжаз китоб ниҳоясига етди. Аллоҳ таолодан ушбу китобни ўзимга ва барча мусулмонларга фойдали қилишини сўраб қоламан. Китобда келтирилган оятлар ва ҳадислардан таъсирланиб, Аллоҳга яқинлашимизни Аллоҳ насиб этсин. Бу китобни ўқигандан сўнг оила аъзолари бир-бирлари билан жипслашиб, қалблари улфат бўлишини, хулқ-атворлари, муомалалари яхшиланишини Аллоҳдан сўраб, илтижо қиламан. Аллоҳ таоло бу китобни ёзган, уни ўқиган барчани, оила аъзолари билан бирга жаннатга мушарраф айласин.

Расулимиз Муҳаммад саллalloҳу алайҳи ва салламга, оилаларига, асҳобларига ва барча мусулмонларга салавот ва саломлар бўлсин.

Парвардигоро, Сенга тасбеҳ ва ҳамдлар айтаман. Сендан ўзга ҳақ маъбуд йўқ деб гувоҳлик бераман. Хато-камчиликларимга истиғфор айтаман ва тавба қиламан, Ўзинг кечир ва тавбамни қабул эт.

Абу Абдуллоҳ Мустафо Адавий

Таржимон: Камолиддин Иноятуллоҳ

14 Шаъбон, 1442 ҳижрий сана
27 Март, 2021 милодий сана